


**СКАНДИНАВИЯ  
ХИКОЯЛАРИ**



# СКАНДИНАВИЯ

ЎзССР ДАВЛАТ БАДИИЙ  
АДАБИЁТ НАШРИЁТИ

ИЧК 314  
С 63.



# ХИКОЯЛАРИ

*РЖ*

БИБЛИОТЕКА НГПИ

Инв. № 58318

195 г.

ТОШКЕНТ — 1962

И  
С63

Скандинавия ҳикоялари тўпламига Дания, Исландия, Норвегия, Швеция ёзувчиларининг ундан ортиқ ҳикоялари кирган. Ҳикоялар тематик жиҳатдан хилма-хил бўлиб, ўзбек китобхонларини ўша халқларнинг ҳаёти билан таништиради.

Скандинавия ҳикоялари. Т., Ўзадабийнашр, 1962.  
148 бет.

Скандинавские рассказы.

И

# ДАНИЯ



# ХИКОЯЛАРИ



*Ханс Христиан Браннер*



## ИНГЕБОРГ

Ут ҳовлидан уйга қайтиб келганда овқат ейладиган тўғарак стол устида шам ёниб турар, сочельник<sup>1</sup> арафаси бўлса-да, унинг ликопчаси олдида бир коробка рангли қалам билан суратлари бўяладиган альбом ётарди.

— Ойи!— деб қичқирди Рут дик-дик сакраб.— Ойи, ойи, ойи!— Альбомда ингичка қилиб чизилган анчагина суратлар бўлиб, буларни қизчанинг ўзи бўйяй оларди. Рут ўтириб, альбомни варақлай бошлади.

У қулоқлари узун қуёнга қараб, қуён жигар ранг, калта думи билан панжалари оқ, кўзчалари қоп-қора бўлса керак, деб кўнглидан ўтказди. Мана қўғирчоқ чиқиб қолди! Қўғирчоқнинг сочлари Ингеборгникига ўхшаш сариқ, юзлари оч қизил, кўзчалари бўтакўздек, кўйлаги қизил бўлади.— Овқатингни е,— деди ойиси. Лекин Рут альбомдан ажрай олмасди; альбомда ўзиям юзтача сурат бўлса керак. Унга яна саккизта ҳар хил рангли қаламлар совға қилишганди. Қизча коробкадан қаламларнинг ярмисини чиқарди-да, санаб, синчиклаб кўра бошлади: жигар ранги ҳам, қораси ҳам, яшили ҳам, кўки ҳам, сариғи ҳам, бинафша ранги ҳам, тўқ қизили ҳам, қирмизи ранги ҳам бор эди...

<sup>1</sup> Сочельник — православларда рождество ва крещение байрамларининг арафаси.



— Ойи, сочельникка яна неча соат қолди?— сўради Рут.

— Оз қолди, қизим,— деб жавоб берди ойиси.— Овқатингни еб, бир ухлаб турсанг, вақт тезда ўтади-ке-тади.

Аммо Рутнинг овқат егиси келмасди; уйқу ҳақида гапирмаса ҳам бўларди, чунки у ухлай олмаслигини аллақачон ўзи билганди. Ҳали шунча кўп вақт бор экан-да-а. Қизча оёқларини ўйнатар, ҳеч тинчий олмасди. Тоқатсизликдан ҳатто қорни оғриб қолди. Ҳали шунча кўп вақт бор экан-а, ўйласанг ваҳима босади! «Ойи, ойи, ойи, ойи» — деди чўзиб у ва сал бўлмаса йиғлаб юбораёзди.

Хулласи, Рут ўринга вақтлироқ ётишга кўнди. Қоронғи уйда ётиб, ўй суриш яхши. Қоронғида яхшироқ ўйлайди киши.

Ойиси каравоти устига энгашиганда:

— Ойи,— деди у,— эртага Ратуши майдончасидаги катта арчани бориб кўрамизми?

— Ишларни саранжом қилсак, борармиз,— деди ойиси.— Кўйлакни битказишим керак, рождество байрамига тайёр бўлмаса, бўлмайди.

— Кечаси тиколмайсизми, ойи?

— Албатта тика оламан.— Ойиси кулиб қўйди, буни Рут, демак, ишларни битирар эканмиз, деб тушунди.

Ойиси олдига шундай сержаҳл аёллар келардики, у ишини қачон тугатишини сира билмасди, лекин ҳар сафар тугатиб улгурарди.

— Ойи!— Рут каравотга сакраб чиқди-да, унинг бошини тортиб, пешоналарига, бурун ва юзларига башарасини суркади. Димоғига хона ҳиди, иссиқлик ва турли-туман кўйлаклар ҳиди урилди.

Хона ичи қоп-қоронғи, фақат эшик тирқишидан сарғиш ёруғ тушиб турарди. Ойиси нариги хонада, каттакон машинада иш тикиб ўтирарди. Рут эса қоронғи уйда ётиб, машина овозига қулоқ солишни яхши кўрарди. Ма-на, нариги хона ҳам қоронғи бўлиб қолди, ойиси чироқ олдида ниманидир ушлаб турарди, сўнгра у ўзининг хуш-овози билан секин ашула айта бошлади; одатда кечалари кийим тиккан пайтларида овози шунақа ёқимли бўлиб эшитиларди. Демак, ойиси Рут ухлаб қолди, деб ўйлабди-да, қизча овоз чиқармай кулди, чунки у ухламай, ҳамма нарсани эшитиб ётибди-ку. У пар тўшак тагига

кириб, шундай қаттиқ кулдик, нақ бўғилиб қолаёзди. «Эртага сочельник» деб шивирлади қизча. Сўнгра, оёқларим қимирламасин деб тиззаларини ияги олдига олиб келди-да, қучоқлаб олди. Йўқ, Рут ортиқ чндай олмайди. Ким биландир гаплашиши керак эди. Каравот олдидаги стул устида ётган Ингеборгни пайпаслаб топиб, бошини, бурнини, дағал кокилларини ушлаб кўрди, кейин ёнига, пар тўшак ичига олиб ётқизиб қўйди.

— Ҳей, менга қара, эртага сочельник-а!— Рут шундай деб гап бошлаб, яна оёқларини қимирлатди.

Ингеборг ҳамма нарсага яхши тушунар эди. У тек ётиб, оғзини очмай саволлар берди, арчани сўради.

— Ҳа,— деди Рут,— биласанми, мен бунчалик тез ўсиб кетади деб ҳеч ўйламагандим. Сотиб олганимизда кичкинагина эди, бошқа арчалар ундан икки марта катталик қиларди. Ҳозир-чи, ҳозир у уйимизнинг ичида шундай ўсиб кетганки, асти қўясан, агар тагида туриб қарасанг, нақ шифтга етади деб ўйлайсан. Аммо сен уни фақат эртага, шам ёқилганда, йигирмата, юзта шам ёқилганда кўрасан... — деб шивирлаб, қизча яна оёқларини қимирлатди. Ингеборг индамай ётарди.

— Яна ҳикоя айт,— деди у, оғзини очмай.

— Нимани айтиб берай, Ютландиядан олиб келинган катта пакет ҳақида гапирайинми? Менимча, биламан, пакет ичида сенгайм совға бор. Лекин, нималигини айтмайман. Утган йили сенга каравот совға қилишувди, бу йилчи, бу йил сенга бошқа нарса беришади. Ҳа, ҳеч-ҳеч ўйлаб тополмайсан! Ўзи еса бўладиган... Йўқ, айтмайман. Ўзинг топиб ол!

Ингеборг нима совға қилишларини топаёзган эди, бироқ Рут бармоқлари билан унинг оғзини беркитиб, гапиртирмай қўйди.

— Жим! Биласанми, Ратушидаги катта арча нақ осмонга етай дейди, унга-чи, юз минг, миллионта шам ёқилади. Эртага кўргани борамиз. Лекин қор ёғган, дераза ойналарига муздан гулнақшлар ва арча сурати солинган бўлиши керак. Бундан ташқари, ухламасдан ётиб, фақат шу ҳақда ўйлаш керак, йўқса ҳеч нарса бўлмайди. Кечаси билан ухламаслик керак..

Бироқ, Рут ухлаб қолди чоғи, атроф ўзгариб кетган эди. Яна қоронғи тушибди, рождество байрами аллақачон ўтиб кетибди, ойиси уни уйғотмабди. Ҳаммаси ўтиб кетибди, эшик ёпиқ, ҳеч қанақа рождестводан дарак йўқ.

— Ойи!— Рут қичқириб, ўрнидан сакраб тушди-да, эшикни тортиб очди, лекин чироқ ёруғидан кўзи қамашиб тўхтади-ю, бирдан йиғлаб юборди. Ойиси кийим тикиб ўтирар, ҳеч қанақа рождество байрамидан дарак йўқ эди...

Ойиси олдига келиб, уни бир оз кўтариб қўйди.

— Ёт, қизим, ҳали тонг отгани йўқ. Энди соат уч бўлди-ку. Ётиб ухлагин, эшитяпсанми?

— Ойи, сочельник фақат эртага бўладими-а?

— Ҳа, албатта, эртага бўлади. Ҳали анча бор, ухла, қизим.

Рут яна ўринга ётди ва мудраб, чуқур хаёлга ботди. Унинг тағин кайфи чоғ бўлди шекилли, шодиёна жилмайиб қўйди. Лекин ўзи жуда қаттиқ чарчаганга ўхшар, ҳам хурсанд, ҳам ҳорғин кўринарди.

— Арча-чи, ойи, катта арча...

— Ҳа, бўлди, ухла энди.

Бироқ, Рут ухлай олмади. Унинг кўнгли қувончга тўлиб, ҳеч қимирлагиси келмасди. Эшик тирқишидан тушиб турган чироқ ёруғига термилиб, индамайгина ётарди. Орадан кўп ўтмай у дераза пардаси орқасида бошқа, ним кўкиш ёруғни кўрди. Энди Рут бутунлай уйғонди, бу — тонг, сочельник тонги эканлигини биларди. Қизча қувонганидан юраги дукиллаб уриб кетди.

— Ойи-чи, ойи!— деб қичқирди у.

Ойиси ичкарига кириб, пардаларни кўтариб қўйди. Ёмғир ёғиб турар, дераза ойналарида ҳеч қандай муз нақшлар йўқ эди. Рут рождество байрами келганига ишонқирамай ўринда ўтирарди, атроф сув сепгандек жимжит эди. Қизча шошилмай виқор билан кийинди, қўллари зўрға қимирларди. Сўнгра у стол ёнига ўтириб, овқатлана бошлади, бироқ, бўтқа оғзида шишиб кетгандек туюларди.

— Ойи, тўйдим,— деди у.

— Тўйган бўлсанг емай қўя қол,— деди ойиси. Рут яна бир оз ўтирди, жимжит; ойиси столча ёнида ҳамон иш тикиб ўтирибди.

— Бунақа бўлмаслик керак, ойи.

— Қанақа?

— Бунақа баджаҳл.

— Мен сираям баджаҳл эмасман, фақат вақтим йўқ, холос.— Ойисининг бетлари ташқарида шивалаб ёғиб турган ёмғир сингари бўзариб кетган эди. Рут ойисининг олдига бориб, бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди.



— Ойи!

— Шошма, қизим, кўйлакни битказиб олай. Альбомингни бўя.

— Йўқ, рождество байрамигача бўямайман. Чин рождество бошланмагунча альбомни бўямайман.

— Бўлмаса бирор бошқа нарса билан овуниб тур.

Аммо қизча бирор нарса билан машғул бўла олмади; дераза олдида кўчага қараб ўтирди; кўча жимжит ва лой эди. Кейин шишиб, қизарган кўзлари билан сочилиб ётган мато қийтиқларига, шалдираб ишлаб турган машинага қараб, хоиада бир оз у ёқдан-бу ёққа юрди.

— Ёмғир тинибди,— деди ойиси.— Бориб витриналарни томоша қилгин.

Рут пальтосини кийиб, кўча муюлишига, витрина олдига борди. Витрина ичидаги пахтага нафталин сепиб қўйилган эди, пак-пакана одамлар тоғдан чанғида учиб тушар, орқадан чироғи ёқиб қўйилган черков кўриниб турарди. Лекин бугун ҳамма нарса кеча ва бошқа кунлардагидан мутлақо ўзгача эди. Қўғирчоқ ва уларга кўйлак қилиш мумкин бўлган қоғозлар ҳам негандир илгарисига ўхшамас, жуда оддий бўлиб қолган эди. Жаммики нарса: ҳатто ёнидан ўтиб кетаётган одамлар ҳам одатдагича, уларда байрам туси йўқ эди. Ҳамма ёқ жимжит, нам, рождество байрамига сира ўхшамасди. Эҳтимол, байрам қоронғи тушгандан кейин бошланар.. Аммо кеч киришига ҳали анча бор, ойиси эса ҳамон кийим тикиб ўтирибди.

Қизчани ваҳима босди, у йўлида давом этиб, Кунгенгад кўчаси билан кетди. Рут шу кўчанинг қаеридадир ўйинчоқлар қўйилган катта витрина борлигини биларди, лекин витрина бу яқин-атрофда эмасга ўхшаб қолди, шундай ҳам уйдан анча узоқлашиб кетди, энди қайтса бўларди. Шундай эса-да, у ҳар нечук йўлида давом этди. Уни ваҳима босди, бу ерда ҳамма нарса — уйлар ҳам, магазинлар ҳам, одамлар ҳам бошқача — у кўриб юрганларига асло ўхшамайди. Одамлар қизча бу кўчада турмаслигини дарров фаҳмлаб қолишлари мумкин. Рут ҳатто уйни топиб боришига ҳам ишонмасди. Мана ҳозир, ҳозир изига қайтади, аммо ўзи ҳамон олға юриб борарди. Ўйинчоқлар витринаси кўринмасди..

Мана, у тўсатдан витрина олдидан чиқиб қолди. Шундай қилиб, Рут оламдаги ҳамма нарсани унутиб, ҳангу

манг бўлиб қотиб қолди, у, дунёда шунча кўп ўйинчоқлар бор деб ҳеч қачон ўйламаган эди, эҳтимол, уларнинг ҳар қайсиси юз крона турар. Болалар аравасидаги қўғирчоқни айтмайсизми, чақалоқнинг ўзи-я. Рут ҳатто бу оддий қўғирчоқ эканлигига ишонмади. Уйини қаранг, ростакам уйга ўхшайди, ғиштин уй, усти ёпилган, тўрт хонали; унга росмана столлар, стуллар, каравотлар қўйилган; деворларига суратлар қоқилган... Рут ўзини шу уйда яшайдигандек, шу столлар ёнида ўтириб овқатланадигандек, шу каравотларда ухлайдигандек тасаввур этди.

Шу топда, кутилмаганда, унинг олдида кимдир тўхтади-ю, қизча ўз аксини, яланг бошини ва ойнага маҳкам ёпишиб турганидан, оппоқ оқариб, ясси бўлиб кетган бурнини кўрди. У тезда витрина олдидан кетди, афтидан, қарашга рухсат этишмаса керак; бунинг устига, Рут бошқа кўчадан эканлиги дарров сезилиб қолади. Унинг олдида иккита бола турарди, улар витринага қўйилган қўғирчоққа жуда ўхшардилар, у бўлса, ҳар қайсиси юз крона турадиган бу ажойиб ўйинчоқларнинг ҳеч бирига ҳам ўхшамайди... Қизча уйига кетгиси келди; у бурилиб, энди югуриб кетмоқчи бўлиб турган эдики, бирдан магазиндан кимдир чиқиб, чақириб қолди. Чақирган Аннелисе бўлиб, ойсиси Сейделин хоним билан бирга эди. Рут уларни танирди. Унинг ойсиси уларга кўйлак тикиб берган, баъзан Рутларникига келиб туришарди. Аннелисе: «Рут!»— деб яна бир бор чақирди, аммо Рут орқа-олдига қарамай, чопиб кетаверди. Шунда Сейделин хоним ҳам уни чақирди, шунда қизча чор-ночор унинг олдига келди. У секин борди, чунки улар Рутнинг бу ерда турмаслиги кераклигини билиб қолишади-да. Аммо Сейделин хоним ҳеч нарса демай, фақат сўрашиб қўя қолди; ўзи, ойсиси қандайлигини, сўнгра яна, қизчанинг сачельник бўлганидан хурсандми, хурсанд эмасми эканлигини сўради. Рут сал тисланди-да, қаддини букиб хурсандман, албатта, деб жавоб берди. Қизча Сейделин хонимнинг юзига қарашга журъат этмади, у Рут олдида оч ранг шубада худди қанот қоқаётган оққушга ўхшаб турарди, бўйни ҳам, боши ҳам юқоридан пастга қараб турган оққушни эслатарди. Ёнида Аннелисе турарди, оч кўк шапкача, оқ мўйна ёқали ва енгига оқ жун жияк қўйиб тикилган шуба кийган эди. Бу оқ ва кўк кийимлардан фақат Аннелисенинг юзлари кўринар, у илжайиб Рутга тикилиб қараб турарди:

— Хайр,— деди Рут ва яна таъзим қилди.

— Шошма,— деб уни тўхтатди Сейделин хоним.— Мен у-бу нарса олишим керак. Аннелисе икковларинг шу ерда қараб туринглар.

Рут яна витрина олдида Аннелисе билан бирга турар эди. У на бу оқ ва кўк кийимга ва на витринага қўйилган ўйинчоқларга қарашга журъат эта оларди, у аъзойи бадани увишиб, чурқ этмай турарди. Оёқлари эса чопишга тайёр — уйга, уйга кетамиз деб турарди...

— Кўнглинг нима хоҳлайди? — деб сўради Аннелисе.

Рут нимани хоҳлашини билмасди. У ҳеч нарсани билмас ва ҳеч нарсани хоҳламасди.

— Мен эса қўғирчоқ билан ҳо анови аравагани хоҳлайман,— деди Аннелисе.— Уйчасиниям. Ҳа, айтгандек. уйчам бор-а. Бу сал чиройлироқ бўлса керак. Йўқ, ўзимники чиройли. Кейин, биламан, менга чанғи билан спорт костюми ҳам совға қилишади. Эртага Норвегияга кетамиз, у ерда чанғида учамиз. Йўқ, эртага эмас экан, индинга. Эртага уйимизга меҳмонлар келади. Улар менга кўп нарсалар совға қилишади. Сизларникигаям меҳмонлар келадими?

— Қайдам,— деди Рут.— Келишмаса керак.

— Нима, уйда атиги ойинг иккаланглар бўласизларми?

Рут унга бир нима дейиши кераклигини, гап чўзилиб кетишини сезиб қолди. Бармоқлари ҳаракатга келиб, ойна ичидаги қандайдир, қимирлаб турган нарсани кўрсата бошлади. Барча ўйинчоқлар, барча ялтироқ нарсалар устида, баландда қорбобо савлат тўкиб турар эди. Қорбобонинг юзлари жиддий ва соқоли оппоқ бўлиб, доим секин, жиддий қиёфада бош силкитиб турарди.

— Мана бунга қара,— деди Рут,— худди худога ўхшайди... айтгани шу бўлди, бошқа ҳеч нарса демади. У худо ҳақида гапириш гуноҳ эканлигини фаҳмлаб қолганди.

— Нимага? — деб сўради Аннелисе, — мановини айт-япсанми? Менимча, сира ўхшамайди. Унинг ҳеч қизиқадиган ери йўқ, доим бошини қимирлатгани-қимирлатган. Менда бундан қизиқроқ бир шкаф ҳар хил ўйинчоқлар бор. Ҳақиқий йиртқичлар тулуни ва шунга ўхшаш кўпгина нарсалар бор. Бир куни кўргани кел. Ҳозир бора қолайлик. Хўпми? Юр!

— Ҳозир боролмайман, қорним очди, уйга кетаман,— деди Рут.

— Бизникида овқатланасан. Ҳозир ойнм келса, унга айтаман, яхшимми!

Сейдслин хоним магазиндан чиқди. Унинг қўлида махсус рождество байрами қоғозига ўралган катта коробка бор эди.

— Бу кимга? — деб сўради Аннелисе. — Менгами?

— Йўқ,— деди Сейделин хоним.— Бу Рутга.

— Ойи, балки бу... ўзинг биласан-ку, мен нима хоҳлаганимми, ўша нарса эмасми?

— Бўлса бордир,— деди Сейделин хоним,— сенда ўйинчоқлар тўлиб ётибди, буни нима қиласан, менимча, буни Рутга совға қилиб бера қолайлик. Ма Рут, ол буни. Лекин кечқурунғача очмагин, хўпми?

Сейделин хоним кул ранг шубада жуда катта кўринар ва ниҳоятда шанғиллаб гапираётганга ўхшар эди. У бўйинини қайириб, юқоридан оққушга ўхшаб (агар оққуш кулишни билса) жилмаярди...

Рут:

«Раҳмат»— деб ташаккур айтмоқчи бўлди. Лекин томоғидан қандайдир ноаниқ товуш чиқди. Қизча йўталиб олди.

— О, катта раҳмат,— деди ниҳоят у ва таъзим қилиб чўққайди. Аммо бу камлик қилар, яна бирор нима дейиши керак эди. Қизча қўлида катта коробкани ушлаб, ўй ўйлаб қолди. Совғани олмагани маъқул эди, улар билан бутунлай учрашмаганда, қайтага яхшироқ бўларди.

— Хайр, катта раҳмат,— деб яна такрорлади у ва таъзим қилиб чўққайди. Энди коробкани олиб тезроқ уйига учиб бора қолса...

Аннелисе ва Сейделин хонимнинг Рут билан йўллари бир эди — Бредгад кўчасида туришарди. Йўлнинг кўпини улар билан бирга босишга тўғри келди. Рут ҳам коробкани кўтариб кетаверди.

— Мен коробка ичида нима борлигини яхши билман,— деди Аннелисе.— Уни мен олишим керак эди.

У ойнисига қараган эди, Сейделин хоним бўйинини қайириб, қизига юқоридан жилмайиб қўйди. Рут коробкани кўтариб борар, аслида эса бу коробка уники эмас, Аннелисеники эди.

— Ойи, Рут бизларникига бориб, бирга овқатланса майлими?— деб сўради Аннелисе.

— Сочельникда-я!— деди Сейделин хоним.— Менимча, буни Рутнинг ойиси ёқтирмас.

— Эртага-чи?

— Эртага уйимиз тўла меҳмон бўлади. Рут бошқа кун келиши мумкин. Отпускадан қайтгач ўйлаб кўрармиз.

Рут коробкани кўтариб келаркан, Аннелиселарникига бормайдиган бўлганига ич-ичидан қувонарди, борса жуда ёмон бўларди. Ниҳоят, тор кўча муюлишига келиб тўхташди, улар шу ерда ажралишлари керак эди.

— Хайр, Рут, ойингга салом айт. Рождествони яхши ўтказ... Юр, кетдик, Аннелисе.— Бироқ Аннелисе ўрнидан қўзғалмади, кўк қўлқопли қўлчалари билан Рутнинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди.

Аннелисе:

— Хайр, хайр, хайр!— деб қичқириб, Рут атрофида ирғишлади; унинг кўзлари ўйнаб, ола-кула бўлиб кетди. Аннелисе дарров узоқлашиб кетди ва Рут бизникига кел, бирга ўйнаймиз дегандек, бир нима деб бақирди. Рут жавоб бермай, шитоб билан чопарди. Коробкада нимадир тақирларди, эҳтимол бир жуфт ботинкачадир? Аммо у ўзларининг муюлишигача чолиб боргач, коробкада нима борлигини бирдан билиб қолди. Қизчани гўё биров кўкрагидан итариб юборгандек бўлди ва у нафасини ростлаб олмоқ учун тўхтади. «Вой, йўқ-э» — деб уҳ тортди у. Аммо коробкадаги қўғирчоқ эканлигини у билган эди.

— Ойи, ойи дейман, мана буни кўринг-а!— деб қичқирди у, эшик очилмасдан.— Рут ичкарига кирган ҳамон, магазин, Аннелисе, Сейделин хоним ҳақида, уларникига меҳмон бўлиб бориш, овқат ейиш ва ўйнаш — ҳамма-ҳаммаси тўғрисида тўхтамай гапира кетди.

— Бораманми, ойи?

— Албатта, борасан,— деб рози бўлди ойиси. У ҳамон машина олдида ўтирар, ялтироқ филдирак тинмай айланаб турарди.

— Ойи, мен биламан, бу қўғирчоқ. Чунки Аннелисе қўғирчоқ деган эди, лекин унга беришмади, қўғирчоқни менга совға қилиб беришди. Мен биламан.

— Шунақами!— деди ойиси игна тагидан ғириллаб ўтаётган тор чокдан кўзини узмай.

— Ойи, нима, эшитмаяпсизми?

— Йўқ, эшитяпман, қизим, бир озгина чарчаганман, холос.

— Ойи, сиз чарчамаслигингиз керак, ҳа, чарчамаслигингиз керак!

Ойиси чокдан кўзини узмай:

— Чарчамаслигим керак? Албатта, ўзим шундоқ дедим-да, қизим ҳеч чарчаганим йўқ,— деди.

Рут секин ётоқхонага кирди-да, эшикни бекитди, у коробка билан холи қолишни истарди. Уткир қайчи олиб, жиндак тешиб кўрса, нима қиларкин? Йўқ, коробкани бузмаслик, яшириб қўйишлик керак, қоғозни ҳам, чилвирни ҳам асраб қўйиш лозим.

Аммо тугун унчали қаттиқ тугилган эмас, очса нима қиларкин... Ҳа. Йўқ... Аммо тугун ўзи ечилди, қоғоз бир четга сирғалиб тушди. Қопқоқ эса бир бармоқ сиғадиган очилди. Устига юмшоқ пахта қўйилган экан. Рут пахта тагидан бармоғини юбориб, қўғирчоқнинг ўзини, сочларини пайпаслаб кўрди. Сочи ҳақиқий, Ингеборгникидек чиннига солинган сурат соч эмасди. Энди коробка бутунлай очилиб, қўғирчоқни бемалол кўриш мумкин эди. Рут нафасини ичига ютиб турар эди. У тек турар, қўзғашга ҳам журъат эта олмасди. Қўғирчоқ кўзларини юмиб ётарди, лекин Рут коробкани жуда эҳтиётлик билан қўйгач, у ўзининг мовий кўзларини оҳиста очди... Рут уни безовта қилгандек бўлди... Қўғирчоққа яна бир бор қарашга Рутнинг юраги бетламади, қўғирчоқ ухласин деб коробкани қўйиб қўйди. Қўғирчоқ кўк кўйлак, кўк пайпоқ, кўк кавуш кийган, сочлари одамникига ўхшаш сариқ эди. Уни, қўғирчоқни Аннелисе, Аннелисе Сейделин деб аташаркан. От қўйиб ўтириш ҳожат эмас, чунки оти бор. Рут додлаб юборишдан кўрқиб, қўғирчоққа қарамади. Қизча қўғирчоқни аввалгисидек жойлашга ҳаракат қилиб, қоғозга ўраб коробкага солди, кейин устидан оч пушти пахтани қўйиб қопқоқни ёпди. Чилвирни ҳам илгаригисига ўхшатиб боғлади. Энди қўғирчоқни ҳеч ким кўрмайди.

Рут овқат маҳалида ойисига Аннелисе, Аннелисе Сейделин ҳақида шундай гапириб бергиси келдики, асти қўясиз; номи тили учида турарди; қизча стулда типирчилаб ўтириб, ўзича куларди: ойиси ҳар вақтдагидек ҳеч нимадан хабарсиз ўтирибди-я.

Идиш-товоқ йиғиб олингач, Рут қараса, ойиси шляпасини кияяпти, шунда у:



— Ойи, энди катта арчани кўргани борамизми,— деб сўраб қолди.

— Аввал кўйлакни эгасига олиб бориб берай, келганимдан кейин борамиз.

— Мен ҳам бирга борай?

— Йўқ, мен трамвайда бораман, шошилишим керак. Ҳозирча ўзинг ўтириб турасан...

Ойиси зинадан тушиб кетди; кўча эшик тарақлаб ёпилди.

Рут бир оздан кейин кичик хонага кирди, қўғирчоқ солинган коробка ўша ердаги арча тагида эди... У ёққа кирмагани маъқул эди, борди-ю, ҳозир ҳаммасини кўриб қўйса, кейин сочельникнинг қизиғи қолмайди-да. Қизча ойиси бирга олиб кетишини шундай истаган эдики, аста қўяверинг, олиб кетгандами, бундай қилмаган бўларди. Энди шу ишни қилди. Рут ранжиб, юраги сиқилди. Ҳа, арча ҳам у қадар баланд эмас, безаклари унчалик кўп эмас эди. У ерда энг яхши нарса — коробка. Лекин коробка шу арча ва бошқа нарсаларга ярашмай турибди, у катта магазинни, Аннелисе ва Сейделин хонимни эслатарди. «Уни менга совға қилишмоқчи эди...» Ҳа, албатта, у Аннелисе, Аннелисе Сейделинларникида бўлиши керак-да. Рут яна коробкани очгиси келмай, Ингеборг олдига борди.

— Ингеборг!— деб чақирди у ва қўғирчоқ бошини юзига босди. Шунда у бирдан Ингеборгга раҳми келганини тушуниб қолди. У бундан буён ўз каравотчасида ухламайди,— энди бу каравот Аннелисе, Аннелисе Сейделинники бўлади. Ингеборгни оч пушти ранг пахтали корбокага ётқизиш мумкин. Ҳа, илгари Ингеборгнинг ўз каравоти бор эди-ку, энди у Рутнинг Аннелисе билан қандай ўйнаганини, уни ечинтириб кийинтирганини, ўринга ётқизганини кўриб, қараб ўтиради. Доим кўргани шу бўлади, чунки, ухламайди, кўзини юма олмайди, ҳеч нарса ни эсидан чиқармайди. Ингеборг доим кўзларини очиб, ҳамма нарса ни кўриб ўтиради...

Бу даҳшат-ку, лекин Рутнинг иложи қанча, у нима ҳам қила оларди. Қизча ингеборгнинг чинни жингалак сочларига юзини босиб, орқа-олдинга тебранарди. Ахир унинг одамларники сингари, Аннелисеники сингари асл сочи йўқ эди-да. Аннелисеники — Аннелисе Сейделинники асл соч эди. Ингеборг энди Ингеборг эмас..

Рут бирдан севиниб кетди. У жувон олдида чўк-

калаб туриб, ботинка, арғамчилар, катта бир бўлак оч пушти ранг папирос қоғози тагидан бўш коробка топиб олди. Рут Ингеборгга қарамади, ҳатто уни кўрмаганга ўхшарди, қизча жуда шошиларди. Қоғозлар жуда кўп, эзилиб ётарди; Рут қоғозларни арғамчи остига тикиб қўйди. Сўнгра қалам олиб, ёзди... Айтгандек, «Аннелисе»ни қандай ёзиш керак — бир сўз биланми ёки икки сўз биланми? Шунингдек, Рут «Сейделин» фамилияси қандай ёзилишини ҳам билмасди. Шундай қилиб у: «Рождествони яхши ўтказ! Рут» — деб ёзиб қўйди.

Қизча пальтосини кийди-да, зинадан тушиб, кўчага югуриб чиқди.

Унга гўё ўзи эмас, бошқа одам чопиб келаётганга ўхшаб туюлди. Рут ҳам кўрқар, ҳам шод бўлар, ҳам маъюс, ҳам севинар эди. У чопар экан, коробкада Ингеборг қимирлаганини сезарди. Сўнгра у коробкани эҳтиёт қилиб ушлаб, оҳиста юра бошлади.

— Сенинг аравачанг, росмана оқ мўйна одеялли аравачанг бўлади,— деди у,— стол, стуллар ва каравотлар қўйилган, деворларига суратлар қоқилган ҳақиқий уйнинг бўлади. Сенда ҳамма нарса бўлади.

Қизча Ингеборг сингари оғиз очмай, ичида гапирарди. Улар доим шундай суҳбатлашардилар...

Мана Бредгадега ҳам етиб келди. Рут уйни тополмасам-а деб кўрқди,— ахир у бу ерда атиги бир марта, ўшанда ҳам ойнаси билан бирга бўлган эди-да. Ҳар нечук қизча уйни дарров, жуда тез топа қолди. У ерда каттакон дарвоза орқасида яна бошқа кичик дарвозалар бўлиб, ойнали эшик орқасида бир одам турарди, зинапоядан поғоналарга зарҳал таёқчалар билан маҳкамлаб қўйилган қалин қизил гилам ва каттакон ялтироқ эшик кўринди. Зарҳал жадвалчага «Сейделин» деб ёзиб қўйилганди. Рут юришини бир оз секинлатди. Коробкадаги қоғоз яна очилиб кетди. У қоғозни чилвир остига тикиб қўйиб, кейин қўнғироқ тугмасини босди. Фрак кийган бир одам чиққан эди, Рут таъзим қилди:

— Шуни Аннелисега бериб қўйсангиз.

У одам нимадир деди, лекин қизча қип-қизил гилам тўшалган зинапоядан тезда паства чопиб тушиб кетди. Қўққисдан Аннелисе ёки Сейделин хоним чиқиб, уни кўриб қолса-я. Рут Кунгенгадега етгандан кейингина ўзини бежавфу хатар ҳис этди ва нафасини ростлаб ол-

моқчи бўлиб, шу ерда тўхтади. Кейин у жуда секин жетди.

Кечки овқатдан сўнг, қош қорая бошлагач, Рут ойиси билан Ратуши майдонидаги катта арчани кўргани кетди. Қизча индамай туриб, ўзича ўйлади. «Аннелисенинг арчаси шундай бўлса керак — учи осмонга тегай-тегай дер, унда миллионларча шамлар ёниб турар».

Қайтишда у трамвайда индамай ўтириб, ҳамон шу тўғрида ўйларди.

Сочельник бўлди, аммо у қадар яхши бўлмади, улар ҳатто стол атрофига ўтириб, бутун шамларни ёқиб юборишганда ҳам, унга рожество пирогига солинган бодом мағзи текканда ҳам, ҳатто арчани ёқишиб, Рут ойиси билан бирга ашула айтганда ҳам ва ҳатто улар совғаларни оча бошлаганда ҳам ҳақиқий сочельник бўлмади. Бу ерда қалин қоғоздан ясалган қўғирчоқлар ҳам, улар учун лаклар ҳам, китоблар ҳам ва ҳатто каструллари, чашкалари, тарелкалари ҳамда плита бор бўлиб, бу идишлардан Ингеборг овқат ейиши керак эди. Энди эса булардан Аннелисе, Аннелисе Сейделин овқат ейди. Рут бу ўйинчоқларни у қадар эътибор бериб кўрмади ва Аннелисегга мутлақо қарамади. У хурсанд бўлса ҳам, у қадар эмасди.

— Ингеборг қаёқда? — деб сўради ойиси. — Нима, уни бу ерга олиб келмайсанми?

Бироқ Рут индамади ва қалин қоғоздан ясалган қўғирчоқлар тўғрисида гапира бошлади.

— Бу ёққа келинг, ойи! Қўғирчоқ қиламизми? — Мана улар стол ёнида ўтириб қоғоздан қўғирчоқ кесмоқдалар. Рут қўғирчоқларга кўйлакни ўлчаб кўриб, нуқул бижирлар, лекин ойим яна Ингеборгни сўраб қолмасин деб унчалик кўп бижирламасди.

Рут ўринга ётар экан, чироқни ўзи ўчирди ва ойисини қоронғида ўпиб, унга хайрли кеч тилади. Рут, жуда уйқум келяпти, деди, ўзи бўлса қоронғида ётиб, ҳамон ўй ўйларди. Ҳа, бу сочельник, лекин негадир ҳамма нарса ҳеч кутилгандек бўлмади. Қаравоти ёнида стул устида Аннелисе Сейделин ётар ва кўзини юмиб, чиннакамига ухларди.

Эрталаб, Рут уйқудан туриши ҳамона бугун нимадир юз берадигандек бўлди. Бироқ, барча черковлардаги каттакон қўнғироқлар чалинмагунча ҳеч нима юз бермади, ойиси ҳам кетмади. Қизча, черковга боргим келмаяпти,

яхшиси, уйда қолиб ўйнаб ўтираман, деди. Лекин ўйнамади, стул устида чўккалаб, кўчага қараб ўтирди. У бирон нарса ҳақида ўйлагани ҳам йўқ, фақат зеркиб кўнгли гаш бўлиб ўтирар, албатта нимадир содир бўладигандек эди. Эшик кўнғироғи чалинганда, гўё шу вақтгача кўнғироқ овозини кутиб ўтирганга ўхшаб туюлди.

Рут эшикни очди-ю оч кўк шапкача билан ёқаси, энгларига оқ мўйна қўйиб тикилган оч кўк шубага кўзи тушди. Шу оқ, кўк кийим ичида у Аннелисе Сейделиннинг юзини кўрди.

— Марҳамат!— деди Аннелисе ва унга нимадир узатди.

Рут индамади. У Аннелисе берган нарсани олиб, ушлаб турарди. Бу нарса оч пушти ранг қоғозга ўралган кўғирчоқ эди.

— Буни олишга менга рухсат этишмайди,— деб гапида давом этди Аннелисе.— Ҳа, иннайкейин, ўзиям менга ҳеч ёқмайди, жуда хунук кўғирчоқ! Фақат боши ҳақиқий, қолган ҳамма жойи латтадан. Бунақа кўғирчоқни энди олишмайди. Ундан кейин бу эски кўғирчоқ, бир қулоғи йўқ. Мен сенга кўғирчоқ совға қилган бўлсам, сен ҳам менга кўғирчоқ совға қилишинг шарт эмас, ойим шундай деяпти...

Рут коробкани ушлаб турарди. Бир томонидан қоғози чиқиб турган эди, у арғамчи тагига тиқиб қўйди. Қизча ҳамон турганча турар ва ҳадеб қоғозни тиқиштирарди.

— Қани, айт-чи, рождествода сенга нима совға қилишди?— деб сўради Аннелисе.— Биласанми, мен нима олдим?— Қизча шу гапиргандан гапириб кетдики, қани энди гапи тугаса. Хайрият, «Аннелисе!» деб кўчадан кимдир чақириб қолди.

— Ҳозир!— деб қичқирди Аннелисе.— Энагам чақиряпти,— деб тушунтирди қизча.— Мени пастда кутиб турибди. Хўп, хайр бўлмаса. Уйга қайтганимиздан кейин боргин...— Аннелисе зинапоя томон юрди. У кўринмай кетиб, яна бурилишда пайдо бўлиб қолар, йўқ бўлиб кетиб тагин оч кўк тусда лип этиб чиқарди. Рут унга қараб турарди.

— Боргин-а,— деб қичқирди қизча сўнгги марта пастдан туриб ва шу билан эшик қарсиллаб ёпилди.

Рут коробкани тиззасига қўйиб, анча вақтгача ушлаб ўтирди. Ажабо, назарида бармоқлари йўқдек-а. Ниҳоят, қоғоз ўзидан-ўзи ёзилди, чилвир ечилди, қопқоқ кўтарил-

ди. Коробка ичида Ингеборг ётарди. Бу қўғирчоқни бир вақтлари у Ингеборг деб атаган, ҳозир эса жуда хунуклашиб, эскириб қолган: фақат боши чипакам қўғирчоқникига ўхшайди, қолган ҳамма ери латтадан. У ухлайдиган хонада эса, Аннелисе, Аннелисе Сейделин ётарди; унинг тизза ва тирсаклари букиладиган чинакам оёқ-қўли, одамларникига ўхшаш асл сочлари, ўринга ётқизган пайтда юмиладиган, кўтарганда очиладиган кўзлари бор эди.

Рут қўғирчоқ олдида оҳиста келди-да, уни кўтариб олиб, очиқ дераза ёнига борди. У тушаётган қандайдир оч кўк нарсага қараб, дераза олдида узоқ туриб қолди. Қизча пастда ҳўл асфальтга қўғирчоқ гурс этиб тушганини эшитди. Энди оқ кўк нарса тамоман индамас, атрофда эса қўғирчоқ қипиқлари сочилиб ётарди. Ажабо, қараб туриб кўрмаса, жуда қизиқ бўларкан. Пастда ётган қўғирчоқ Аннелисе Сейделин, ҳақиқий Аннелисе Сейделин эди.

Шунда Рут йиғлаб юборди.

---

*Мартин Андерсен Нексе*

**ИНВАЛИДЛАР УЧРАШУВИ**



Мортен, Констанца Шварцвальдга борадиган поездга чиқиб олиб, сабрсизлик билан унинг жўнашини кутарди. Мортеннинг қўли ҳамон боғлоғлик эди. У, қўлининг жонсиз бўлиб қолишидан қўрқиб, Баден-Бадендаги лой ваннага боришга қарор қилганди. Мортен оғриқ қўлини уринтирмаслик учун юк қўядиган сеткага боғлоғлик жойидан очиб олган эди. Бироқ, составга вагон улаётган вақтдаги ҳар силкинишда қўли сенчиб-сенчиб кетар, оғриғи зўрайиб Мортеннинг афти бужмаярди.

Тўртинчи класс вағонида скамейкалари ҳам бўлиб, унда Германиянинг шимолида қатнайидиган вагонлардаги сингари чамадон устига ўтиролмас ёки вагон шипидаги тутқични ушлаб туролмасди. Улар йўловчи тушадиган вагонлардан кўра кўпроқ мол ташийдиган вагонга ўхшарди. Бу ерда, яъни, жанубда немислар ўзларининг «демократик тўртинчи класс»лари билан мақтанардилар; бу вагонларда ҳамма тоифадаги кишилар юра оларди, чунки у халқ учун жуда арзон: озгина пулга деярли бутун Германияни айланиб чиқиш мумкин эди.

Вагонга ёш бир аёл чиқди. Мортеннинг рўпарасидаги жой унга маъқул тушиб қолди. Бурчакка пальтосини илиб, скамейканинг чангини артди-да, атрофдагиларга эътибор бермай ўз нарсаларини жойлаштира бошлади. Кейин ўтириб нималарнидир ўйлаётгандай хаёлга чўмди.

— «Вой, тегманозик-э!»— ўйлади Мортен ва уни бе-



хос туртиб юбормаслик учун оёқларини скамейка остига тортди: скамейкалар ўртасидаги йўл жуда тор эди.

Ниҳоят, поезд жўнаб кетди. Бу катта вагонда қирқ ёки элликка яқин киши бўлиб, улар ўртасида бир зумда кизгин суҳбат бошланиб кетди: тўртинчи класс вагони йўловчилари дарров эллашиб кетардилар. Одамлар бир-бирларига, баъзида ҳатто вагоннинг нариги бурчагида ўтирганларга ҳам ҳеч бир тортинмай-нетмай гапираверардилар. Ҳамма янги пул чиқарилиши ҳақида баҳслашарди. Инфляция<sup>1</sup> даври тугаб, яқиндагина қатъий валюта чиқарилган эди, бироқ аҳоли ҳали муҳтожликдан узил-кесил қутулмаган эди.

— Мана, бир ойлик маошимга олган нарсам,— рў-молчасини силкиб деди вагоннинг бурчагида ўтирган бир хоним. — Пулни олдим, магазинга югурдим: агар бир соат ҳаяллаб борганимда, албатта ҳатто инглиз тўғнагинини ҳам ололмаган бўлардим.

— Ҳа, миллион-миллион пулни хазончалик ҳам қадрламас эдик,— кимнингдир йўғон овози дўриллади.— Уша пайтларда пулимиз ҳам кўп эди-да, энди ҳатто тузга пул тополмайсан-а.

Ҳар ким ўз фикрини айтишга ошиқарди, бироқ ўзаро гаплар баҳслашишларни жонлантиролмасди, йўловчилар бу масалани худди оддий масалалар сингари совуққонлик билан муҳокама қилардилар. Одамлар шундай чарчаган эдиларки, ҳамма нарсага лоқайдлик билан қарардилар.

Мортен қаршисидаги аёл гапга аралашмас, ҳатто нима ҳақда гапирётганларини ҳам эшитмагандек. Қўлларини тиззасига қўйганча, хиёл олдинга энгашиб ўтирар ва асабийлашиб, бирма-бир бармоқларини сараларди; у нималарнидир зўр бериб ўйлаётганлиги сезилиб турарди. Ихчам тикилган блузкаси эгнига ёпишиб турар, нозик бўйнидаги нафис боши гавдасига ярашиб тушган эди. Чамбарак қилиб олган қора ўрам сочи ҳуснига ҳусн қўшарди.

Ёш аёл кўринишдан алла нарсанинг ташвишини тортар, қўллари худди қандайдир чингал тугунни ечаётгандек қимирлаб турарди. Гоҳ-гоҳ бармоқларини оғзига олиб бориб тирноқларини тишларди. Мортен унинг ҳам-

---

<sup>1</sup> И н ф л я ц и я — муомаладаги пулнинг қадрсизланиши.

ма бармоқлари кўмпиланганлигини сезиб қолиб ўйлади: «Бечора қиз, буни уруш шу кўйга солган!»

Зинген шаҳри яқинидаги музлик ва дарёлар билан кесилган водийда деҳқонлар охириги пичанни ўриб олишга шошилар ва уларни қуритиш учун ҳар қаерга ғов-ғов қилиб тўплаб қўярдилар. Шу ердан бошлаб поезд оч сарик гуллар билан қопланган далалар бўйлаб кетди. Мортен ажабланиб сўради:

— Наҳотки, буларнинг ҳаммаси ёввойи ўт бўлса?

— Йўғ-э, сурепка<sup>1</sup>.— кимдир жавоб берди.

Мортен, ҳайрон бўлиб ўгирилди; бу ёш аёлнинг оғзидан чиққан биринчи сўз эди. Унинг овози одатдан ташқари ёқимли, жанангли эди.

— Ҳа, айтгандай, сурепкадан ёғ олинса керак,— деди Мортен. Аёл индамади. Бир оз вақт ўтгач, Мортеннинг чеккиси келиб қолди; соғ қўли билан чамадонини тушириб, ичидан тамаки билан трубкасици олди. Шу пайт аёл, Мортенни дадил четлаштириб, унинг чамадонини жойинга олиб қўйди.

— Энди оғриқ қўлингизни боғланган жойидан яна сеткага осиб олишингиз мумкин,— деди у.— Тахминан бир соатсиз поезд тўхтамайди.

Шундай қилиб улар ўртасида ўзаро суҳбат бошланди.

— Кечирасиз, фрекен, мабодо ҳамшира эмасмисиз?— сўради Мортен.— Қўлимга жон койитаяпсиз.

Аёл, йўқ дегандек бошини тебратди ва худди қуёш нури унинг ҳорғин чеҳрасини ёритгандек хиёл жилмайиб қўйди.

Унинг қўллари шундай ажойиб эдики, Мортенга сағал тегиб кетса ҳам у ўзини анча енгил сезарди. Онасининг қўллари ҳам худди шунга ўхшаш майчингина эди, бироқ, энди улар оғир ишларни қилавериш дағаллашиб қолган. Мортен ўз ҳамроҳи ҳақида бир оз бўлса ҳам бир нарса эшитгиси келарди. Балки у кўп қийинчиликларни бошидан кечиргандир. Аммо, аёл яна жим бўлиб, хаёл сура кетди ва бармоқлари асабий ҳолда қимирлай бошлади. У аҳён-аҳёнда Мортеннинг юк сеткасига осилган оғриқ қўлига кўз қирини ташлаб қўярди. Қиз шундай ёқимли эдики, асти қўясиз! Айниқса унинг икки елкаси ва бўйни келишган эди: унинг маъюс кўриниши алдамчи, у худди хурсандлик билан гап бошлаб юборадигандек туюлар-

<sup>1</sup> Уругидан мой олинадиган ўсимлик.

ди,— балки у ашулачидир? Йўқ, буниси гумон, ҳаддан ташқари камтар, кўринишидан у ҳатто ўзининг гўзаллигига ҳам иқроор бўлмасди, неча ёшда бўлиши мумкин? Ёнгирмадан сал ошган бўлса керак.

Қиз худди ниманидир сўрамоқчи бўлгандек тўсатдан Мортенга қаради.

— Баден-Баденга даволангани кетяпман,— деди Мортен.

— Қўлингизни даволатасизми?— деб сўради аёл ҳамдардлик билан.

— Ҳа, тоғдан йиқилиб, қўлим чиққан эди. Қўрқинчли жойи йўқ, фақат кечалари азоб бермоқда. Ҳар қанча эҳтиётлик қилсам ҳам, оғриғи босилмаяпти,— деди Мортен жилмайиб, қизнинг ҳамдардчилиги унинг кўнглини кўтарди.

Қиз Баден-Баденни яхши билишлигини, якшанба кунлари у ерга тез-тез бориб туришлигини гапира бошлади; бу курорт Карлсруэдан бир соатлик чамасидаги йўлни босиб ўтгач, у яшайдиган ва ишлайдиган ландтагда жойлашган эди.

У, Швейцариядаги қариндошлариникига касал онасини ташлаб, уйига қайтаётган эди. Отаси ва ландтагдагилар уни интизорлик билан кутишарди.

— Шу кунларда отам уйда ёлғиз қолиб қийналмоқда, бунинг устига у ўзига ўзи қараб туриши керак,— хотиржам ҳикоя қила бошлади қиз.

Унинг бутун қиёфаси вазминлигини билдириб тургандек туюларди, фақат бармоқларигина аввалгидек қимирлаб турарди. У бармоқларини шундай маҳкам қисардики, тирноқлари кафтига ёпишиб кетарди.

Кичкинагина бир станцияга келганда Мортен бир оз ҳўл мева сотиб олиб чиқди. У, пулнинг ортиқчасини қайтариб олаётганида поезд ўрнидан силжиб, юриб кетди. Мортен охири вагонга сакраб чиқиб олишга улгурди. Составдаги барча вагонлардан ўтиб ўз купесига кирганида, қиз унинг чамадони турган юк сеткасини ушлаган ҳолда тирноқларини кўмтиларди. Кўринишидан у асабийлашарди. Мортенни кўриб, жилмайиб қўйди.

— Мен, сизни қолиб кетдингиз, деб шундай қўрқдимки.

— Раҳмат,— деди Мортен ва унинг қўлидан ўпмоқчи бўлди.

Аммо қиз қизарганича қўлларини орқасига яширди.

— Эҳ, қўлларим шундай хунукки,— деди қиз уялиб.

Мортен бошини чайқади.

— Қўйсангизчи, нима деяпсиз ўзи? Дардга дармон бўлувчи қўллар ҳеч вақт хунук бўлмайди. Қўлларингизни кўриб, онам эсимга тушиб кетди: унинг эркаловчи қўллари менинг учун дунёда энг азиз эди, улар худди сизникига ўхшарди.

Узум еб ўтиришар экан, Мортен ўзининг бутун ҳаёти ни меҳнатда ўтказиб, дам олиш нималигини билмаган қари онаси ҳақида ҳикоя қиларди. Бировларникига меҳмонга борганида ҳам тинчимас, боласи йиғлаб қолса, у шу заҳотиёқ уни йўргаклашга югурарди. Баъзида унинг бу одатидан хафа ҳам бўлишарди, лекин шундай вақтлар ҳам бўлардики, хотинлар Мортенни кўчада учратганларида: «Қандай ажойиб онангиз бор-а» дейишарди.

Қиз, Мортеннинг сўзларини диққат билан тингларди; у гапираётганида қиз ўзининг момиқдек қўлларини икки тиззасига қўйиб олган эди.

Поезд Бад-Осга етиб келди; Мортен шу ерда тушиб, тоғлар орқали Баден-Баденга ўтиш учун «кукушкага» ўтириши керак эди.

— Улфатчилигингиз учун раҳмат!— деди Мортен ҳамроҳига.

Қиз бирпасгина унинг қўлидан ушлади, кейин бирдан қўлини тортиб олиб, унинг чамадонини вагондан туширди-да, перронгача элтиб берди, сўнг Мортенга анчагача тикилиб тургач, поезднинг зинасига сакраб чиқиб олди.

— Инвалиднинг қадрини инвалид билади-да, — деб қўйди Мортен.

У нимагадир хавотирланиб, тезроқ перрондан чиқиб кетишга ҳаракат қилди. Мана, ёқимли ҳамроҳи билан ҳам хайрлашди! Аммо, қизни яна бир кўргиси келиб, перрондаги буфетнинг бурчагидан секингина қараб қўйди. Унга, очиқ дераза олдида турган қиз кўз қирини ташлаб уни қидираётгандек туюларди. Ниҳоят, қиз Мортенни кўриб қолди-ю, яна вагон олдига келди.

— Мен, сиз билан яна бир марта хайрлашмоқчиман, менга қилган илтифотингиз учун сизга катта раҳмат, — деди уялиб Мортен. — Бу, ажойиб учрашув бўлди, аммо энди қайтарилиши гумон.

— Якшанба куни мен ҳам дугоналарим билан Баден-

Баденга бормоқчиман. Агар соат учда трамвайнинг «Меркурыйдаги» охирги тўхташ жойига келсангиз, яна учрашишимиз мумкин.

Мана, поезд ўрнидан қўзғалиб кўздан ғойиб бўлди. Мортен яна анчагина бўшашиб қолди. Бир зумда унинг кўз олдини қоронғилик босди. Ахир, шу вақтга қадар ёлғиз юриб, тўсатдан бир ғамхўр дардкашни учратиб қолиш, камдан-кам бўлиши мумкин эди-да. Шуниси ҳам борки, немислар баджаҳл кўринадилару, аслида жуда меҳрибон бўладилар. Мортен яқшанба кўни балки у билан яна учрашиб қолар, қиз Мортенинги ўзига шайдо қилиб қўйган эди.

Сагал бўлмаганда учрашувнинг бузилиши ҳам мумкин эди. «Меркурый»гача трамвай ярим соатда борар эди. Мортен унинг охирги тўхташ жойига бориб етгач, ўзаро чақчақлашаётган қизлар орасидан ҳамроҳини ахтариб тополмади. У шу заҳотиёқ кетмоқчи бўлди. Лекин трамвайнинг айланасидан ўтиб тўхташ жойига келишини кутарди. У ўзини сездирмасликка солса ҳам, бироқ ҳафсаласи пир бўлиб умидсизланарди. Лекин, трамвай яқинлашиши биланоқ, Мортен унинг олдинги айвончасида қизни кўриб қолди. Қиз ҳам уни кўриб, трамвайдан сакраб тушди.

— Мен сени ҳечам келмассан деб ўйлаган эдим,— жиддий ҳолда деди қиз. Мортен унинг кўзларидан у гина қилаётганини сизди.— Отам сени оддий бир авантюрист деб ҳисобляпти. Ундан узоқроқ юр деяпти.

— Мен ҳақимда отанга айтдингми? Мени «сен»сиранинг учун, мен ҳам «сен»сираяпман.

— Ахир, поездда келаётганимизда ўзинг «сен» деб гапирдинг-ку,— қаттиқ кулиб юборди қиз.

— Наҳотки?

— Ҳа, бирга келаётганимизда менга ниманидир кўрсатмоқчи бўлсанг: «Анави ёққа қарагин» дер эдинг.

— Отанг яна нима деди?

— Албатта, мен ундан ҳеч нимани яширмадим. У бизни учрашмоқчи бўлганимизни биледи.

— Демак, у мени муттаҳам деб ҳисобляптими?

Қиз бошини қимирлатди.

— Сени бу ерда тополмай турганимда, мен ҳам шундай деб ўйлаб эндигина уйга кетмоқчи бўлиб турган эдим. Ҳар ҳолда учрашганимиз яхши бўлди, бўлмаса...

Мортеннинг юраги арзиқиб кетди, чунки у қизнинг адресини ёзиб олмаган эди-да, ахир.

Улар қўл ушлашиб ёш болалардек қўлларини тебратишар, бепарволик билан гаплашишар эди; яқиндагина улар якка-якка эдилар, мана энди ҳар иккисининг қалби ҳам бир-бирига монандлигидан суюнардилар.

— Икки инвалид бирга бўлиб олганимиз яхши!— деди Мортен.

— Тўғриси айтсам, мен сенинг ёнингда анча дадил бўлиб қолдим, ахир, доим ҳамма нарсадан қўрқиб юрар эдим-да.

— Ҳамма нарсадан қўрқасанми?

— Жуда ҳам қўрқаман. Балки, юрак ўйноғиманми, лекин доим қўрққанам-қўрққан.

— Агар хоҳласанг, тез-тез учрашиб туришимиз мумкин.

Қиз бошини қимирлатди:

— Ҳа, ростдан сен ҳам ёлғиз ўзингсан-ку. Менимча, турмушингда бахтли бўлмаган бўлсанг керак.

— Бу менинг айбим эмас-ку, ахир, ўрта яшар одам ёшлигиданоқ ўзида пайдо бўлган юрак жароҳатини даволаши осон эмас. Аммо, мен аста-секин тузалмоқдаман.

Улар кафедра ҳар нималар ҳақида баҳузур гаплашиб ўтирардилар. Уларга ҳамма нарса бир хил муҳимдек туюлар, тинмасдан гапиришар эди. Шу ерда Мортен ҳам-суҳбатининг жуда ҳам гўзаллигини пайқади. Шу пайтгача қиз, уни ташқи кўриниши билан эмас, балки пок қалби билан шайдо қилиб юрарди.

— Нега менга ғалати қарайсан!— деб сўради қиз.

— Мен сени шунчалик гўзаллигингни энди сездим.

— Уҳў... эндим...— деди қиз таъна қилгандек чўзиб.

Улар гўё бир-бирларини яхши билиб олишларига жуда кўп вақт бордек, худди азалдан таниш каби яна ҳар хил майда-чуйда гапларни бошлаб юборардилар.

Мортен унинг майин ва нозик қўлларидан ушлади ва бармоқлари титраётганини сизди. У, қинғир-қийшиқ тирноқлари кўмтилган бу бармоқларни эркалаб силарди.

— Бунинг ҳаммаси асабдан,— деди қиз оҳиста.— Тирноқ тишлаш, менга уруш йиллариданоқ одат бўлиб қолган. Устимизга бомба ташлаётганларида ертўлаларга бекиниб, ҳолимиз нима кечишини билмай ётардик; отам фронтда эди.



— Ана энди ростини айтсам, бу қўллар ҳам меники бўлади! Келишдикми? Энди тирноқларингни тишлайсанми?

Қиз рози бўлгандек бошини аста қимирлатди-да, иккиланган ҳолда чўзиб деди:

— Агар чидолсам... Мен доим ишни қилиб қўйиб, кейин пушаймон ейман.

— Ертўлага тез-тез бекинардиларингми?

— Ҳа, деярли ҳар куни. У ерда анчагача ўтирар эдик. Онам бизларни ярим кечада ҳаво тревогаси бошланиши биланоқ уйғотарди, кийимларимизни ҳамма вақт тахт қилиб қўярдик: бир зумда ертўлага тушиб, ўша ерда кийинардик.

— Ертўлаларингиз мустаҳкаммиди?

— Ҳа, бомбалардан сақлар эди-ку, бироқ биз заҳарли газ қўйишларидан қўрқар эдик. У ерда мижжа қоқмай чиқардик, ҳеч кимнинг дераза ёнига ўтиргиси келмасди, доим жой таллашиб ёнжиллашардик.

— «Ҳаво иблислари» фақат кечаси бомба ташлармиди?

— Йўқ, улар бир куни ҳатто кундузи ҳам учиб ўтди. Ушанда мен, якшанба куни холамнинг қабрини зиёрат қилиш учун мозорга кетаётган эдим. Мен шу заҳотиёқ уйга қараб чопаман деб йиқилиб тушдим. Урнимдан туришим билан яна йиқилиб ҳушимдан кетиб қолдим. Шу куни циркни бомбардимон қилдилар. У ерда томоша кўраётган гўдак болалардан бир юз саксонтаси ҳалок бўлди. Шундан кейин мен, ҳар гал шаҳарни бомбардимон қилганларида ҳушимдан кетадиган бўлиб қолдим. Ишонамдаги аёллар то мен ўзимга келиб ўрнимдан турмагунимча қарамасдилар. Улар жўрттага қиляпти деб уйлашарди. Мен улар ичида энг ёши бўлганлигим учун хўжайиним кўп ишлатмасди.

Қиз бомбалар эсига тушиб, Мортендан қўлини юлқиб олиб, оғзига обормоқчи бўлди-ю, бироқ қўрқиб пастига туширди.

Ўтганларни эслашнинг кераги йўқ!— деди Мортен.— Ўрнимдан тураркан.— Ундан кўра юр, айланамиз. Бу ҳақда кейин муфассал айтиб берарсан, ўшанда ҳаммаси эсингдан чиқиб кетади...

Тик қиялик бўйлаб улар тепаликка чиқдилар; у ердаги кузатиш вишқасидан Шварцвальднинг ажойиб ўрмонлари, Рейннинг лентадек буралиб оқиши ва тўғридан

Страсбург черкови якқол кўриниб турарди. Тепаликда шундай қаттиқ шамол эсардики, Мортен билан қиз бир-бирларининг гапларини эшитолмасдан бақиршиб гаплашардилар. Тепаликда бўрон турса, пастда бутун водий майин қуёш нури остида товланиб ётарди.

— Ўзингни маҳкам тут! — деб шўх бақирди Мортен. — Жинлар Реништейгга<sup>1</sup> базмга кетаётганга ўхшайди.

— Сени ушлаб оламан! — деб жавоб берди Жанетта қаттиқ кулиб ва Мортенни қучоқлаб олди.

Шамол қизнинг ўрам сочларини титиб худди қора байроқдек хилпиратарди. Мортен боғлиқ қўлини ҳам ишлатиб, унга сочларини тузатиб олиш учун икки қўлаб ёрдамлашди.

— Ния, оғриқ қўлингни ишлатаяпсанми! — деди қиз хурсанд бўлиб. — Қўлингни яна бошимга қўй, менга ёқаяпти!

Мортен унинг бошини кўкрагига босди. Жанетта худди безгак тутаётгандек қалтирарди, кейин кўнгли жойинга тушиб, роҳат қилиб кўзларини юмди. Мортен унинг кўзларидан ўпмоқчи бўлди-ю, лекин бу фикрдан қайтиб лабидан ўлди. Жанетта:

Майин қўлларингни тегизсанг  
Ором олур бу ҳоргни кўзлар,  
Ана шунда эски кулфатлар  
Едимиздан тез кўтарилар,—

деб шивирлади ва Мортенга янада маҳкамроқ ёпишди.

Кейин улар баландликдан тушиб, водий бўйлаб Лихтенталь қишлоқчасига жўнашди. У ердан парк орқали Баден-Баденга қайтдилар.

Вокзалда, поезд жўнаши олдидан Мортен Жанеттадан:

— Наҳотки, бошқа кўришмаймиз? — деб сўради.

— Ҳаммаси сенга боғлиқ, — деб жавоб берди қиз, унинг қўлини қаттиқ сиқар экан.

— Лекин кўнглимга ёққан ишни қила олмайман-да, бекорчи эмасман...

— Барибир, учрашамиз, Карлсруэга кел, олдимга.

— Нима, уйинггами?

<sup>1</sup> Р е н и ш т е й г — Тюрингенск ўрмонидаги тоғ қоялари бўйлаб ўтган қадимги йўл.

Жанетта бошини чайқади:

— Йўқ, ахир мен отамга сен билан учрашмоқчи бўлганлигимизни айтганман: у сени анавинақалардан биридир-да, деб ўйлаб мени койиди, ўзинг биласану, у кимни назарда тутишини. Шанба куни мени эрталабки саккиз билан тўққиз орасида бозор майдончаси олдига келиб кут. Мен бозорга харажат қилгани чиқаман.

Мортен оғир кунларни бошидан кечирди. У виждон азоби чекар, доим ўзидан ўпкаланарди. У, бу ганишликдан қутулмоқчи бўлиб, баъзида Карлсруэга боришдан воз кечмоқчи ҳам бўларди. Ўзини эмас, Жанеттани ўйлаб шу ишга жазм қилмоқчи эди.

Бироқ, Мортен доим уни ўйларди. Ўзини қандай қилиб Карлсруэга кетаётгани, бозорда уни қандай қидириб юганини хаёлидан ўтказарди. У ҳатто лой ваннасини қабул қилаётганида ҳам учрашувга келмай қолса нима қиламан деб ўйлар, юраги арзиқиб тушарди, шу кунлари Мортен кўп азоб чекди. Ўзидан қаттиқ ўпкалаб чарчади, лекин кўнглида умид учқунлари йилт этди-ю, учрашувга боришга аҳд қилди.

Белгиланган куни у эрта саҳарда туриб, биринчи поезд билан Карлсруэга жўнади. Бозорда ҳўл мевалар савдоси жуда қизиган, аммо Мортен ҳеч қаерда гўшт дўконини учратмади.

Шу пайт у корзинка кўтарган Жанеттани кўриб қолди. Жанетта дўконма-дўкон юриб, керакли нарсаларни харид қиларди. У шляпасиз эди, чамбарак қилиб танғиб олган тим қора сочи кулчадек юзини очиб турарди. Қиз хомуш ҳолда нималарнидир ўйларди, бироқ Мортенни кўриши биланоқ чиройи очилиб кетди.

— Мен, сени келмасан деб, эндигина уйга кетмоқчи бўлиб турган эдим,— деди Жанетта уни қўлтиғидан ушлар экан.— Нега қўлингни ечиб ташладинг, оғримаяптими?

— Сағал оғрияпти, лекин боғлиқ қўл билан юрабериш жонимга тегди, доим ўзингни инвалиддек сезасан: яхшиси бош бармоғимни нимчамга тиқиб, тагидан кўтариб юраман. Уйга кетмоқчи бўлган одам, ҳали ҳеч нарса сотиб олмабсан-ку,— деб сўради Мортен ва қизнинг корзинкасини силкиб қўйди.

— Ҳа, мен шунчалик жигингга тегиш учун гапирган эдим.

Жанетта билан Мортен ҳўл мевалар олиб бўлгач,

паркка бордилар ва у ердан бўш скамейка қидира бошладилар. Мортен гўё томоғига бир нарса тиқилиб қолгандек, ҳеч гапиролмасди. Чунки, энди қанчалик оғир бўлмасин, у барибир барча гуноҳларини унга муфассал айтиб бериши керак эди. Мортен Жанетта билан алоқани узишни хоҳламасди. Бироқ, агар у ҳамма айбларини Жанеттага очиқ-ойдин айтиб берса, қиз албатта, ундай айниши мумкин эди. Гап бошлашдан олдин Мортен қаттиқ йўталиб олди; ўз сприни ўзи очиши осон эмас эди-да, ахир.

— Сенга нима бўлди? — деб сўради Жанетта ва секингина унга ёндошди. — Гапирсангчи.

— Бугун ишга бормаيسانми?

— Йўқ, бугун отамнинг туғилган куни; уни бир оз хурсанд қилмоқчиман. У онамни жуда ссғинган. Мен унга сен билан якшанба куни учрашганимизни гапириб бердим.

— Ахир, сен мени яхши билмайсан-ку, ёзувчилигимнигина биласан, холос.

— Отам ҳатто сенинг исмингни ҳам эшитмаган, шунинг учун унчалик ишонмаяпти. У, ёзувчилар енгил табиатли бўлади дейди.

— Ундай бўлса, бу тўла равишда менга ҳам тегишли, шунинг учун яхшиси бундан сўнг менга яқинлашма.

Жанетта ҳайрон бўлиб Мортенга қаради.

— Сен, албатта, ҳазиллашяпсан...

Қиз унинг жиддий гапираётганини пайқаб, тўсатдан қўрқув аралаш унинг қўлидан ушлаб олди.

— Йўқ, мутлақо жиддий, — Мортен чуқур нафас олиб, қўлини тортди. — Мен ахир кексайиб қолганман, балки сенга нисбатан икки баравар каттадирман, бундан ташқари хотиним, бола-чақам бор.

— Айтгандек, сен ажралиш ҳақида ариза бергансан шекилли?

— Суд уни рад қилса-чи? Ундан ташқари ишимнинг ҳам тайини йўқ.

— Яна оғриқ қўлинг, ундан кейин... Ундан кейин яна нима? — Қиз қўли билан унинг оғзини беркитди.

— Ва ҳоказо, ва ҳоказо. — Қизнинг суйканиши Мортенни шахдидан қайтарди. — Сен мени баттар ташвишга солмоқдасан. Шунингдек, мен революционерман.

— Бу нима деганинг? — секин сўради Жанетта.

— Революционерлар — шундай одамларки, биров-

ларнинг ошиб-тошиб, бошқаларнинг муҳтожликда яшашига йўл қўймайдилар. Хоҳлаган вақтларида мени Германиядан чиқариб юборишлари мумкин.

— Хўш, нима бўбди, чиқариб юборсалар ўз ватанинга бораверасан-да!

Мортен беихтиёр кулди.

— Ватанимда кошки менга кўзлари учиб турган бўлса, айниқса ҳукмдор синфларнинг кўргани кўзи йўқ. Лекин оддий халқ мени севади.

Жанетта ҳайрон бўлиб, Мортенга қаради. Унинг гаплари қизни қўрқитмади: Жанеттани кўпроқ Мортеннинг унга бўлган муносабати ва оилавий ишлари ҳақида гапирмаслиги ташвишлантирарди.

— Уйингизда газета ва журналлар ўқишмаса керак?— деб сўради Мортен.

— Ҳа, кайзерни қувлаганларидан буён, отам газеталар билан қизиқмай қўйди. Уйда баъзибир китоблар, ҳатто Рикарда Гухнинг<sup>1</sup> романи ҳам бор. Бироқ оиламизда ҳеч ким ўқишга қизиқмайди. Кечқурунлари музика билан шуғулланамиз, отам волторна, акам скрипка чалади, мен эса ашула айтаман. Опам Бетти бизникида турганида ҳар доим менга жўр бўлар эди. Кейин у турмушга чиқиб кетди ва эрининг зўри билан католик динини қабул қилди. Бунинг учун ота-онам ундан анча порози бўлишди.

— Наҳотки, сизлар шунчалик содиқ протестантсизлар?

— Отам ва мен шундаймиз, Бетти ҳам никоҳига қадар шундай эди, бизлар ибодатхона хорида ашула айтар эдик. Шунинг учун ҳамма бизникига келганлар Беттининг ўз динидан воз кечганлигидан ғазабланишарди.

Қизни ўзидан бездирмоқчи бўлганлиги, Мортеннинг эсидан чиқиб кетди.

— Демак, турмушинг унча яхши эмас экан-да,— ҳаяжонланиб деди Мортен ва қизнинг қўлидан ўпди.

— Урушга қадар уйимизда ҳар доим хурсандчилик бўлиб турарди. Кечқурунлари отам ишдан қайтгач, музика билан шуғулланар эдик, баъзида у бизнинг кўйлақларимиз учун ҳар хил фасонлар чизиб берар, онам эса

---

<sup>1</sup> Рикарда Гух — (1864—1947) — немис адибаси, кўпгина тарихий романларнинг автори.

уларни ўзи тикарди... Онам қўл қовуштириб бекор ўтиришни ёқтирмасди. Кейин отам фронтга кетди, бошимизга оғир кулфатлар туша бошлади. Оиламиз бадавлат оилалардан ҳисобланарди. Ота-онамизнинг банкда бир юз эллик мингдан зиёд пули бор эди. Буни улар биз туғилган йиллардан бошлабоқ мен ва Беттининг тўй сарфоси учун йиғардилар. Уриш бошлангач, ҳарбий заём облигацияларини сотиб олдик.

— Оч қолган кунларингиз ҳам бўлганми?

— Бўлмаса-чи, кўпинча оч қолар эдик. Отам урушдан жинни бўлиб қайтди. Эрталаб уйқудан турганимда кайзернинг мўйловига ўхшаб диккайиб турсин деб, кечалари мўйловини бинт билан боғлаб ётарди. Бизнинг ҳамма тилла буюмларимиз, никоҳ узуклар, онамнинг қимматбаҳо нарсаларининг барчаси давлатга топширилган эди. Ошхонамиздаги кумуш асбобларнинг ҳаммаси деҳқонларга ўтиб кетди. Ҳадеб карам ея берганимиздан баъзида касал бўлиб ҳам қолардик. Бир куни онам менга бир кумуш қошиқ бериб шундай деди: «Қишлоққа бориб нон топишга ҳаракат қил, агар бир бурда гўшт ҳам қўшиб олиб келсанг жуда яхши бўлади». Кўпинча шундай қилардик. Деҳқонлар эшикларини тақиллатганида улар қўрқиб эшикни қия очардилар. Мен тирқишдан қошиқни узатар эдим, улар менга бир парча нон билан картошка берар эдилар. Берган нарсалари жуда ҳам кам бўларди, лекин шунга ҳам шукур қилиб, суюнардим. Уйга қайтаётганимда жандармалар нарсаларимни олиб қўймасмикан деб ўйлаб, қўрқардим. У вақтда ҳўл меваларни жамғаришга руҳсат беришмасди. Ошхонамиздаги кумуш идишларининг ҳаммаси шундай қилиб тугади. Ҳеч нарса қолгани йўқ. Давлатга топширилган омонатларимизнинг ҳаммаси йўқолганлигини билганимиздан кейин онам фалаж бўлиб, отам эса жинни бўлай деб қолди. У, мени турмушга чиқаришга виждони йўл қўймаслигини айтди.

— Наҳотки, сепинг йўқлиги учун эрга бермаса?

Жанетта бошини қимирлатди.

— У, агар турмушга чиқишни ўйласанг ҳам, сени меросдан маҳрум қиламан, деди. Кулсам унинг жаҳли чиқади.— ахир бизда бир тийин ҳам йўқ-да. Ундан ташқари мен эркакларни кўрсам жоним чиқади...

— Ҳали ҳеч кимга ишқинг тушмаган-да, гапираверсан.



— Кўпларга ишқим тушган, лекин эркакларнинг бачканасини жуда ёмон кўраман.

Мортен Жанеттанинг қўлини олиб, бармоқларини эркалаб силай бошлаганини ўзи билмади.

Жанетта бошини чайқади!

— Сен билан «Меркурий»да учрашганимиздан буён тирноқларимни тишлаётганим йўқ. Қандай қилиб, менга бу одатни ташлаттирганингга отам ҳайрон бўлмоқда, ўзи ҳеч ўргатолмас эди. У, «сени гипнозлаб қўйган» дейди.

— Гипнозлаб қўйган тақдиримда ҳам ҳеч қандай қора ниятсиз гипнозлаганман. Уҳў... қўлингга қимматбаҳо узук кўриняптими. Уни қандай қилиб, уруш йилларидан сақлаб қолдинг!

— Бу бахтли узук: отам бу узукни, қотиллик қилгани учун қатл қилинган бир одамнинг эски қоғозлари орасидан топиб олган экан. «Бу узук бахт келтириши керак,— бунини хазилага топширмасдан сенга тақдим этман»,— дерди отам. Мортен, сен бахтга ишонасанми?

— Ишонаман. Аммо, дор тагида ёки жанг майдонида эришиладиган бахтга мутлақо ишонмайман. Фақат биргина ягона бахт бор — бу бахт ҳамма учун ҳам баробар. Менимча, бизнинг халқимиз ҳали ҳеч қачон бахт нималигини билмаган, сенинг отанг ҳам шундай бўлса керак.

— Йўқ, аксинча, у ўзини етмиш-етмиш биринчи йиллардаги ғалабаларни эслай олгунига қадар бахтли ҳисоблаб юрар эди: эркаклар кабакка кириб бир кружка пиво ичди дегунларича ҳикояга тушиб кетар эдилар. Бироқ, сен ҳақсан, урушда енгилганимиздан бери, отам бахт нималигини унутиб қўйди. Ҳаётнинг қизиғи қолмади. Мен энди ҳамширалик қилсам керак.

— Дойм қора кўйлак кийиб, беморларга қараб юрасанми?

— Ҳа. Биз ҳамширалар мактабига ариза бердик. Аммо улар мендан ҳаммаси қора рангдаги бир дюжина пайпоқ, ички ва устки кўйлақлардан иборат тўла комплект кийимлар топширишимни талаб қилдилар. Унга бизларнинг қудратимиз етмади.

— Ҳақиқатан ҳам омадинг бор экан, — деди Мортен титроқ овоз билан.

— Демак, сен католикларнинг бахтни худо юборгани дейишига ишонмайсан-а? Балки сен мутлақо протестант эмасдирсан

— Тўғри, жоним, мен, атеистман, бироқ осмондаги ҳаёт ва бошқа шунга ўхшашларга нисбатан бутпарастман. Мен, ер юзидаги кишилар бахтли бўлишини афзал кўраман: ахир, биз дунёга бир марта келамиз!

— Демак, сен у дунёдаги ҳаётга ҳам ишонмас экансан-да? Отам ишонади; у, пиво ичаётганида охириги кружкасини ичмасди-да: «Бу нариги дунёда ҳисобга олинади»— деб қўярди. Отам мени бир пасторга эрга беришни кўзлаб юрибди. У келишган, ёши сендек. Отам: «Ҳеч ташвишсиз ҳаёт кўрасан» деяпти. У катта даромад олишни мўлжалламоқда.

— Ана, сен худди ўшанга тегишинг керак экан,— деди Мортен кулимсираган ҳолда кесатиб.

— Нега ундай дейсан? Наҳотки сен, у яхши жойга турмушга чиқиб, ҳамма нарсага кўниб ўтиради, деб ўйлайсан? Ҳеч-да, ҳали дунёдан умидим катта.— Жанетта жеркиб яна давом этди:— Мен бойвуччалардек биққа семириб каталакда ўтиришни хоҳламайман! Ке қўй, яхшиси сенинг ҳақингда гаплашайлик, бўлмаса мен эзмалана бераман. Айт-чи, мени яхши кўрасанми?

— Бўлмасам-чи!— Мортен ўзини бўғилиб қолгандек сизди. Унинг юраги қаттиқ ура бошлади. Жанетта шундай ажойибки, унда ёш гўдак ва аёлнинг одатлари бирлашиб кетган. Унинг соф, самимий қалби ва титроқ қўллари Мортенни турли хаёлларга олиб кетарди: у нима деб жавоб беришини билмай, гоҳ ўзидан хафаланар, гоҳ Жанеттага бу ҳаёт мусибатларидан қутулиш учун ёрдам беришни ўйлаб, юраги сиқиларди.

— «Севиш» ҳам гапми,— Мортен икки қўли билан бошини ушлаган ҳолда энгашиб ўтирар экан, унинг овозидан ғамгин оҳанг эшитиларди,— ахир мен сенга ўзимнинг бандлигим, анча ёшга бориб қолганлигим, биринчи хотинимдан ажралиб, ҳозир иккинчисидан ҳам ажралмоқчи бўлганлигимни айтдим-ку? Мен ҳеч қандай маошсиз икки хотиним ва болаларимни боқишим керак. Булардан ташқари, ўзим бир қувғиндидек бўлсам, қаерга бормайин яшириниб юришим керак.. Наҳотки, сен буларнинг ҳаммасини унутган бўлсанг?

— Балки унутгандирман ёки яхши тушунмагандирман. Сен охири нима бўлишини ўйлаяпсанми?

— Йўқ, ўйлаётганим йўқ. Мени Германиядан бошқа жойларда ҳам яхши танишади. Бироқ, сен менинг ишим қандайлигини тушунмайсан, шу мени хавфлантиради.

— Менга сенинг китобларинг керак эмас, ўзинг кераксан? Агар мени севсанг, мен билан Гейдельбергга кетасан.

— Қачон, бугунми?

Қиз бошини ирғатди.

— Жанетта!— Мортен унинг қўлидан ушлади ва ўпмоқчи бўлди.

— Мени чин юракдан ўп,— деди қиз жиддий,— аммо отам ҳам, онам ҳам сени икки марта уйланганингни билмасликлари керак...

— Иккала қизимнинг ёши сендан катталигини ҳам,— қизишиб қўшиб қўйди Мортен.— Ота-онам билмасинмиш, ўзинг нима дейсан?

— Тўғриси айтсам, ўзим ҳам билмайман. Юр энди, кетайлик. Мени кўчамизнинг қайилишигача кузатиб қўй. Лекин қўлтиғимдан ушламайсан, бировлар кўриб қолиши мумкин.

Демак, Мортен ўз ниятига етди.— Жанеттани ўзидан бездирди. У ҳеч қачон бундай ҳийла ишлатмаган эди. Энди бўлар иш бўлди! Нима бўлибди? Ахир, у ўз бахтига куш солди-ку, ўзига ўзи душманлик қилди.

Мортен меровсираб шаҳарни айланди. Бозор майдонидаги ошхонада овқатланиб, вокзал томонга юрди. У Гейдельбергга боришни бошқа кунга кўчирмоқчи бўлар ва ношир қўлидан келганича ишлайверсин дер эди.

Кутиш залида Мортен ўртадаги думалоқ столга ўтириб, бекорчиликдан роса зерикди: у тушадиган поезд яна икки соатдан кейин жўнаши керак эди. Ҳар вақтдагидек қаттиқ ҳаяжонланганлигидан мияси оғриди, у бошини столга қўйиб, ухлаб қолди. Ёнида кимнингдир инграгани эшитиб, кўзини очди. Мортеннинг қаршида ўтирган деҳқон тиш оғриғидан азобланарди. У бармоқлари билан чакагини ушлаганича икки томонга теб-теб инграб ва уни тортиб олиб ташлагиси келарди. Мортен унга қараб туриб ўз дардини унутди.

Тўсатдан кимдир Мортеннинг елкасига суйканди, у ўгирилиб қаради: олдида сариқ костюмли, қўлида кичкинагина чамадон ушлаган Жанетта турарди.

— Юр,— деди қиз Мортенни тирсаги билан туртиб, кейин уни кутиб турмасданоқ ташқарига чиқиб кетди. Унинг авзойи ниҳоятда бузуқ эди.

Фақат поезд қўзғалгандан сўнг Жанетта секингина Мортеннинг қўлидан ушлаб деди:

— Отам мендан жуда хафа бўлди. «Сени меросдан маҳрум қиламан» деб жаврайвериб чакаги тушди. Шундай бўлса ҳам, у чамадончамни трамвайгача олиб чиқди. Онам билан маслаҳатлашолмадим, албатта, бироқ қўшнимиз Фру Кол: «Кетавер Жанетта, ўзингни дадил тут, жуда бўлмаса уйингга қайтиб келарсан»,— деди. Қани, энди мени ўпиб қўй!

ЮБИЛЕЙ



«Матильда» пароходи палубасига денгиздан рутубатли шамол эсарди. Пароход каттакон тўсинларга суяб қўйилган ҳолда сузғич докда турарди. Булут ўраб олган тун осмонида мачталари хира кўринарди, корпуси эса қоронғида докнинг пўлат арқонлари ичида кўринмай кетган. Сузғич докка олиб борадиган кўприкда оёқ шарпаси эшитилди. Еғоч кавуш кийган қандайдир одам келаётган эди. У «Матильда» цистерналарини цементлаётган бригаданинг старший ишчиси Нильс Хансен эди, у иш охирлаб қолди, деб устани огоҳлантириб қўймоқ учун қирғоққа шошилиб бораётган эди. Бригада эса сўнгги бўлимни тугаллаётган эди.

Уста Бёргесеннинг юзлари ловуллаб ёнмоқда, эҳтимол контора иссиғидан бўлса керак. Ёинки бир неча кружка пиво ичиб олганиданмикин? Бригадир, оддий ишчи бўлса ҳам у билан ўзини тенг олиб гаплашди. Тўғри-да, бундай ишчилар ишончга сазовор одамлар бўлади. Бёргесен тўсатдан унга «сен» деб мурожаат қилди... Балки, у эртага ҳамкорликда ишлашга Хансенни тайёрламоқчи бўлиб, атайлаб уни сенсираётгандир? Бёргесеннинг оғзидан бир гап чиқиб кетган эди, ҳозир, кўп мулоҳазадан кейин бригадирга жуда мазмунли бўлиб туюлди.

— Ишда ишонадиган одамнинг бўлса бас, қолгани унчалик аҳамиятли эмас,— деди Бёргесен.

Нильс Хансен палубага, ўртоқлари олдига қайтиб боришга шошилмасди. У яхшилаб ўйлаб, ҳамма нарсани тушуниб, тагига етиб олишни истарди. У сузгич докда туриб, кемага қарар, кема қоронғида зўрға кўзга чалинар эди. Кеманинг қуйруқ томонида бригада ишлаётган жойда электр чироқ ёниб турарди. Чамаси, ўртоқлари палубага, бошқа ишчилар олдига кетганга ўхшарди. Ким билади, улар, у иш охирлаб қолди, деб шошмашошарлик қилгани, шошилгани учун уни койишаётганмикин? Унинг Бёргесен олдига шошилганининг боиси, атиги эртанги кун ҳақида аниқроқ бирор нарса билиб олиш эди, холос... Лекин нима бўлса-да, Вёргесен сир бой бермади. У фақат шунчаки, «Ишда ишонадиган одамиинг бўлса бас, қолгани унга аҳамиятли эмас»— деб қўя қолди. У, бу сўзни Хансени эртанги кунга тайёрламоқ учун айтган бўлса керак; балки, дирекция ҳамма гапни эртагача махфий тутмоқчи бўлгандир. Нильс Хансенинг верфьда ишлаганига эртага йигирма беш йил тўлишини Бёргесен улардан эшитмаган бўлиши ҳеч мумкин эмас...

Баъзан Нильс Хансен, бошлиқлар буни унутиб қўйишлари ҳам мумкин, деб хавотир оларди. У Бёргесенга шипшиб қўймоқчи бўлди, лекин яна сурбет экан-ку, демасин деб ўйлаб, айтишдан қўрқди. Ҳа, айтгандай, бу маълумотларнинг ҳаммаси рўйхат дафтарларида бор-ку.

Ўртоқлари юбилейдан хабардор эдилар. Улар, Хансени албатта директор олдига чақиришиб, узоқ йил садоқат билан ишлагани учун унга медаль топширишади, дейишарди. Хансен уларнинг гапини ҳазилга йўярди. Фақат хотини Агнесга у, жонкуяр ишчининг хизматини тақдирламоқ учун бошлиқлар шу қулай фурсатдан фойдалансалар керак, деб умидвор бўларди. Агнес индамаса ҳам, шубҳаланиши аниқ эди. Қани энди Хансен, бугун Бёргесен кўнглини яқин олиб, бошлиқлар сенга сюрприз тайёрлашяпти, деди деб хотинига хабар қилса.

Ҳатто, Бёргесеннинг шунчаки айтиб қўйган гапиниям хотинига етказса арзирди. Нильснинг назарида, хотини баъзан ҳурмат қилмайдиганга ўхшарди. Ҳа, балки, болалари ҳам шундайдир. Ҳечқиси йўқ, ҳар ҳолда у ҳозир Бёргесеннинг фикрини билади-ку. Мана эртага кун охирида шу нарсалар юз берса, хотиниям, болалариям у ҳақда бошқача фикрда бўлиб қоладилар.

Лекин, *шундай* бўлармикин, деган шубҳа-гумон Нильс

Хансеннинг ичини кемирадди. У, хотиним, болаларим ҳам совға-салом олишмаса, ўртоқларимнинг менга ҳаваси келмайди, деб кўп хавотирда эди. Нильс Хансен, бошлиқлар Бёргесендек фақат елкамга қоқиб қўйиш билан кифояланмасалар керак, деб умид боғлар эди,— майли, бу галча директорнинг ўзи елкасига қоқиб қўя қолсин. Йўқ, йўқ, у ўзининг йигирма беш йиллик хизмати эвазига бутунлай бошқа нарса кутмоқда. Ўртоқлари унга албатта медаль оласан, деб тегажоқлик қилса, Нильс Хансен ҳазил-мазақ билан қутулар, лекин... ичида: «Ҳе ўша кун келсин, ана мени айтди дерсанлар-ку, қуруқ медалнинг ўзини бериб қўйишмас...» дерди.

Док томонга муздек декабрь шамоли эсиб турарди. Хансен нам цементга уриниб юриб, ҳамма ёғи ҳўл бўлди. Йилнинг энг сўнгги фасли — қиш яқинлашди, қишда цемент чуқурлари музлаб қолди, шаллаббо бўлиб увиб кетган кийимлар муздек баданда қуримай, совутдай қотиб қолди, совуқ одамнинг суяк-суягидан ўтиб кетди. Ниҳоят, кечаси бир оз исиганингда эса бод азоб беради. Нильс Хансен ҳамон шамолда турар ва: палубага қайтиб борсаммикин ёки ҳожати йўқмикин деб ўйлаб, ҳеч бир қарорга келолмас, ҳануз эртанги кун ҳақида хаёл сурар, кўнглидаги шубҳа-гумонлари умид билан алмашарди. У, бу нарсалар ҳақида қайта-қайта ўйлашни, оғир-енгил томонларини ўлчаб, тарозида тортиб кўришни хоҳларди, ўртоқларининг ҳазил-мазақ ва бемаъни гаплари эса унинг фикр юритиши учун халақит берарди... У албатта, Бёргесен эртадан бошлаб сен билан бирга ишлаймиз, деб шипшиб қўйиши мумкин эди, бошлиқлар Нильс Хансенни устага ёрдамчи қилиб ўтказиш ҳақида сўзсиз, аллақачон, унинг фикрини олган бўлиши керак. Бёргесеннинг гапидан, унинг янги ишга тайинланишига у хурсанд деб хулоса чиқариш мумкин...

Усталар контораси доим шинам, иссиқ бўлади. Улар совуқ қиш кунлари кўпинча бу ерда ўтиришади, ҳангама қилишади; уни устага ёрдамчи қилиб тайинлашгани балки баъзиларга ёқмас, лекин Нильс Хансен иш вазифаси оширилишига сазовор бўлганига ҳамда усталар конторасидан ўзига муносиб ўринни эгаллашга мутлақо ҳақли эканлигини яхши тушунарди. У, ҳатто қаерда ўтиришини ҳам чамалаб кўрди: катта шкаф билан Бёргесеннинг ёзув столи ўртасида ўтиради. Собиқ ўртоқлари люкда муз синдираётган пайтда Нильс Хансен ўзини устанинг

ёрдамчиси тасаввур қилиб кўрди. Улардан камдан-кам чиқиб хабар олади, ўшанда Бёргесен ўз ҳамкасбларига, ишонадиган ёрдамчинг бўлгандан кейин уста бўлиш унчаллик қийин эмас, деб ошкора айтади...

Нильс Хансен, бригадада старший ишчи сифатида, кўтара иш ҳақини ошириш учун ўзи ҳам майда битимларга аралашиндан қайтмайди, устанинг ёрдамчиси бўлиб олгач, бунақа нарсаларга юзаки қарайди, у пайтда ҳеч ким, ўзи бир вақтлар ишчи бўлган назоратчи, хусусан ижиқ бўлади, деб айтмайди. Илгариги ўртоқлари: «Ҳа, Нильс Хансен зап йингит-да. Бёргесенга нисбатан минг марта яхши...» деса, кўнгли қанча ўсади.

Шундайликка шундайку-я, лекин Хансен бошқа жиҳатдан бошлиқларнинг кўзини бўяшни истамасди, ахир унга ишонишади-ку. Директор, яхши ходимни уста ёрдамчилигига тайинлашда нима қилаётганини билди. Бунақа одамга ишониш мумкин деб ўйлайди. Нильс Хансен ўзиниям, йигирма беш йиллик тажрибасиниям бутунлай ўшаларнинг ихтиёрига топширади. У қайси бир кўни цистерналардан лойқа қор, ёмғир сувларн тезроқ оқиб тушиб кетсин учун корпус тагини кўпроқ парчинлаб қўйишни таклиф этди, бу ҳам вақтни тежайди, харажатларни камайтиради. Ушанда Бёргесен ҳанг-манг бўлиб қолувди. Вақт ва меҳнатни тежашнинг бунақа усули ҳеч қачон унинг ақлига келган эмас. Умуман, у ишнинг мохиятига унчаллик тушуниб етмасди. Кўп вақтдан бери устага ёрдамчи зарур, деган гап юрарди, эҳтимол, директорнинг бундан бўлак яна бошқа мулоҳазалари ҳам бордир. ҳар ҳолда Бёргесеннинг мавқеи у қадар мустаҳкам бўлмаса керак. Эртага нима бўларкин? «Матильда» палубасида ёғоч кавуш тарақлашини эшитаркан, яна Нильс Хансенни шубҳа босди. У, совуқ суяк-суягидан ўтиб қақшатаётганини эндигина сезди, негаки, шу маҳалгача фикран уста Бёргесеннинг кенг контора кресло-сида савлат тўкиб ўтирганди.

У докнинг тик нарвонидан пастга тушаётган ўртоқларининг гавдасини аранг кўрди.

— Хўш, ҳаммаси тайёр бўлди, деб хабар бердингми?— деди ўртоқларидан бири.

— Ҳа,— деб жавоб қилди Нильс Хансен.

— Цистерналарни уддалай олганимизга Бёргесен хайрон бўлгандир-а?

— Ҳе, жин урсин ўша Бёргесенни! Кетдик бу ердан.



Биз сени аллақачон ғарқ бўлиб кетган деб ўйлаб ўтирувдик. Жуда ҳаяллаб кетдинг. Конторада семиз иккаланг иснииб, юбилейнинг муносабати билан авансга пиво ичишгандирсанлар-да.

Нильс Хансен бу ҳазил-мазақ гапларни эшитмагандек бўлиб, «барча керакли нарсаларни соҳилга олволдларингми?» деб сўради. Ишчилар цемент ташиладиган челақларни ювишарди.

— Бориб кўришинг мумкин, — деди кимдир.

Ўртага жимлик чўкди. Узоқ, оғир иш одамларни сержаҳл қилиб қўйган эди. Улар майдонгача чиққанда, Нильс Хансен энг кейинда борарди. У энди ўзини бу одамлар орасида бегонадек ҳис этарди. Буям таъбини жири қилди. Кетган пайтида ишчилар бирор нарсадан шубҳа қилишганмикин ёки уни гапиршганмикин? Ошхонада ишчиларнинг коржомалари қўйиладиган шкафлар турган жойда уларга сюрприз тайёрлаб қўйилган эди. Элбурутдан Нильс Хансен дўкондан пиволар олиб, шкафига яшириб қўйган эди. У пиволарни чиқариб, атрофида улфатлари — йигирматача одам тўпланган стол устига қўйди. Нурсиз юзлар ёришиб, хийла жонланди. Ҳамма Нильс Хансен билан қадах уриштирар. савдо флотин бахт-саодати йўлида қарийб бутун умр бўйи хизмат қилиб келган юбиляр шарафига навбатма-навбат қадах кўтарарди. Эҳтимол, бу ҳаддан ташқари дабдабали бўлиб эшитилар, лекин аслини олганда Нильс Хансенга ўхшаш одамлар кема эгалари билан акционерлар даромадини кўпайтирардилар-да! Куч-қуввати ва саломатлигини сарфлаб, йигирма беш йил давомида тинмай ишлаб келган Нильс Хансен сингари кишилар бунинг эвазига нима олади, дейсиз? Нима оларди, оладиган нарсаси очдан ўлиб қолмаслик учун қилинадиган тамадди-да! Куч-қувватдан кетгач, уларни орқасига бир тепиб, ҳайдаб юборадилар, келажаклари шу. Капиталистлар фойдасига ишловчилар учун қоладиган бирдан-бир нарса — ҳамжиҳатлик ва ўртоқлик. Ана шунинг учун ичайлик!

Бу нутқни сўзлаган одам нуқул ғаламислик қиляпти, деб ўйлади Нильс Хансен. У, бунга тоқат қилиб туролмайди. Шунингдек, у ҳамжиҳатлик ва ўртоқлик учун айтилган бу сўзларда, энди Нильс Хансен биздан кетиб, эксплуататорлар томонига ўтиб кетади деб кесатиб, мазақ қиляпти деб билди. Ҳа, у худди шундай демоқчи, ахир, уста ёлланган ишчи билан баравар эмас-ку, уста-

нинг қатъий мойнаси бор, агар иш яхши бориб турса мукофот олиб туради. Ҳалол ишлайдиган ходимларни мукофотлаш усулларидан бири — уларни хизматчи вази-фасига ўтказиш. Эртага худди шу ҳол юз беради... Аф-тидан, ишчининг бирдан-бир келажаги — қувилиши бўл-са керак. Булардан бўлак, уста нафақа ҳам олади,— деб ўйлади Нильс Хансен, сўнгги қултум пивони ютаркан.

Ишчилар контроль соат олдида олдинма-кейин рўй-хатдан ўтмоқда эдилар. Чирт этса бас, пропускда белги пайдо бўлади. Нильс Хансен кейинда турган эди. Ёни-дан дарвоза томон Бёргесен ўтиб кетди.

— Кечангиз хайрли бўлсин, йигитлар!— деди у.— Эртага ҳеч ким кеч қолмасин. Қуруқ докда «Виолада» цистерна тозалашимиз керак.

— Жуда соз!— деди Нильс Хансен ва агарда мени... унда бу ишни бошқа одам қилиши керак бўлади, деб ўйлади.

Бугун йўлакда капрал Петерсен навбатчилик қила-ётганди. У верфга Нильс Хансендан анча кейинроқ ишга кирган эди.

— Сизлар, аллақачон тамадди қилиб олгандирсиз-лар, — деди Петерсен. — Албатта, ҳеч бўлмаса иш ярим соат илгарироқ тугасин деб ошхонада вайсашиб ўтирган-сизлар-а.

— Ҳа балли, шундоқ!— деб хитоб қилди Нильс Хан-сен.— Лекин бу уста Бёргесеннинг ғамхўрлиги, ўзи ҳо-зиргина ўтиб кетди-ку.— Нильс, бугун ўзининг йигирма беш йиллик юбилейи шарафига пивохўрлик қилишгани-ни Петерсенга гапиргиси келмади.

— Биз рекрутлар эмасмиз!— деган овоз эшитилди оломон орасидан. Петерсеннинг ўткир, каламушники сингари нигоҳи ғаламислик қилган одамга тикилди.

— Хайрли кеч, — деди у қуруққина қилиб, зарда билан.

— Бу йигитни яхшилаб савалаб, адабини бериб қў-йиш керак эди,— деб гап қотди ишчилардан бири, ҳам-ма дарвоза нарёғига ўтиб олгач.

— Нильс Хансен қаёққа гум бўлди?— деб сўради кимдир. Дарҳақиқат, Нильс йўқ эди.

— Мени айтди дерсизлар, у цистерналар қай аҳволда эканини текширгани «Матильда» палубасига кетган,— деб жавоб қилди бошқа бир ишчи.

Уй-уйига кетар экан, одамлар йўлда Нильс Хансен-нинг ғалати қилиқлари ҳақида, унинг ҳаддан ташқари

ҳалоллиги тўғрисида гапириб бордилар. Шундай эса-да, улар Хансенни ишонса бўладиган ўртоқ деб билдилар. Буни у пиво қуйиб бериб, яна бир бор исботлади.

Нильс Хансен, сўнги кун ишидан биронта нуқсон топишларини истамас эди. Шу сабабдан у палубага қан-тиб келди. Оббо, бу эртанги бўладиган тантана ўз бур-чини унутиб қўйишига мажбур қилди-я... Ҳамма ерда чи-роқлар ўчган, қоп-қоронғи, аммо Хансен палубада одат-дагидек ишонч билан юрар эди. У шам ёқиб, трюм ичига тушди, шамни люклардан биттасига тутиб, ёритиб кўр-ди. Ишчилар кетаётиб, пастдаги цементни текислаб қў-йишни унутишибди, цемент устида бошмоқ излари қо-либди. Хансен плашчини ечмай, ифлос полга ётди-да, люк тешигидан тиқилиб кириб, қўли билан цементни те-кислаб бошлади. Уста бўлиб олса, ишчиларга ишни ча-ла қолдирмаслик кераклигини доим эслатиб боради. Бў-гуни шундай қилса унчалик чиройли бўлиб чиқмайди. Нильс беихтиёр пуфлаб юбориб, шамни ўчириб қўйди. Кейин ҳеч ҳолатини ўзгартирмай, чаққонлик билан чўн-тагидан гугурт олмоқчи бўлган эди, сирғилиб кетиб калласи билан пастга мункиб тушди. Лекин, дарҳол ўзини ўнглаб олиб, шамни ёқди, цемент намлигидан шам чирсиллай бошлади. Хансен бирмунча вақт овора бўлиб, цемент устидаги изларини текислади, сўнгра та-ғин ағдарилиб кетмаслик учун эҳтиёт бўлиб, люкдан чиқиб олди.

У соҳилга боришга шошилмас эди. Қўлидаги мил-тиллаб ёнаётган шам билан трюмда у ёқдан-бу ёққа юриб, эртанги кун ҳақида хаёл сураб эди. Директор олдига қандай таклиф қилишларини тасаввур қилиб кўрди. Эҳтимол, у ерда бошқа жаноб бошлиқлар ҳам бў-лар... Мана, у директор кабинетига кирди, шу вақт, дар-ҳол пастдан юқори кўтарилганлигини маълум қилди-лар. Албатта, у, бир оддий ишчига шунчалик ишонч билдирганликлари учун бу жанобларга ўз миннатдор-чилигини билдиради. Қўлидан келганча ҳамма, ҳамма ишни қилишга ваъда беради... Шу муносабат билан бир стакандан вино ичиш керак. Ичайлик, жаноблар! Сиз-нинг саломатлигингиз учун ёрдамчи уста Хансен! Энди сиз ўзинизнинг одамсиз!

Хансен сузувчан докдан чиқаркан, хотини Агнеснинг, кир коржомангли ола кел, юваман, дегани бирдан эси-га тушиб қолди. У йўлини қисқартиб, кема қуриладиган

майдончадан кесиб ўтиб ошхонага томон юрди. Одатда ҳаёт қайнаб ётадиган бу ерда ҳозир ҳеч кимса йўқ, қандайдир ғалати жимлик ҳукм сураб эди. Тун қоронғисида кемалар ухлаб ётган улкан жониворларни эслатар эди. Булар ёнидан ўтиб бораркан, Нильс Хансен меҳрибонлик билан муздек пўлат корпусларни ушлаб кўрар эди. У энди бу нарсаларга янгича қарар эди. Бу жонсиз нарсаларга жон кириб, ўзида кўп маъно касб этиб борар, ишчилар, унинг ўртоқлари эса, худди четга чиқиб, кул ранг туман ичида йўқолиб кетаётганга ўхшар эди. Ўртоқлари билан унинг ўртасида тўсатдан баланд девор пайдо бўлди. Бу девор — машиналар, кемалар эди, Нильс Хансен ундан ошиб ўтмасданоқ, ўзини ана шу деворнинг нариги томонида кўрмоқда эди. Бу нарса ҳадемай юз беради...

Хансен сўнгги пайтда юрагини хижил қилаётган шубҳани енгмоқ учун ичкилик ичиб, дадил бўлиб олиш зарурлигини сезиб қолди. Шкафида яна бир неча шиша пиво бор эди. Чироқни ёқмасдан пиволарни шкафдан олди-да, стол ёнига ўтирди. У қоронғида ўткир совуқ пивони ичиб, вақтини чоғ қилди. Шубҳалари аста-секин тарқалиб бормоқда эди. Лекин, бир оз таъби хира бўлди. Ҳарнечук алам қилади-да, энди ўртоқлари билан бу кўҳна катакда бирга ўтира олмайди! Нильс Хансен ҳозир гўё ўтмишига, оддий ишчи бўлган кунлари учун аза тутаётгандек эди. У босиб ўтган йўлига назар ташлаб, ўзининг бу шаҳарга дастлаб ифлос ёғоч кавушда қандай кириб келгани ҳамда верфдан иш ахтарганини эслади. Ўшанда, бу ерда ишлар энди йўлга қўйилаётган эди, ҳақиқий тартиб-интизом йўқ эди, Нильс Хансен бу корхонани ҳозирги ҳолига келтиргунча озмунча меҳнат сарф қилди. Эртага шу қўшган ҳиссаси эвазига мукофот олади... Анови ғаламис айтганидек, келажак фақат унга «қувилишни» ваъда қилиши мумкин эмас-ку. У стол ёнида ўтириб хаёл сураб экан, ўртоқларини раҳбарларга қарши қилиб қўйишга уринадиган одамларга нисбатан тобора ғазаби ортиб борди.

Унинг хизматларини инобатга олгунларича, озмунча вақт ўтгани йўқ, албатта. Верфда ишлаганига ўн йил тўлган маҳалдаёқ у баъзи нарсалар тўғрисида умид қилган эди — бу ўн беш йил илгари юз берган эди. Лекин ўшанда бирдан кризис бошланиб, ҳамма жойда ишчиларни қисқартириш кетаётган эди. Директор алмашти-

рилиб, Нильс Хансен ҳақида ўйлайдиган ҳеч ким бўлмади. Айтгандай кўп ўртоқлари сингари ишдан ажраб қолмагани учун ҳам шукур қилиши керак. Ўз йўли билан буни ҳам мукофот қатори баҳоласа бўлади. Шундай оғир пайтда унга шафқат қилдилар... Улар-ку нима қилишаётганини билишарди-я, лекин шундай бўлсаям, ҳар ҳолда... Хансен ўша вақтдаёқ уларнинг ишончини қозониб, старший ишчи бўлиб олган эди; мана у ҳозирги директор билан ўн беш йилдан бери ишлаб келяпти, бу ҳазил гапми! Корхона кенгайиб, майда-чуйда харажатларни писанд қилмайдиган бўлиб қолди. Нильс Хансеннинг лавозиминингна ошириб қолмасдан, шунингдек унга беш юз крон миқдориди кредит ҳам беришлари мумкин эди. Агнес бу пулни жойини топиб бирпасда сарфлай олар эди. У уй жиҳозларини яхши кўрар эди. Энди ниҳоят узоқ йиллар давомида орзу қилиб келган гиламни сотиб олар экан-да.. Хансеннинг узоқ муддат қандай ишлаб келганини бир ўйласанг, беш юз крон нима деган нарса, бу жудаям катта пул эмас-ку. Балки илтифот қилиб, баъзи нарсаларни қўшишар...

Нильс Хансен бўш шишаларни йиғиб, шкафга қўйди. У ҳар кун пиво ичиб юрмагани учун Агнес, эри ўртоқлари билан юбилейини нишонлаб пиво ичганига хафа бўлмайди. Эрининг кайф қилганини сезгандаям шубҳасиз хушфезллик билан кулиб қўя қолади. Нильс Хансеннинг кайфи сал ошиб қолди. Совқотган баданига ёқимли иссиқ югурди. Ҳозир у эртанги кун муваффақиятига қатъий ишонган, барча шубҳаларини пиво тарқатиб юборган эди.

Нильс Хансен қоронғида туриб нуқул жилмаяр эди. Шу пайтда у хотиним, бола-чақам энди муҳтожлик кўрмайди, деб ўйлар эди. У оила бошлиғи — эр ва ота — оиласининг суянган тоғи. Улар Хансен билан фахрландилар.

Нильс Хансен бирдан коржомасини олиб кетиши кераклигини билиб қолди.

Директор олдига кир-чир коржомаси билан кириш ҳам мумкин-ку, акс ҳолда — «Виола» люкига тоза костюмда тушишига тўғри келади. Бу Агнеснинг эсига келмабди, ўзи ҳам буни ҳозиргина, ҳамма нарса очиқравшан бўлгандан кейин фаҳмлаб қолди. Бутун фикр-хаёли эртанги кун билан банд эди.. Хансен эртага кир кийимда келишни истарди. Шундай қилса яхши ҳамда

камтаринлик бўлади, айтгандек, ўртоқларига ҳам бу иши ёқади, қабул қилишлари ҳам осон кўчади, шунингдек дарров қиёфасини ўзгартириб олибди, деган маломатга ҳам қолмайди. Кейин у шу маҳалгача нима қилиб юрувдинг деб, қоровул Петерсен ҳозир ёпишиб, жонга тегади, деб ўйлади. Бу фикр уни ташвишга солиб қўйди.

Вақт алламаҳал бўлган эди. Темир-терсак уюми устидан ўтиб, девордан ошиб, йўлни қисқартирсамминкин? Хансен, бундай йўл билан қандай қилиб зийрак капрал тумшуғи тагидан ўтиб кетиб бўлади, деб ўйлаб, кулиб юборди. Сўнгра у, ўткир учлари туртиб чиқиб турган темир-терсак уюми устига чиқди. Жуда эҳтиёт бўлиб ўтиб олмаса, қоронғида кийим-бошдан ажралиши мумкин.

Нильс Хансен тахта девор устига чиқиб, энди нариги томонга сакраб тушмоқчи бўлиб турганда, тўсатдан темир-терсак уюми устидан югуриб келаётган ҳайвонни кўриб қолди, кўрди эмас, аниқроғи сезди. «Соқчи ит» — деб кўнглидан ўтказди Нильс ва қўрқувдан аъзойи бада ни музлаб кетди. Қопоғон бўлиши учун гўшт бериб боқилаётган бу лаънати ит худди йиртқич сингари ўлжа тутганидан қувонар эди. Сабил оғзини катта очиб ириллаб, тишларини тиржайтириб, Нильс олдида туриб олди. Сал қимирласа бас, ғажиб, кекирдагини шартта узиб ташлаши аниқ. Петерсен, чироқ тутиб деворни ёритди.

— Тур кет, йўқол, — деб бақирди у. — Вой, бу Нильс Хансен-ку! — қоровул ҳайрон қолди, ҳатто овозиям ўзгариб кетди.

— Ит бурдалаб ташламасин десангиз, яхшиликча пастга тушинг. Ит нима десам қилади!

Петерсен итни олдига чақирди, Нильс Хансен қоровулга яқинроқ бориб, девордан тушди. Ит атрофда айланиб, даҳшат солиб ирилларди.

— Ишончим комилки, тутиб олганимни тушунарсиз. Қочишга заррача ҳаракат қилсангиз ёки қаршилик кўрсатсангиз ит нақ бурдалаб ташлайди, — Петерсеннинг овози буйруқдек, бўлиниб-бўлиниб чиқар эди.

Қаршилик кўрсатиш Нильс Хансеннинг хаёлига ҳам келмаган эди. Ўзи қўрқувдан дир-дир титраб, эгасининг буйруғини кутиб, атрофида айланиб юрган итга кўз қирини ташлаб турар эди.

Петерсен бирмунча вақт Хансенни индамай кузатиб туриб, сўнгра ниҳоят, сўради:

— Нимани ўғирламоқчи эдингиз?

Нильс Хансеннинг жаҳли чиқди. Бу сўроқ эс-ҳушини йиғиб, ўзига келишга ёрдам берди.

— Кўп йиллардан бери шу верфда ишлаб келаётган бир одамни ўғирликда айблайдиган бўлдим деб ўйласангиз, адашасиз, — деди у.

Ит қаттиқ ириллаб, унинг болдиридан олмоқчи бўлар эди.

— Бу лаънати кўппагингни нарига ол, дейман, йўқса тумшуғингга тушириб қоламан!

— Бу ерда неча йилдан бери ишлашингизни мен билмайман, бунинг ишга ҳеч дахли йўқ. Аммо, тун қора кечда девордан ошиб кетаётганингизда тутиб олганимга келсак...

— Ҳали шунақа денг! — Нильс Хансен унинг сўзини бўлди. — Ҳа, мен кетаётган эдим. Бу кўппагингизни нарироқ олинг деяпман, йўқса сиз билан эртага гаплашаман, ҳа.

— И-е, ҳали дўқ ҳам қиялпсизми! — деб ўшқирди Петерсен, лекин у ҳар ҳолда итни чақириб, занжирни бўйинбоғига илиб қўйди. — Кетаётган эдим дейсиз, келишдаям шу йўл билан ўтувдингизми?

— Йўқ, йўқ, мен ўртоқларим билан бирга чиқиб кетган эдим, — деди Нильс Хансен. — Қайтиб келганимнинг боиси шуки, кир коржомамни унутиб қўйибман, эртага... у, «йигирма беш йиллик юбилейим муносабати билан уни алмаштирмоқчи эдим» — дейишига сал қолди, лекин хатосини ўз вақтида пайқаб жим бўлди. Нильс Петерсенга тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, у бунга сазовор бўлмаса қайдан тушунди, деб ўйлади. Эртага янги лавозимга тайинланганимни билса, Петерсен учун қанчалик қаттиқ зарба бўларди-я, деб элбурутдан ҳузур қилди... Ҳозирча у оддий ишчи, баъзи бир ситамларга чидаб туришга мажбур. Лекин бахтига ҳали шундай вақтлар келадики, ўшанда қоровулга устанинг ўзиям айб қўйиши мумкин...

— Қоржомангизни олмоқ учун намунча узоқ юрмангиз? Балки бир нарса ахтаргандирсиз? — Петерсен қайсарлик қилиб суриштирди.

Нильс Хансен «парма станогни ёки пароходни ахтарган эдим» — деб шарт жавоб бермоқчи ҳам бўлди, лекин қоровулнинг жаҳлини чиқармаганим маъқул, у ҳар қан-

дай ёлғон гапням чинга олиши мумкин деб ўйлаб, ошхонада бригададаги ишчилар билан ишбай асосида қилинган ишлар ҳақида гаплашиб, узоқ ўтириб қолдим, деб тушунтирди. Орага жимлик чўкди. Бу жимлик, Петерсен унинг айтган сўзларини ўйлаб кўраётганидан, ёки Нильсинг тушунтиришига инонмоқчи бўлиб турганидан далолат берарди.

— Қандай жин уриб, тўғри йўл турганда, девордан ошмоқчи бўласиз? Виждонингиз покмаслиги шунданам билиниб турибди.

— Бу энди бўлмаган гап,— деди Нильс Хансен,— виждоним пок. Шунчаки, вақт қандай тез ўтиб кетганини сезмай қолибман. Ишбай асосида қилинган ишлар бўйича ҳисобимиз тўғри келмай турган эди. Жуда узоқ ушланиб қолганим учун бутун майдонни босиб юрмай, девордан ўтиб кета қолай, деган эдим, шу йўл яқинроқ кўринган эди.

— Ҳа, майли, — деди Петерсен қуруққина қилиб. — Энди мен билан бирга дарвоза олдига юринг, тўғри йўлдан чиқариб юборай. Ишонаманки, иккинчи марта девордан ошиб тушмасиз.

— Йўқ, йўқ, — деди Нильс Хансен, бу уста шаънига муносиб бўлмаса керак, деб ўйлаб. Кейин у Петерсен билан ит кетидан эргашди. Ит уни ҳақиқатан шубҳали одам деб билди шекилли, ҳушёр тортиб, тишларини иржайтирарди.

— Оббо! — деб юборди Петерсен, улар чироқ ёритиб турган дарвоза олдига боргач. — Ҳалиги унутиб қўйибман деган коржомангизни олволмабсиз-ку, қўлингизда йўқ-ку? Ҳамма айтган баҳоналарингиз сингари буям уйдирма гап экан-да. Назаримда, анчагина кайфнингиз борга ўхшайди, оғзингиздан пиво ҳиди анқиб турибди.

Нильс Хансен довдираб қолди, сўнг «нима, одам ўртоқлари билан ҳам ичолмайдими», деб тўнғиллади. У яна юбилей муносабати билан деб юбораёзди, бироқ вақтида эслаб қолиб жим бўлди, Петерсенга ишонгиси келмади, буни у қатъий билар эди, уни ҳозир кўришга кўзи йўқ, шунинг учун гўё коржомани девордан ошириб юбордим, ёки, аниқроғи итдан қўрқиб тушириб қўйдим, деганга ўхшаш баҳоналарни топиб, ёлғон гапира бошлади. Хансен девордан ошиб ўтган ер анча олисда эди, шу сабабли, у, текшириб кўриш Петерсеннинг эсига ҳам



келмаса керак, деб умид қилган эди, ҳақиқатан Петерсен текшириб кўрмади, чунки у бошлаган обходини охирига етказиши керак эди. Нильс Хансен ҳам бу фалокатдан омон-эсон қутулиб кетаётгандек эди. Балки, у пиво бошини айлантириб қўйиб, дарвозадан чиқариб юбораётган пайтда Петерсенинг тошдек қотган юзидаги шубҳани сезмади. Шунингдек, у «хайрли кеч» дегандаям, бу истак одатдагисидан кўра бирмунча совуқ эшитилганини пайқамади.

«Фиола»нинг паст ва тор ҳужраларнда ишчилар икки букилиб, чўнқайиб ўтириб ишламоқдалар.

Дим ҳавода «Узат» сўзи бўғиқ ва кучли жаранглаб эшитилар эди. Нильс Хансен ҳужраларнинг яхши қурган-қуримаганини текшириб, энг кейинда борар эди. У ифлос сув кириб кетмасин деб, отсеklarдан<sup>1</sup> бирининг тешигига бир лўмбоз лой ёпиштириб қўйди-да, сўнгра чаққонлик билан бошқа отсеkка сакраб ўтди. Олдинмакейин турган отсеklarнинг тешигидан, туннель сингари манзара кўринар, унинг ўртоқлари қўлларида шамлар, асбоблар, супургичалар, темир куракча ва челаклар олиб, ана шу туннелдан юриб борар эдилар. Нафас олишларидан шамларнинг алангаси липиллар эди. Шамлар хира ёнарди, чунки кислород етишмас эди. Ишчилар эгилиб-букилиб, бир-бирларига елкалари, тиззалари тегиб, барча отсеklarдан балчиқ ва сувларни сузиб олиб тугатар эдилар. Нильс Хансен уста бўлса, люкларни кенгайтириш учунгина жон кўйдирмайди, унинг ҳозироқ ўнга яқин тайёр, янги таклифлари борки, бу таклифлар биринчи қарашда аҳамиятсиздек бўлиб кўринса ҳам, лекин шулар туфайли иш шароити яхшиланади, корхона катта маблағни тежайди...

— Бунинг фойдаси катта бўлади, — деб у кечаси Агнесга уқтирди. Агнес эрининг гапига ишонганга ўхшадди, унда ҳам пул мукофот беришларига умид туғилди. Лекин, тўғри, беш юз крондан ортиқ мўлжал қилмади...

Нильс Хансен ўша кеча, оддий ишчи бўлган сўнги кеча ҳеч ухлай олмади. Ҳар ҳолда янги поғонага чиқиб, тўсатдан кўтарилиб қолиш ажаб кўнгилли бўлади-да. Хансен хотинини аллақачон ухлаб қолган деб ўйлаган

<sup>1</sup> Кемаларда алоҳида ажратиб қўйилган жой, ҳужра.

эди, лекин шу маҳал у бирдан шивирлаб, гилам олишга қатъий аҳд қилганини айтиб қолди-ку.

Нильс Хансен нимашидир кутиб турган бўлса ҳам, ўртоқлари чақирган маҳал ҳар ҳолда баданидан электр токи ўтгандек бўлди. Палубада Бёргесен турар эди. Афтидан бирор муҳим воқеа юз берганга ўхшарди.

— Тезда директор олдига боринг, — деди уста.

Шундай қилиб, Бёргесеннинг ҳам ҳеч нарсадан хабари йўқ. «Бу унга бир сюрприз бўлади» — деб кўнглидан ўтказди Нильс Хансен. Ошхонада иш кийимини алмаштириб, у ёқ-бу ёғини тузатаётган пайтда, ҳаяжондан унинг боши айланар, қўллари қалтирар эди.

— Қандай иш билан келдингиз? — деди директор қабулхонасида ўтирган контора ходими.

— Директор чақирибди, — деди Нильс Хансен, овозига устага мос келадиган оҳанг беришга уриниб, лекин у умуман ёш контора ходими билан бунақа кеккайиб гаплашишни хоҳламас эди.

— Ҳа, Нильс Хансен сиз бўласизми? — деб сўради контора ходими.

Нильс Хансен «ҳа» дегандек бош ирғатди, шунда контора ходими, тепада, хира ойнада «Директор» дейилган ёзувли эшикка томон юрди. У эшикни тақиллатди.

— Директор кутяпти, кириг.

Бу овоз ёқимли эшитилиб, Нильс Хансеннинг кўнгли жойига тушди. У, йирик корхонанинг бошлиқлари билан бир хонада биринчи бор холи бўлишини ўйлаб, ҳаяжонлана бошлаган эди, тўсатдан хаёлига: гул тақдим этишармикин, деган фикр келиб қолди-ю, тинчланди. Унга гуллар тақдим этишлари лозим эди, албатта. Ҳар йилига биттадан бўлсаям... жами йигирма бешта бўларкан. Декабрь ойида гуллар жуда қиммат бўлишига қарамай, унга гул тақдим этишса, бунинг ажабланидиган ери йўқ деб Агнес айтганди, шекилли. Бошлиқлар гул масаласини ҳам ҳал қилиб қўйган бўлишлари мумкин. Нильс мени директор чақирган пайт, (директор тушки танаффусдан бир соат илгари одамларни қабул қиларди) Агнес дарвоза олдига келади-да, гулларни уйга олиб кетади, деб мўлжаллаган эди. Ҳозир худди шу пайт келган эди, эҳтимол, Агнес дарвоза олдида кутиб тургандир.

Аммо бу каттакон хонада гулдан дарак йўқ, деворларига верфь ташкил этилгандан бери ясалган барча кемаларнинг фотосурати осиб ташланган. Нильс Хансен, ҳар

бир кемани қуришда менинг ҳам ҳиссам бор, деб ўйлади. Унинг ёрдамсиз кема ҳозир деңгизларда сузмайди. Нақ шу вақт хонада директорнинг ёлғиз ўзи ўтирганини сезиб қолди; Нильс Хансен бўлса негадир, мени янги лавозимга тайинлаш пайтида бошлиқлардан бошқа баъзи жапоблар ҳам қатнашади, деб ўйлаганди.

— Директор меҳрибонлик қилиб каминани чақиртирган эканлар, — деб гап бошлади у, — Нильс Хансен менман...

Катта стол олдида Хансеига ённи ўгириб ўтирган директор Хансен гапирганда чўчиб тушди. Яرمىси чекилиб, лабига ёпиштириб қўйилгандек, оғзининг бир чеккасидан чиқиб турган сигарасини тишлаб олди. Директор ишчига кўз қирини ташлади-да, столига қараб, қоғозни қўли билан бекитди, бу шу бугундан бошлаб устага янги ёрдамчи қилиб тайинлаш ҳақидаги буйруқ бўлиши ҳам мумкин. Бироқ, директор кўз қирини ташлашда нимадир Нильс Хансенин қўрқитиб юборди. Бу қўрқиш ундаги ишончни йўқотди-ю, қалтираб кетди. Директор оғзидан эшитилган сўзлар кўнгилдагидек бўлмади, бутун вужудини музлатиб юборди.

Дарвозабон Петерсен қилган қабиҳликни қарагани, ёзган рапорти директор столи устида турибди-я!.. Нильс Хансен, ишим чаппасига кетганига Петерсен сабабчи бўлди, деб ҳисоблаганида тамоман ҳақ эканига кейинчалик ҳам астойдил ишониб юрди. Хансен ўтган кеча ўзини энди оддий ишчи эмасман, деб ҳисоблашида ҳеч қандай асос йўқ эди. Бунга иқрор бўлишни истамаса-да, алам билан бўйнига олишга мажбур эди. Нима бўбди, шуниси аниқки, у шунча вақт ишлаб қоровул Петерсен сабаб бўлди-ю, директор ҳузурига биринчи марта кирди. Шу ерда Нильс Хансен, орзуси ушалмай қолишга оёқ остидан чиқиб қолган тасодиф сабаб бўлди, деб ўйлайдиган кўпгина одамлар кўйига тушиб қолди...

Сухбат тугади. Нильс Хансен ўзини тутолмади, у шу қадар ҳаяжонланган эдики, на қаршилиқ кўрсатар ва на ўзини ҳимоя қила оларди. У ғазабни қайтаб шундай тутақиб кетдики, асти қўяверинг. Оғзида сигара тишлаб турган бу ҳиссиз, бадбашара одамга ташланишга ўзида зўр иштиёқ сездди, лекин бу истаги амалга ошмай қолди, чунки у ишчи эди, хотини, болалари ҳақида ўйлаши керак эди. Уни верфь мулкига қасд қилган ўғри сифатида қоралаш-

ган ана шу дақиқаларда ўзига ўзи бундай деди: «Ўзингни қўлга ол, ғазабингни бос, бу одам болаларингни ризқига завол бўлишга қодир. Бўйнингни ҳам қил. Сенга қарши далиллари бор, сен унга қаршилиқ кўрсата олмайсан. Еш эмассанки бирор мартабали одам бўлишга умид боғласанг, трюм каламуши бўлиб юришдан бошқага ярамайсан».

Унга: «Агарда шу ҳол яна такрорланса, сизни ишдан бўшатиш хавфи туради» деган ҳукм чиқаришди. Бёргесен Хансен ҳақида бирор ёмон гап айтмагани учун ҳам, кўрилган чора шу бўлди.

«Унга даъвом йўқ!..» Нильс Хансен кўчада, контора биноси олдида турар экан, унсиз кулиб, пиқиллаб йиғлагандек қалтирар эди... Унга даъвом йўқ эмиш!.. Шундай деб туриб яна ўғирликда айблаб ўтиришганини қара-я!.. Ана, сенга гуллару... йигирма беш йил ишлаганинг учун мукофот...

Хансен тўсатдан Агнесни кўриб қолди. У панжарали дарвоза орқасида туриб имлаб чақирди. Хансеннинг контора биносидан қандай чиққанини кўриб, Агнес барча умидлар амалга ошибди-да, деб ўйлади. Эри паришонхотир қўл силтади, аммо Агнес тушунмай, яқинроқ келди. У ҳам дарвоза олдида борди, ҳозир иккисини панжарагина ажратиб турарди.

Хансен панжарани ушлаб, гўё бу панжара турма панжарасидек уни эркин дунёдан ажратиб тургандек, тутуқиб, жон-жаҳди билан панжарани силтади-да, хотинига шивирлади:

— Уйга кетавер Агнес... Ҳеч гап йўқ... Гул қаёқда дейсан...

# ИСЛАНД

# ҲИКОЯЛАРИ

Гуннар Гуннарссон

## УҒИЛ



Кичкина балиқчи посёлқаси яқинида ота-бола яшарди. Уларнинг иккаловини ҳам Сньольфур дердилар. Одамлар бу номга «катта» ёки «кичик» сўзини қўшиб аташарди, бироқ, ўзлари бир-бирларини тўғри отини айтиб чақиришга ўрганиб қолишганди. Шундай қилишганда улар ўзларини янада яқинроқ сезардилар. Катта Сньольфур элликдан ошиб қолган, кичкина Сньольфур эса энди ўн икки ёшга тўлганди.

Кичкина Сньольфур эсини танигандан бери отасидан ҳеч ажралмаган, ундан бир қадам ҳам нари кетмаган, иккови бирга кичик уйчада истиқомат қилиб келарди.

Катта Сньольфур бундан ўн уч йил бурун катта бир хутор эгасилигини, хотини ва учта азамат ўғли борлигини ҳеч унутмасдилар.

Кутилмаганда бошига фалокат тушди. Сньольфурнинг бутун моллари вабо тегиб, қирилиб кетди. Сўнгра ўғиллари кўкйўтал билан оғриб, учови ҳам қаза қилди. Уч бола бир кунда олдинма-кейин дунёдан ўтди, учаласини ҳам бир тобутга солиб кўмдилар. Сньольфур қарзини узиш мақсадида хуторини сотди. Кейин балиқчи посёлқаси яқинидан бир парча ер сотиб олди, у ер шундай дёнгизга туртиб чиқиб турарди. Сньольфурнинг ўзи ёшт ва торфлардан икки хонали уйча қуриб олди, ёнига балиқ асрайдиган жой солди. Қолган пулига эскирган қайиқ сотиб олди. Сньольфур билан хотини учун ҳаддан ташқари оғир, мусибатли ҳаёт бошланди. Улар оғир иш-

ларга кўниқиб қолган эдилар, илгари ҳам тинмай ишлардилар, аммо у вақтда қашшоқликни ва ризқи-рўз ташвишини билмас эдилар. Энди бўлса денгиздан озиқ-овқат топишга тўғри келар, каттакон денгиз эса сахийлик қилмас, бирор нарса ундириш гоят оғир эди. Улар оч ётиб қолган кунлари ҳам кўп бўлар, кийим-кечакка эса умуман пул бўлмас эди.

Сньольфурнинг хотини ёз пайтларида савдогарга балиқ қуритадиган бўлиб ёлланарди. Бироқ, ҳамма вақт ҳам ҳаво яхши бўлавермас, шу сабабдан ҳам иш ҳақи кам тегар, кўпга етмасди. Ҳарна бўлса ҳам эримга кўпроқ қолсин деб, бечора ўзига тегадиган бир бурда поининг ҳам баҳридан ўтар, Сньольфур эса бундан беҳабар эди. Кун сайин аёлга ишлаш оғирлашиб бораверди, у ориқлаб жуда ҳолдан кетди. Сўнгра ўғил тугди, боланинг отини Сньольфур деб аташларини орзу қилди. Кўзи ёригандан кейин орадан бир неча кун ўтгач, вафот этди. Шу пайтдан бошлаб ота-бола иккаласи ўша уйчада ёлғиз истиқомат қилиб келардилар.

Кичкина Сньольфур, кун бўйи уйда ёлғиз қолиб кетганини, юраги сиқилиб, ночор аҳволга тушиб, йиғлаб ўтирган пайтларини эс-эс биларди. Қарайдиган ҳеч кими йўқ эди, гўдакни денгизга олиб кетишдан отаси қўрқарди. Катта Сньольфур болани каравот поясига боғлаб, гўдак ўзини ярадор қилиши мумкин бўлган ҳамма нарсаларни йиғиштириб кетарди. Отаси ҳар куни эрталаб ўғлини ёлғиз қолдириб, иккалови учун овқат топгани жўшарди.

Бола денгизда ўтган ажойиб қуёшли кунларни жуда яхши эсларди. Маиа у қайиқнинг қуйруқ томонида ўтирибди, отаси бўлса сувдан ялтироқ балиқчаларни тортиб оляпти. Қайиқ тўлқинда секин тебраниб уни аллалаб ухлатади.

Ҳавонинг қовоғи солиқ, серёғин кунлари катта Сньольфур денгизга бир ўзи кетган пайтлар ҳам бўларди.

Кейин бола вояга етгач, ҳар қанақа ҳавода ҳам у отаси билан денгизга бирга чиқди, шу-шу бир-бирларидан ҳеч ажралмайдиган бўлдилар. Улар беш минут ҳам ёлғиз туролмасдилар. Агар биттаси кечаси уйқусидан уйғонса, шу заҳоти иккинчиси ҳам ўрнидан ирғиб турарди. Агар биттаси уйқусида безовта бўлса, иккинчиси ҳам нотинч ухларди. Буларни кўрган киши, улар ҳеч гаплашиб тўймайдилар, шунинг учун бир-бирларидан ажрал-

майдилар, деб ўйлаши ҳам мумкин эди. Лекин, мутлақо бундай эмас, улар бир-бировларини сўзсиз ҳам яхши тушунардилар. Кўз қирини ташласа, имо қилса бас, ҳамма нарса равшан бўларди-қоларди. Ота-бола баъзан кун бўйи икки-уч оғиз сўз билан кифояланардилар. Иккала-си жуда яхши яшарди.

Катта Сньольфур ўғлига фақат бир нарсани, гоҳида ҳатто ҳеч қанақа сабабсиз ҳам уқтиргани-уқтирган эди: киши ўз вазифасини ҳалоллик билан бажариши ва ҳеч кимдан қарздор бўлмаслиги керак, қолган нарсалар ўз-ўзидан бўла беради, дерди. Ота-бола дўконга пулсиз бориб, қарзга нарса сўрашдан, оч-наҳор юришни минг марта афзал кўрардилар. Улар эски қоплардан кийим-бош тикиб олиб, то титилиб, тўзиб кетмагунча кийишар, лекин қарзга, зинҳор, ҳеч нарса олмасдилар.

Ҳамма қўшнилари — бири кўп, бири оз бойдан қарздор эдилар. Албатта, улар қарзини секин-аста узардилар, лекин кўпларга охиригача узиш nasib бўлмасди. Бола эсини танигандан бери Сньольфурнинг ҳеч кимдан бир чақа қарзи йўқ эди. Ўз вақтида бойда счёти бор эди, лекин бундан ўғлининг ҳеч хабари йўқ эди.

Улар ёзда ҳар нарсани тежаб, қишнинг ғамини ердилар, чунки қишда довуллар ва қаттиқ совуқлар туриб, денгизга балиқ овига чиқишнинг иложи бўлмай қоларди. Ёзда балиқларни қуритиб олардилар; озиқ-овқат, бир оз пул ғамламоқ учун тутган балиқларининг оз қисмини савдогарга сотардилар. Бироқ қиш ҳамма топган-тутганларини ютиб кетар, гоҳо ғамлаган нарсалари етмай қоларди. Улар оч қолмаган баҳор камдан-кам бўларди. Ҳаво яхши бўлган кунлари денгизга чиқишар, аммо кўп вақт қуруқ қайтардилар, овдан келишаётганда қайиқ тагида атиги бир неча балиқча типирлаб турарди. Шундай бўлса ҳам улар ҳеч қачон нолишмас, кайфиятлари ҳар доим бирдек эди, муваффақиятсизликларга дуч келишсаям, арзимас хурсандчиликлар бўлсаям, ота-бола ўзларини йўқотмасдилар. Улар ҳеч кимдан қарздор эмасдилар. Энг муҳими шу! Агар бугунга егулик нарса бўлмаса, уларнинг ғамини худованди каримнинг ўзи ейди, ризқиларини эртага... ёки индинга етказида...

Хуллас, улар учун энг оғир вақт баҳор бўларди. Баҳорда озиб-тўзиб кетишарди. Уйқуларида ҳаловат бўлмас, нотинч ухлардилар, кўз юммаган кечалари ҳам бўларди. Бу йил баҳор жуда совуқ ва серёгин келди. Ҳар

куни кучли шамол туради, ахир катта Сньольфур бошига яна бахтсизлик тушди.

Бир куни азонда уйчани қор уюми босиб қолди. Ота-бола қор тагида қолдилар. Кичкина Сньольфур қандайдир мўъжиза билан қор уюми тагидан чиқиб олди. Отасини қор тагидан суғуриб олишга кучи етмаслигини фаҳмлаган бола ёрдам сўрагани посёлкага югурди. Ёрдам келди, лекин фурсат қўлдан кетган эди. Катта Сньольфур димиқиб ўлиб қолганди, унинг жасадини тортиб олишди.

Чанада шаҳарга олиб кетиш мақсадида, мурдани баланд қоя этагига, ялпоқ тош устига қўйишди. Кичкина Сньольфур отаси олдида узоқ турди, ёпишиб қолган оппоқ сочларини силади, кейин нимадир деб шундай секин шивирладикки, нима деганини ҳеч ким эшитолмади. Лекин боланинг кўзидан қатра ёш чиқмади. Отасининг ўлиги тепасида туриб, шундай ёш бола йиғламаганига одамлар ҳайрон қолдилар. Йўқ, Сньольфур раҳм қилишга арзимайдиган тошюрак бола, эътибор бермаслик керак, дедилар.

Одамлар чана олиб келгани, ҳамда йўл-йўлакай ноушта қилиб олгани кетишди, бурунда Сньольфурнинг ёлғиз ўзи қолди. Қор уюми оғирлашгач, эскирган иморат бутунлай қулаб тушди. У ер-бу ерда тўсинлар, уйдаги лаш-лушлар туртиб чиқиб турарди. Кичкина Сньольфур соҳилга тушиб қайиққа қарасаки, ундан фақат пайрахалар қолибди. Бола хафа бўлди, лекин йиғламади.

Сўнгра у отасининг жасади олдига келиб тошга ўтирди. «Ёмон бўлди,— деб ўйлади у.— Қайиқ бутун бўлган даям сотиш мумкин эди. Ахир дафн этиш учун пул тўлаш керак бўлади-ку». Буни у яхши биларди. Катта Сньольфур кўпинча одамни қавм ҳисобига кўмиш—номус,— дер эди.— Ер қарида ҳам виждон билан ётиш керак! У ўғлига яна, иккаламиз ҳам, хотиржам оёқ узатиб ўлишимиз мумкин: одамлар уйчамизни, еримизни, асбоб-ускуналаримизни сотади-да, пулига бизни кўмади,— деган эди. Аммо ҳозир ердан бўлак ҳамма нарсалари барбод бўлган эди.

У энди бу ерни қандай дотади, пулига қандай қилиб бирон нарса олади! Кичкина Сньольфурга бу ер ҳеч қандай қимматга эга эмасдек туюлди... Ҳа, эсидан чиқаёзибди! Егулик ҳеч нарсаси йўқ-ку, очидан ўлиб кетар-



микин-а. Соҳилга тушиб, ўзини сувга ташлаши керак — энг тўғри йўл шу! Лекин бундай қилса уни ҳам, отасини ҳам қавм ҳисобига кўмадилар-да. Энди у ҳам ўзи, ҳам отаси учун жавобгар. Нима, у шундай шармандаликни бўйнига оладими: ўзларини номусга қолдирадими? Кичкина Сньольфур шу пайтгача бунчалик оғир ташвишни билмаган эди. Уй ўйлайвериб боши торс ёрилиб кетаёзди. Нима қилсин? Бола жуда ночор аҳволда қолди.

Қаерда тунайди? Ташқари ниҳоятда совуқ. Яна янги ташвиш чиқиб қолди! Бола тўсин ва тахталарни йиғди-да, отамнинг жасади очикда турмасин деб чайлага ўхшаш бир нарса ясади, кейин устига кўҳна елкални тортиди, иссиқ бўлсин деб қордан девор қилди. У отамни шу ерда бир печа кун сақлашга рухсат этишади деб умид боғлади.

Бола ишини тугатиб, мурда ёнига ўтирди. Ниҳоятда чарчагани, очлиги уйқусини келтирди.

Лекин кўмиш харажатларини қандай тўлайди-а? Ташвишли бир фикр боланинг уйқусини қочириб юборди. Қўққисдан бир фикр хаёлига келди-ю, чарчаганлигидан асар қолмади. У чайладан отилиб чиқиб, шаҳарга югуриб кетди. Уткинчиларга эътибор бермай, тўғри дўкондор ҳовлисига қараб чопди. Шунинг учун ҳам Сньольфур дуч келган одамлар унчалик илтифот билан қарамаганини сезмади. «Бағритош бола, бир қатра кўз ёши тўкмади-я!»— дейишди улар. Сньольфур, дўкондор уйига бориб, иккиланиб турмай дангал дўконга кирди-да, катта одамлардек, хўжайин билан гаплашсам мумкинми, деб сўради. Приказчик болага ҳайрат билан қаради, бироқ шундай бўлса ҳам контора эшигини тақиллатди. Дўкондор чиқиб, кичкина Сньольфурга диққат билан қараб олди-да, ичкарига таклиф этди.

Кичкина Сньольфур шапкасини дўкон пештахтасига қўйиб, кейин конторага кирди.

— Хўш, қани нима ишинг бор, болагина?— деб сўради дўкондор.

Кичкина Сньольфур аввал довдираб қолди, ксйин ўзини тутиб олиб, жиддий жавоб берди.

— Қайиқ бойлаб қўядиган жойимиз сеникидан яхшилигини ўзинг биласан.— Бола жиддий қиёфада, хотиржам гапиришидан дўкондор бенхтнёр илжайиб қўйди.— Агар балиқчиларинг ёз пайтида қайиқ боғлайдиган жойимиздан фойдаланишса, менга неча пул берасан?

— Сендан бурунни кўтара сотиб олсам яхши эмасми?— деди дўкондор, кулгисини босишга тиришиб.

— Йўқ,— деди бола,— кейин ўзим қаёққа бораман.

— Уша ерда қолишинг мумкин... Рухсат берардим.

— Ёзда уйча қуриб оламан, ҳозирча чайла тикиб олдим. Биласанми, отам вафот этди, қайиғим синиб қолди. Бу йил ёзда балиқ овлай олмайман, шунинг учун агар қайиқ боғлайдиган жой керак бўлса, ижарага беришга тайёрман. Эсингда бордир, ўтган йили ёзда балиқчиларинг кўпинча овга чиқишмасди, биз отам иккимиз эса денгизга чиқиб кетардик. Қайиқ боғлайдиган жойинг бизникидан ёмон бўлгани учун шундай бўларди. Отам шунақа дерди менга.

— Ижарага қанча оласан?— деб дўкондор қизиқсинди.

— Тобут билан отамни қавм ёрдамисиз дафи этишга етса, бас.

Дўкондор ўрнидан туриб, болага қўл узатди.

— Бўпти. Шунга келишдик. Мен тобут ва бошқа нарсалар тараддудини қиламан. Хотиржам бўл.— Дўкондор, кичкина Сньольфурга гап тамом дегандек имо қилиб, эшик томон юрди.

Лекин бола унинг ниятини тушунган бўлса ҳам, индамай тураверди.

— Дўконингга баҳорги моллар қачон келиб тушиши керак?— деди у ҳануз ўшандай жиддий оҳангда.

— Менингча, индинга ёки ҳеч бўлмаганда шу яқин кунларда кела бошлаши керак,— деб жавоб берди дўкондор, бола нимага ишора қилиб, бундай деяётганига ҳайрон бўлиб, кейин юз ифодасидан бола яна нима демоқчилигини уқиб олишга ҳаракат қилиб, ўн икки ёшли болага диққат билан қаради.

— Магазинингга ўтган йилдагидек дастёр бола керак бўлмайдами?— деди кичкина Сньольфур.

— Керак, лекин сендан каттароқ бола керак,— деди дўкондор энди барала кулиб.

— Мен билан бир минутга ташқарига чиқмайсанми?— деди кичкина Сньольфур.

Афтидан, у шунақа жавобни кутган эди. Дўкондор ҳайрон бўлиб бошини қимирлатиб қўйди, лекин шундай бўлса ҳам, у болага эргашди. Улар дўкондан чиқиб, баландликка бориб тўхтадилар. Кичкина Сньольфур индамасдан қўлқопини ечиб, катта тош олдига борди-да,

энгашиб, тошни андак кўтариб, яна ерга ташлади. Кейин дўкондорга ўгирилиб деди:

— Утган йили сенда ишлаган бола бундай қилолмасди. Кўтараман деб бир иеча марта уриниб кўрганнинг ўзим кўрганман, лекин кўтара олмаганди.

— Начора,— дўкондор жилмайди.— Сен шундай кучли экансан, ҳали конфирмациядан ўтмаган бўлсанг ҳам олсам ола қолай.

— Демак, овқатимниям берасан-а? Уша болага берганчалик ҳақ ҳам тўлайсанми? — деди кичкина Сньольфур.

— Ҳа, албатта.

— Жуда соз. Демак, қавм ёрдамини олмасам ҳам бўларкан,— деб кичкина Сньольфур енгил нафас олди.— Агар одам овқати билан уст-бошини ўзи топадиган бўлса, қавмга мурожаат қилишнинг ҳеч ҳожати йўқ,— деб тушунтирди у. Бола бошидан шапкасини олиб, дўкондорга қўл узатди, катта Сньольфур шундай қиларди.— Хайр,— деди у.— Демак, мен индинга келаман.

— Бир минутга бу ёққа кирайлик-чи,— деди дўкондор.

У кухня эшигин олдига бориб, аввал кичкина Сньольфурни ичкари киргизди-да, кейин овқатланиб олмайсанми, деб сўради. Бироқ, Сньольфур қатъий рад этиб, йўқ деб туриб олди.

— Нима, овқат егинг йўқми? — деди дўкондор.

— Овқат егим-ку бор-а;— боланинг овози сал-пал қалтираб кетди, лекин у ўзини тутиб олди, лаззатли таомлар ҳиди иштаҳасини яна ҳам карнай қилиб юборган эди, бироқ, у бўш келмади.— Лекин мен тиланчилик қилишни истамайман.

Дўкондор боланинг олдига бориб, бошини силади, овқатни хонага олиб келишсин, деб имо қилиб, ўзи ҳам Сньольфур билан бирга ичкарига кирди.

— Отанг танишлари келганда кофе ёки ароқ билан меҳмон қилганини кўргандирсан-а?

— Ҳа,— деди Сньольфур.

— Мана кўрдингми, меҳмонларни зиёфат қилиш керак. Агар меҳмонлар зиёфатдан бош тортса, улар билан алоқа узилади. Сен зиёфатимни ейишнинг керак. Иккимиз жуда муҳим иш ҳақида келишиб олдик, агар меҳмоним бўлишдан бош тортсанг, унда бу ишнинг оқибати муваффақиятсизлик билан тугаши мумкин.

— Майли, шундай бўлса, ейишга тўғри келади, — деб Сньольфур уҳ тортди. У жиддий ва ўйчан эди. — Одам доим ўз бурчини ҳалоллик билан бажариши ва ҳеч кимдан қарздор бўлмаслиги керак. Қолгани бўлаверади.

— Ҳа, отангга раҳмат, бу олтин сўз, — деди дўкондор ва кулгиси қистаб чўнтагидан рўмолчасини олди. Бу бола ҳам кулгингни қистатади, ҳам кўзингдан ёш оқизади. — Оҳ, бу асабларни-ей! — у ўзича тўнғилларкан, боланинг бошини силаб овозини баландлатиб қўшиб қўйди: — Ҳа, оҳингни худонинг ўзи эшитсин, болагина.

Ёш Сньольфур дўкондорнинг бу ғалати хатти-ҳаракатини ҳайрат билан кузатиб турарди. У аввалига индамай, кейин бундай деди:

— Катта Сньольфур ҳеч йиғламасди, — деди, кейин у бир оз индамай туриб, қўшимча қилди: — Мен ҳам болалигимдан бери... отам ўлганда жуда йиғлагим келди-ю, лекин унга ёқмайди, деб қўрқиб йиғламадим. Ўзимни тутдим...

Шундай деди-ю, Кичкина Сньольфур ҳўнграб йиглаб юбориб, ўзини дўкондор кўксига ташлади.

*Халлдор Лакснесс*

Л И Л Ъ Я

НЕБУКАДНЕСАР НЕБУКАДНЕСАРССОННИНГ ҲАЕТИ  
ВА УЛИМИ ҲАҚИДА ҲИКОЯТ



Китобхонлар ҳикоямга эътибор берсинлар ва: «О, бу жуда қизиқ ҳикоя бўлиши керак!»— деб ўйласинлар деган маънодагина бу одамнинг номини атайлаб шундай айтаяпман. Йўқса фақат Н. Н. деб исми шарифининг бош ҳарфларини қўйишим ҳам мумкин эди, чунки ростини айтганда, унинг оти нималигини унутиб қўйганман ёки тўғрироғи, ҳеч қачон билмаганман. Бироқ, исми шарифи нималиги билан бизнинг қанчалик ишимиз бор? Китобхон пайқадикки, бу ерда яна бир бошқа исм бор, аслини суриштирганда, ҳамма гап худди ана шу ном устида боради.

Мен сизга ҳикоя қилиб берадиган қисса жуда узоқ, ниҳоят даражада узоқ. Шу даража узоқки, ҳатто ўйласанг юрагинг орқангга тортиб кетади. Бу ҳикоятнинг бошланиши мен қайси бир вақтлар эшитган энг қисқа куйларнинг бирига боғлиқ жойи бор. Уни ҳатто куй ҳам деб бўлмайди, тўғрироғи парча, аккорд учун бирмунча узунлик қилса ҳам, ҳар ҳолда қайси бир куйнинг охири аккорди бўлиши керак. Шунинг учун тўғри ақл юргизиб, у куй бирор машҳур композитор симфониясининг охири эканлигини тасаввур этиб олиш мумкин. Мен композитор бўлиш орзусида юрган дўстларимдан бирини ана шу куй билан таништирдим. Ушанда илҳомим келган вақтда шу куй асосида симфония ёзаман ва дунёда, Снефеллснес аҳолисидан бирининг қалбида

туғилған темага ҳавас уйғотаман, деб аҳд қилиб қўйган эдим.

Энди қулоқ беринг.

Бу воқеа юз берган пайтда мен Рейкьявикда эдим, бир кулбачада истиқомат қилиб, мактабда ўқиб юрардим. Кулбача ёнида қўшни уйнинг қозонхонаси бор бўлиб, орамизни фақат ўртадаги юпқа тўсиқ ажратиб турарди. Бу куйни қозонхонада одатда кечқурун, қозон кечасиликка тўлдирилаётган пайтда кимдир хиргойи қилганини қиш маҳалида тез-тез эшитардим. Бу куйни кимдир, ғамгин, чўзиқ овоз билан аччиқ ичакдек чўзиб такрорлагани-такрорлаган эди. Ашула айтувчи куйнинг сўнгги ноталарига келганда нафас олишни унутиб қўярди чоғи, товуш бирдан узилиб қолиб, шундай жимжитлик чўкардики, гўё хиргойи қилувчи одам ҳам қўшиқ билан бирга ўлиб қолганга ўхшаб туюларди. Лекин бир оздан кейин яна гинғиллаган овоз эшитиларди, бўлиниб-бўлиниб аста-секин куйга айланиб борарди. Унинг овози хириллаган, дўриллаган бўлишига қарамасдан, бу куй ижро этувчининг қалбида ҳамон яшаётгани сезилиб турарди. У одам вақти билан бир катта симфония бўлади деб айтганимиз шу оҳанрабо куйга ўзининг бутун қалб ҳароратини тўкиб солганга ўхшарди.

Хуллас, бу куйни бутун қиш бўйи кечки жимликда кимдир менга узлуксиз айтиб бериб турарди. Бир кун бу ашулани кечқурунлари ким айтишини билиб олиш пайига тушдим, билиб ҳам олдим, уни ўт ёқувчи айтар экан. Ярим кечада уйга кетарди.

Бир куни кечқурун қозонхонага кирдим. Очиқ ўчоқ ичида кўмир лахча чўғ бўлиб ловуллаб ёнарди. Небукад-несар Небукаднесарссон ўчоқ олдида ўтириб олиб, мароқ билан ашула айтар, қоронғида зўрға кўри-нарди.

— Салом,— дедим.

— Салом,— қоронғида қариларга хос, хирилдоқ овоз эшитилди.

— Бу ер иссиқ ва зап яхши жой экан-да,— дедим мен.

— Кетадиган вақтим бўлди.

— Нима, бу ерда турмайсанми?

— Йўқ,— деди ўт ёқувчи.

— Шунақами. Лекин бу ерда кечқурунлари ашула айтганингни тез-тез эшитиб тураман-ку.

— Мен ашула айтмайман,— деб тўнғиллади у.

— Ҳар ҳолда ашулангни тез-тез эшитаман,— деб мен қатъий туриб олдим.

— Бўлмаган гап. Мен ҳеч қачон ашула айтишни билмаганман.

— Ҳатто куйнгача эсда сақлаб қолганман-ку,— деб эътироз этдим мен.

Ут ёқувчи очикдан-очиқ мендан қутулмоқчи бўлиб, ўзича нимадир деб тўнғиллаб қўйди.

— Ке, қўй; сени безовта қилмайин,— дедим.

— Бориб ухлаш керак,— деди у ва чиқиб кетди.

Менга кунларнинг бирида соҳилда тошлар орасида турган пианино қутисини кўрсатишди. Небукаднесар Небукаднесарссон, у маҳалда совуқ ва қор бўронлари ўкириб турган бўлса ҳам, шу қути ичида тиқилиб яшаркан. «Бу чол музика асбоби қутиси ичида яшагани учун ҳам бунчалик хушовоз экан-да!»— деб ўйладим.

Бир неча кун қозонхонадан кечқурунлари овоз чиқмади. Чол мени унутиб юборди шекилли, бир неча вақтдан кейин яна аввалгидек паст, босиқ овоз билан ашула айта бошлади. Мен яна унинг олдига кирдим.

— Салом.

— Салом.

— Ашула айтдинг, эшитдим.

— Йўқ,— деди у.

— Бу куйни қаерда ўргангансан?

— Куйни? Бу ҳеч куй эмас-да.

— Доим айнан бир хил ашула айтасан-а.

— Ашула айтиш қаёқда,— деди у.— Мен ашула айтишни билмаганман, билмайман ҳам. Лекин бир замонлар ашулачи бўлишни жуда яхши кўрардим. У даврлар ўтиб кетди. Ҳозир эсимгаям тушмайди. Ут ёқиб, ўчоқ олдига ўтиришнинг ҳам ўзгашти бор.

— Қаёқдан бўласан?— дедим.

— Фарбдан.

— Яъни?

— Улафсвикдан.

— Яхши жойми?

— Бошқа жойлардагидек Улафсвикда ҳам тўлқиннинг қирғоққа урилиши жуда кучли бўлади,— деди у.

— Фарбда қариндош-уруғларинг борми?

— Улиб кетишган.

— Нима сабабдан Рейкьявикка келиб қолгансан?

Ут ёқувчи анча вақт индамай туриб, ниҳоят, жавоб берди.

— Гарбда ҳеч нима қолмаган, ҳеч нима...

— Рейкьявикка келиб тўғри иш қилибсан, албатта,— дедим.

— Мамлакатда Рейкьявикни яхши шаҳар деб билдим.

У ўчоқ олдида, яшиқ устида индамай ўтирарди. Бу сафар қозонхона ёруғ, шу сабабдан у этигининг йиртиқларини бемалол кўра оларди.

— Бу ерда, жанубда дастлабки кечани мозорда тунаб ўтказдим,— деб қўйди у, ниҳоят.

— Шунақами,— ҳайрон бўлдим ва уни юпатмоқчи бўлиб:— Ҳозир кўп одамлар мозорда тунаяпти, яна бир кун эмас, сурункасига,— деб қўшиб қўйдим.

— Ҳа,— деди у гапимга қўшилиб.

Чолнинг юзида аллақандай кин нарсалар қотиб қолган, оппоқ соқоллари чигал бўлиб кетган эди.

— Этигинг йиртилиб кетибди-ку,— дедим.

— Йўғ-э, ҳали унчалик ёмон эмас-ку, бу этикни бурноғи йили Ватнемиридан топиб олганман. Торьф ботқоғида биронтанинг эсидан чиқиб қолган бўлса керак.

Чол ўрнидан туриб, печь нарёғида илмоқда осиглик шляпасини олди. Бу савдогарлар киядиган қалпоқ эди. Бари эскирса ёки тепасини боласи тешиб қўйса, одатда, бунақа шляпани одамлар ахлат яшикларга ташлаб юбордилар.

— Шляпангни кўрсам майлими?— дедим.

Шляпа тешиги шу қадар катта эдики, унга ёш боланинг муштуми бемалол сиғарди.

— Жуда эски шляпа экан,— дедим ва тешигидан чироққа қарадим.— Афтидан, бир вақтлари яхши бўлган кўринади.— Шляпани чолга қайтиб бердим, у ҳам тешигидан чироққа қаради.

— Шляпаси тешигидан ҳамма ҳам осмондаги хўжасини кўравермайди-да,— деб, у жилмайиб қўйди. Шу пайтда мен оғзида бор-йўғи битта тиши борлигини сезиб қолдим.

Мана, ниҳоят, оромбахш баҳор ҳам етиб келди. Айни баҳорда ўтириб имтиҳонларга тайёргарлик кўриш лозим бўлган бир пайтда деразадан каллангни чиқариб, кўчада юз берадиган ҳодисаларни кузатиб туришга жуда ҳавасинг келиб қолади. Ҳар қанақа арзимас нарса



ҳам мароқли ва катта фалсафий маънога тўлага ўхшаб туюлади.

Иккинчи қаватдаги квартирага янги одамлар кўчиб кирди. Мен бунга унчалик эътибор бермадим. Лилъя деган саккин ёшларга кирган кичкинтой қизчалари борлигини пайқаб қолдим, холос. Қизчанинг ташқи қиёфасига қараб, улар бу ернинг одами эмас, деб қўйдим: қизчанинг кокилчалари ялтираб турар, қўлда тўқилган жун пайпоқ кийиб, ўйнаб юрарди. Қизча ўз тенгқурлари билан кўпинча менинг эшигим олдида ўйнарди. Ойиси уни жони дилидан яхши кўришини ҳам билиб олдим. У кун бўйи деразадан қараб, бамисоли қизига қўмондонлик қилиб турарди, кўрган одам уни худди солдатлар полкига команда беряпти, деб, ўйларди. Буйруқлари кетма-кет чиқаверарди: «Кўзингга қара! — деб бақирарди у, — эҳтиёт бўл! Ўзингни кучукдан эҳтиёт қил! Мастдан бохабар бўл! Машиналардан сақлан! Лилъя! Эҳтиёт бўл!»

У пайтда тошдеворлар бўларди. Кўчамизнинг икки томони тошдевор эди, кези келганда шуни ҳам айтиб қўяй, жуда жимжит, бўм-бўш деса ҳам бўларди.

Бир куни Небукаднесар Небукаднесарссонни кўриб қолдим. У баҳор қуёшининг олтин нурларига ўзини тоблаб, девор устида, дарвоза олдида ўйнаётган болаларни томоша қилиб ўтирарди. Қоракуя теккан юзлари мамнунлигидан порларди, унинг шуъласи, ҳатто жингалак бўлиб кетган соқолига ҳам тушиб турганга ўхшаб кўринарди.

Кеч кириб, қош қорая бошлагач, болалар чарчаб, уй-уйларига тарқалиб кетдилар, фақат Лилъя қолди. У завқ билан бир оёғида сакрарди. Небукаднесар Небукаднесарссон уни чақирди:

— Лилъя!

Қизча ўзини эшитмаганликка олди, бироқ ойим кўриб турмаганмикин деб ўйлаб, деразага қараб қўйди. Ойиси кўринмасди, овқат пиширгани кухняга кириб кетганди.

— Кичкинтой Лилъя бугун кекса Небукаднесар Небукаднесарссон билан гаплашишни хоҳламайдими? — деб сўради, чол чўнтагидан қоғоз халтача оларкан.

Қизча ҳовлига ҳеч иккиланмасдан кираркан, қўллари белига қўйиб, дам халтачага, дам деразага қарарди. Халтачада майиз бор эди, албатта. Бироқ, Лилъя ўзининг бутун кўриниши билан, нима, майизни кўрмапман-

ми, унга ҳеч кўнглим суст кетмайди, деб кўрсатишга ҳаракат қиларди. Бу ишнинг оқибати шу бўлдики, улар охирида иккаласи девор устида ўтириб, майизни паққос туширдилар — чол бир дона майиз егунча, қизча ўнтасини ютиб турарди. Қизча ҳадеб оёғини қимирлатаркан, чолнинг чигалланиб кетган соқолига тумтайиб қараб қўярди. Сўнгра у девордан сакраб тушиб, бир оёғида ҳаққалай бошлади. Ойиси овқатга чақирди. Овқатни еб, Лилъя яна қайтиб келди: халтачада яна бирон нима борлигини биларди.

Ез келди. Лилъя Небукаднесар Небукаднесарссондан қўрқмайдиган бўлди — уни олисдан кўриши билан дарҳол югуриб борар ва чўнтагига қўлини тикиб, майизли халтачани оларди. Улар кўпинча кечқурунлари девор устида бирга ўтиришарди, назаримда чол қизчага бирор қизиқ қисса айтиб бераётганга ўхшаб туюларди, у чолнинг гапларини жуда эътибор билан тингларди.

— Бу одамлар қариндошинг бўладими?— деб сўраб қолдим кунларнинг бирида.

— Булар Фарбдан,— деб жавоб қилди у.

— Танишмисан?

— Ҳа, — деди у. — Кичкина Лилъя билан танишман.

Мен чолнинг гапига ҳар вақт тушунавермас эдим, у қандайдир ғалатиноқ одам эди, лекин мен бу тўғрида унчалик кўп бош қотирмадим. У маҳалда хаёлим бутунлай бошқа нарсалар билан банд эди. Бу оила асло Фарбдан эмас, Шарқдан деб ўйласам ҳам чол билан баҳслашиб ўтиришни истамаган эдим.

Небукаднесарнинг сўзларини аниқ эшитдим:

— ...У йигирма ёшга тўлганди, қиз эса март ойида туғилган, ундан атиги бир неча ойлик кичкина экан. Улар бир-бирларини болаликдан биларкан. У қизга яшил ўтлоқ ердан уйча қурмоқчи ва полизлар экиб, бермоқчи экан. Ўша пайтда у марҳум Гудмундур билан шерикчиликка балиқ овларкан, ишлари ёмон эмаскан, лекин ҳеч ашула айтишни билмас экан. Қизнинг номи Лилъя экан.

— Кейин нима бўлди?— деб сўрарди қизча.

Бу ёғига қулоқ солмадим, вақтим зиқроқ эди, бундан ташқари, чол қизчага бир вақтлари Фарбда бўлиб ўтган эски тарихни айтиб бераётгандир-да, деб ўйладим.

Кузда мен шимолдан яна Рейкьявикка келдим. Кунларнинг бирида кўчада ошналарим билан гаплашиб туриб, яқиндан бир одам менга тикилиб қараб турганини

сезиб қолдим. Афтидан, менинг ўртоқларим билан ажралишимни кутиб турган эканми, ҳали хайрлашиб улгур-масимизданоқ олдимга шитоб билан келиб, кир қўлини узатди.

— Танияпсизми, Небукаднесар Небукаднесарссон бўламан.

— Хўш, қандай янгиликлар бор?— дедим.

— Айтгулик ҳеч қанақа янгилик йўқ.

— Менда бирор ишинг борми?

— Йўқ,— деди у,— мени таширмикансиз деб қизиқсиниб, ўзим шунчайин келдим.

— Нега танимай,— дедим,— ҳатто сен ўшанда айтадиган ашуланинг куйи ҳам эсимда. Хўш, кичкинтой қизчанинг аҳвали нечук?

— Кексалигим учун бериладиган ўттиз کرونا пенсиядан ҳам маҳрум этишди.

— Нега энди?

— Ҳа, Иосеп, пенсиясини майизга сарфлайди деб чақибди. Эҳтимол, сиз қонунларни яхши биларсиз. Айтинг-чи, нима қилишим керак?

— Иосеп ким ўзи?

— Қариндошим. У баъзан менга озгина балиқ ёки яна у-бу нарсалар бериб туради.

— Бургомистрга мурожаат қил,— деб маслаҳат бердим.— Афсуски, шахсан менда сен учун ҳаракат қилмоқликка вақт йўқ.

— Билмадим-да, бундан бирор натижа чиқармикан, йўқмикан. Балки бирор уйга ёлланиш насиб бўлар.

— Ёлланиш?

— Утган йилдагидек-да.

— Нима, ҳозир ўша уйда ўт ёқувчи бўлиб ишлаётганинг йўқми?

— Йўқ,— деди чол.— У уй билан алоқа узилган...

— Нега бундай бўлди.

У елкасини қисди:

— Ўзим ҳам билмайман.

— Хўп, хайр,— дедим.

— Хайр, эътибор берганлигингиз учун миннатдорман.

Чол бошидан шляпасини олди.

Орадан кўп йиллар ўтиб кетгандан кейин уни яна кўрдим.

У пайтда мец медицина фанини ўрганмоқда эдим. Уни

чойшапга ўраб, ўликларни ёриб кўрадиган хонага олиб кирдилар, ювиб тозаллаган бўлишларига қарамай, мен бу мурда ўт ёқувчи эканлигини дарҳол танидим. Ким бўлишидан қатъи назар, ҳар қанақа ўликни кўрганингда кўнглингдан беихтиёр ҳар хил нарсаларни ўтказасан, шуни ҳисобга олмаганда, ўша вақтда у менда бирор ҳиссиёт уйғотмаган эди. Дафн қилингандан кейингина мен унинг ҳаёти ва ўлими ҳақида ўйлаб қолдим. Ҳеч қачон ҳеч кимнинг кўнглига озор етказмаган бир одам қутида гарибликда ўлиб кетди-я. Номини, насли насабини ҳеч ким билмасди. Шундай бўлгач, унинг фикрини, ҳис-туйғусини ким биларди дейсиз.

Уни ёрган кунимиз, ҳатто бир вақтлари хиргойи қилиб юрадиган куйи ҳам эсимга келмаган эди. Уни яхшилаб, анатомиянинг бутун қонун-қоидаларига риоя қилиб ёрдик. Мурда шундай катта эътиборга сабабчи бўлган эдики, бунақа эътиборни у тириклигида ҳам ҳеч қачон кўрмаган эди.

Айтгандай, бу тўғрида гапириб ўтириш нима ҳожат, менинг медицинага бўлган ҳавасим аллақачон йўқолган, ҳозир бутунлай бошқа соҳада ишлайман-ку. Ундан бери кўп йиллар ўтиб кетди, шу сабабдан мен айни ҳозир айта оламан; мурдага нисбатан яхши муносабатда бўлмагандирлар. Скелетини олиб, қолган нарсаларини ташлагандилар. Тўғри, бу иш фан учун қилинган эди ва бу скелет ҳозир ҳам илмий мақсадлар учун хизмат қилмоқда. Бироқ, дим: бу махфий ва фан учун қилинган фитна эди. Тобутга тош солдик-да, бир неча студент-медиклар мурдани дафн этгани мазорга йўл олдик. Биронта одам кўриб-нетиб қолмасин, деб хавотирланиб тобутни ўзимиз черковга олиб бордик, у ердан ҳам ўзимиз олиб чиқдик. Рождество байрами арафаси, ғира-шира туман ва совуқ эди. Маросимни иложи борича тезроқ тугатишни истардик. Черков деворларига қора мато қоплаб ташлаган айни шу кунни, соат ўн иккида қандайдир катта амалдор дафн этилиши керак экан.

Небукаднесар Небукаднесарссонни худди шу черковга олиб борибмиз. Мазор маъмурияти бундай қонунсиз равишда кўмишга руҳсат этишининг сабаби шуки, бир томондан байрам келиб қолгани бўлса, иккинчи томондан Небукаднесар Небукаднесарссонни албатта шу буғун дафн этиш керак эди, йўқса умуман дафн қилинмай қоларди.

Бунчалык бир арзимас одамни шундай тантанали ва- зиятда дафн этилиши ҳақиқий можаронинг ўзгинаси эди.

Қаттиқ совуқ, жануби-ғарб шамоли эсиб турарди, кучли изғирин эди, тобутни зўрба-зўр кўтариб, ниҳоят, черковга етиб бордик. Ҳаммадан ҳам, ишқилиб айни тан- танали маросим авжи қизиган пайтда тобут ағдарилиб кетиб, ичидаги тошлар полга сочилиб кетмасин-да, деб ташвишланардик. Тошлар тобутда думалаб шалдираган- нини эшитиб, мен титраб кетдим, буни ўйлаб чиқарган аҳмоқни овозимни чиқариб сўкиб юборишимга сал қол- ди. Тобутни черков ичига қўйиб, мурдаинг қариндош- уруғлари сифатида олдиндаги курсига ўтиб ўтирдик. Ру- ҳоний хордан шошилиб тушди. Албатта, у худога бу тах- лит шак келтирилганидан довдираб қолган эди (худога минг қатла шукурки, марҳум амалдорнинг оиласи ҳеч нарсани сезмай қолди). Руҳоний қандайдир деҳқон аёл вафот этиши муносабати билан ўтган ҳафтада тайёрлаб қўйган ваъзини шошилиб ўқиди. Шундай бўлгач, таби- ийки, у гоҳ адашиб кетар, гоҳ калаванинг учини йўқо- тиб қўярди. У «қадрдон марҳум акамиз» дейиш ўринга, «қадрдон марҳума синглимиз» деб юборар, ҳатто «қаер- дадир, бегона мамлакатда қадрдон марҳума синглимиз- нинг етим-есир бўлиб қолган эри, болалари аза тутмоқ- да» ҳам дерди.

Мен, бу янглиш айтилган сўзларни ишқилиб, биронта сезиб қолмасин-да, деб қўрқиб, атрофга аланглаб қараб турдим. Черковда, мазор қоровулидан ташқари, атиги бир кампир бор эди. У шундоққина эшик тагида ўтирар, ўзиям қар, девори қисматга ўхшарди. Мен, эҳтимол, кам- пир шамол-бўрондан паналаб, бу ерга тасодифан кириб қолгандир, мурда унинг учун ёт одамдир, деган фикр би- лан ўзимга тасалли бермоқчи бўлдим.

Тобутни олиб чиқиб, мурда ташийдиган аравага сол- дик, арава секин йўлга тушганда, бундоқ қарасакки, кетимиздан кимдир келяпти. У ҳалиги кампир экан. Ол- дига кўк пешбанд тутган, серажин юзини қора шол рў- мол билан ўраб олган. Кампир жанжал қилиб, тагин мо- зорни бошига кўтариб юрмасин деб ўйлаб, ҳамроҳларим билан бирга тобут орқасидан мен ҳам эргашиб боришга мажбур бўлдим. Ишнинг оқибати яхшилик билан ўтиш- га унчалик ишонмасдик, шунинг учун тобут лахатга қў- йилмагунча тиниб-тинчимадик. Лекин қиммат вақтлари- ни бекордан-бекорга ўтказиш ўртоқларимнинг жонлари-

га тегди, мурдани лахатгача кузатиб боришни менга юк-лаб, ўзлари оҳиста «Унсалир» кафесига уриб кетдилар. Биз — кампир, мен, руҳоний ва мозор қоровули тобут орқасидан секин юриб бордик.

Лахатга тупроқ тортилгач, руҳоний билан мозор хизматкори кетворди, лекин кампир кетмай, ҳамон қор тепачага қараб турарди. Черков девори олдида анча кутиб турдим, бироқ, аёл қимирламасди, сўнгра мен ҳам гўр олдига қайтиб бордим.

— Нега кетмай бу ерда турибсан, онажон? — деб сўрадим. — Нима, уни танирмидинг?

Кампир менга чўчиб қаради, юзларида ажинлар йиғилди, лаблари қалтиради, тишсиз милкларини кўрсатиб, оғзини буриштирди. Кексаларга хос шишиб қизарган кўзлари жиққа ёшга тўлди. Мен қаердаям кекса одамлар йиғлаганда уларга қараш нақадар оғирлигини тасвирлагандим.

— Йиғлама, азизим, — дедим. — Уни худованди карим ўз даргоҳига олиб кетди.

— Ҳа, — деди у энтикиб ва кўз ёшларини пешбанди учи билан артди.

— Уйингга кет, совқотиб қоласан, — деб маслаҳат бердим кампирга.

Назаримда, кампир суриштириб гапнинг тагига етиб олиши мумкинга ўхшаб туюларди. Мозор дарвозаси олди-гача иккаламиз бирга кетдик.

— Асли қаердан бўласан? — дедим.

— Ғарбдан келганман, — деб жавоб берди кампир.

— Улафсвикданми?

— Ҳа.

— Сен чолни танирдингми?

— Ҳа, иккимиз тенгқур эдик. Мен турмушга чиқиб, жанубга кетиб қолган эдим. У ёқда қирқ йил яшадим.

— Отинг нима?

— Лилья.

— Эринг ҳаётми?

— Йўқ, аллақачон дунёдан ўтиб кетган.

— Болаларинг борми?

— О, ўн учта болам бор, — деб жавоб берди кампир; у, бу гапни шундай шалвираб айтдики, товуш оҳангидан, ўн учта боласидан бўлак, яна бир гала набиралари борлигини ҳам кўз олдимга келтирдим.

— Ҳа, дунёда кўп аломат ишлар бўларкан-да,— дедим.— У чол доим ёлғиз эди.

Кампир ёнимда индамай борарди, мен ҳам унинг жавоб қайтаришига умид боғламасдим. Жануб томондан Шерядфьордан қор булутлари ёпирилиб келмоқда эди.

Мозор дарвозаси олдига борганда ундан ажралмоқчи бўлиб шляпамни андак кўтариб:

— Хайр,— дедим.

У кексаларга хос сертугун қўлини узатаркан, юзларимга, қайғусига ҳамдам бўлган бирдан-бир одамнинг юзларига тикилди. Сўнгра у:

— Мен ҳам доим ёлғиз эдим,— деди.

Кампирнинг юзлари яна пир-пир учди, пешбанди учини тезда кўзларига тортиб, тескари ўгирилиб олди.

Фақат бир кеча мозорда тунаган Небукаднесар Небукаднесарсон ҳақидаги ҳикоя шу билан тугайди.

## Олафур Йоханн Сигурдссон

### МАХФИЙ ИШ



Амма иш яхши борарди. Мени йўлгача кузатиб қўйган бола билан хайрлашиб улгурмасимданоқ узоқдан автобус кўриниб қолди, машина шовқин солиб, тақир-туқур қилиб тоғлик йўлдан кўтарилиб борар экан, орқасидан чиққан оч қорамтир тутун уюрмаси водий устидаги майин олтин ранг қуёш ёғдусига доғ туширгандай бўларди. Қўлимни кўтардим, автобус тўхтади, шофёр билан гаплашдим, дарҳол билет тутиб, юкимни қабул қилди. Арчагуллар ўсиб ётган, ҳозир бутун куз бўёқлари билан ялтираб турган водийга сўнгги марта назар ташладим. Таассуротлар шундай кўпки, асти қўясиз! Бутун ёз шу водийда яшадим, кўпгина ойдин кечаларни бедор ўтказдим, бироқ ишимни тугатгач, гапнинг ростини айтганда, бир оз зеркиб қолдим: мени уй, Рейкьявик ўзига тортарди. Автобусда юришни унчалик ёқтирмасдим. Бунақа сафарлар менга ҳеч қачон ҳузур-ҳаловат бахш этмасди. Одатда, йўлдаги гаплар ёки бараварига ашула айтишлардан қутулмоқ учун, доим кейиндаги ўринларга ўтиришга ҳаракат қилардим. Автобусдаги суҳбатлар гоҳида қизиқ бўлади, лекин мени йўловчилар ашуласини эшитишдан худонинг ўзи сақласин! Одат бўйича, аввал ертўладаги ошиқлар тўғрисида, сўнгра оқ от минган одам ҳақида айтадилар, кейин ашулани қизга кўчирадилар; унинг кемада сафарга жўнаб кетаётган қайлиғи билан қандай хайрлашганидан тортиб денгиз-



да сузиб кетаётган кема орқасидан қандай титраб қараб қолганигача, ниҳоят, сенинг номингни ҳамиша шундай қаттиқ айтиб чақираманки, токи бутун жаҳон эшитсин, деб онт ичганигача қўшиққа солиб айтадилар. Одамларнинг зап кучли овоз пардалари бўлади-да! Ҳар ҳолда, уларнинг ўпкаси соғлом бўлса керак, меникидақа эмасдир... Мен ҳар вақт йўловчилар гўзал ва нозик шеърларни ашула қилиб айтиб бузадилар, деб ғазабланиб юардим.

Бу сафар кейинги ойна олдида ўтиришга муваффақ бўлдим, бу ердан қараб табиатдан баҳра олиш қандай ёқимли, манзараларнинг ўзгариб боришини айтмайсизми. Тўғридаги ойна олдидаги жойни бир ёш йигит эгаллади. У бошини эгиб ўтирарди, ойнадан ора-сира кўзга чалинаётган хуторлар, афтидан, уни унчалик қизиқтирмаётганга ўхшарди. Сабабини ўзим ҳам билмайман, лекин мен у йигитчадан ҳеч кўзимни узолмасдим. Ҳозир эслашимча, у менга биринчи қарашдаёқ жуда ғалати кўринганди. Башарасига қараб, ёши йигирма бешдан ошиқ деб айтиб бўлмасди. Баланд бўйли, кенг яғринли, тўн-гакдек қўпол бўлиб, бичимидан болаларга ўхшар, юз ифодалари содда эди. Манглайига палапартиш тушиб турган қуюқ қора сочларини эски фуражка бекитиб турарди. Ўзи қорачадан келган бўлишига қарамасдан, ёноқ суякларини чиқиб турган маъюс, өзгича юзлари оқарган кўринарди. У ёмон кийинганди; номаълум фасонда тикилган эски пиджак, ранги ўчиб кетган свитри билан энсиз парусина шими — камбағаллиги ва кийимини аяб кийишлигидан далолат бериб турарди. Бироқ чарм кавуши хийла тузук, кул ранг пайпоғи эса, топ-тоза эди.

Унинг юзи болаларникига ўхшаш мулоим, содда эканлигини юқорида айтиб ўтган эдим. Бироқ, мана шу юзда нимадир кучли, иродали эканлигини ошкор қилиб турарди; уюлиб турган қош-қовоқлари, қисилган лаблари, беўхшов иякларига қарасанг, бошига оғир мусибат тушганга, ҳозир бир қарорга келиб, бутун диққат-эътиборини шу нарсани бажаришга йўналтирганга ўхшарди. Ниҳоят, у менга ялт этиб қараб қўйди, мен ҳам ўзимни туюлмай, шу заҳоти гап қотдим:

— Бу хуторнинг номи нима?— деб сўрадим, ойнадан лип-лип ўтаётган уйларни кўрсатиб.

— Билмайман,— деб жавоб берди у бир оз ўйланиб туриб.

— Бу жойлар сенга нотаниш бўлса керак-а?

— Йўқ,— деб тўнғиллади йигитча.

— Ўзинг қаердан бўласан?

У мен эшитмаган бир хутор нәмани айтди, лекин қайси округдан эканлигини айтганда, у хийла хилват жой эканлигини фаҳмлаб олдим, чунки округлар мамлакат марказидан энг узоқ жойлар бўларди.

— Хўш, қаёққа боряпсан?

— Рейкьявикка,— деб жавоб берди у қўлларига тикилиб: юзларида шубҳа акс этди, у менинг саволларимдан норозидек эди.

Мен индамай, яна ойнадан қарай бошладим: катта станцияга борганда ҳамма йўловчилар овқат қилгани тушиб кетгунча, бошқа гап қотмадим. Автобусда иккаламиз қолдик.

— Бир оз тамадди қилиб олмайсанми-а?— деб сўраган эдим, у:

— Йўқ,— деди.

— Нима дединг, ҳар ҳолда тоза ҳавога чиқиб, бир оз оёқ-қўлнинг чигалини ёзиб олсак бўлармиди-а? Менинг ҳам иштаҳам йўқ.

Йигит жавоб бермади, лекин ўрнидан турди. У қошларини чимириб, бир оз букчайган ҳолда мен билан ёнма-ён юрди. У посёлка атрофида жойлашган солдат бараклари томонга қарамасликка ҳаракат қилганини сезиб қолдим. Тўсатдан кекирдагининг соққаси ўйнай бошлади, худди ниманидир ютишга ҳаракат қилаётгандек эди.

— Чекасанми?— деб сўрадим, бир пачка сигарета тутиб.

— Йўқ,— деди.

У ичидагини бировга ёрмайдиган ва ҳеч кимга ишонмайдиган одам эканлиги маълум бўлди, шунингдек, унинг нимадандир дилхаста бўлгани, табиатан уятчан ва камтарин эканлиги билинди. Мен сигарет чекиб, ёнида анча вақт индамай бордим. У қумлоқ ерда ўзининг бесўнақай кавуши билан шундай оғир қадам ташлардики, чиққан ёқимсиз бўғиқ товуш ғашимни келтирарди. Ёнимда фил юряпти деб фараз қилиш мумкин эди. У билан суҳбат бошлаганимга пушаймон қилдим, лекин буни қарангки, у посёлка ўртасидан оқувчи музлаб ётган дарёнинг нариги томонидаги мактаб биносини иттифоқо кўрсатиб, бир оз иккиланиб турди-да, кейин:

— Рейкьявикдаги бинолар бундан каттами?— деб сўраб қолди.

— Бундан катталариям бор,— дедим,— у ерда ҳеч бўлмаганмисан?

— Йўқ, округимиздан нарига ўтмаганман.

— Рейкьявикда кўп бўласанми?

— Уша ерда маълум бўлади.

— Афтидан, иш топмоқчига ўхшайсан?

— Уша ерда маълум бўлади,— деб такрорлади у яна.

— Ҳозирги кунда жанубдан иш топиш қийин эмас. Сўнгги пайтларда ҳарбийларда ҳар хил ишлар чиқиб қолган.

— Буни биламан,— деди у қуруққина қилиб.

— Эҳтимол, шунчаки пойтахтда бир оз меҳмон бўлишга қарор қилгандирсан?

— Йўқ, у ёққа иш билан боряпман.

Биз кўприк устида тўхтадик ва лойқа гирдобга тикилиб, ҳар қайсимиз ўзимизча хаёлга берилдик. Кўзим тушиб қолди, у қўллари билан панжарага жон-жаҳди билан тирмашиб олганидан бўғинлари оппоқ оқариб кетибди.

— Менга қара, деб қолди у.— Овози ҳам бир оз қалтираб чиқди, гўё тоби қочгандек эди,— афсонавий дostonларни ўқиганмисан?

— Албатта. Ҳаммасини бўлмасаям, ҳар ҳолда афсонавий дostonларни ўқиганман,— дедим ҳайрон бўлиб қолиб.— Нега буни сўраб қолдинг?

— Улар жуда кучли бўлган эдилар,— деди у.

— Уларинг кимлар?

— Ҳа, бурунги йигитлар-да. Масалан: Грэттир Аустмундарсон билан Скарпхедин. Улар жуда кучли ва эпчил бўлганлар,— деди ва пастки лабини тишлаб, кўприк остидаги лойқа гирдобга қарашда давом этди.

— Унинг нима ҳақда ўйлаётганини билмадим, лекин юз ифодаси пинҳоний дардини, қисматига тушган оғир мусибат ва шафқатсиз золимликни ошкор қилиб турарди. Кўзларида қандайдир кўланкалар ўйнаб турганга ўхшарди. Мен йўталиб қўйдим, соатимга қараб, автобус тўхташ жойига қайтиш вақти бўлганини пайқадим. Автобус, эҳтимол, ҳозир жўнаб кетай-кетай деб тургандир, ахир йўловчилар мунча узоқ овқатланмайди-ку. Лекин ҳамроҳим қимирламас, панжарани маҳкам ушлаб, ҳамон дарёга қараб турарди. Шунисини ҳам пайқадим, у

панжарани шундай чангаллаб ушлаб олгандики, асти қўясиз, гўё унинг мустаҳкамлигини синаб кўрмоқчига ўхшарди. Ҳатто бўғинлари оппоқ оқариб, чакка томирлари бўртиб чиқиб кетганди. Уни туртиб:

— Кетадиган вақт бўлди,— дедим.

Йигитча чўчиб тушиб, менга савол назари билан қаради.

Шу туришида у уйқусида жарликка қулаб кетаётган пайтда қўрқиб уйғонган гўдакни эслатарди. Ниҳоят, машина томон юрдик. Шошилмасдан йўлимизда учраётган уйларга қараб, томоша қилиб бордик. Денгиздан кучли шамол эсар, тўлқинларнинг қирғоққа урилган овози барала эшитилар, ҳавода қум доналари физиллаб учарди. Йўлнинг нариги томонида йиғиб олинмаган пичанга кўзим тушиб қолиб: «Бу ерда, афтидан, хўжаликни ёмон олиб боришар экан, сентябрь охирлаб қолди-ю, шу вақтгача пичанни тўплаб, ғарамлаб олишмабди», дедим.

— Бизлар-ку, йиғиб олдик-а,— деди у мингиллаб, кейин менга таъна қиляпти деб ўйлагандек, дув қизариб кетди. Бир оздан кейин:

— Улар ҳозир уйда,— деб қўшиб қўйди.

— Қимлар?— дедим.

— Отам билан ойим.

— Хўш, хўш...— дедим чўзиб, ака-ука ёки опа-сингилларинг борми?

— Опам ўтган йили Рейкьявикка кетган эди,— деб тез жавоб берди-ю, ялт этиб қаради. Қараганда ҳам тешиб юборгудек қилиб қаради. Сўнгра чуқур хўрсинди, юзлари бир оз бужмайиб, кайфи ўзгарди.— Тора иккимиз эгизак эдик.

— Сен, эҳтимол, мамлакатимиздаги эгизак болалар ичида энг новчаси бўлсанг керак,— дедим кулиб. Мен ҳар вақт негадир эгизак болалар албатта пакана бўлади, деб ўйлаб юрардим. Шунда сал бўлмаса опаси, ўша Тора укасига ўхшаса ҳеч заиф бўлмаслиги керак, деб айтиб юбораёзибман, хайриятки, хатойимни ўз вақтида пайқаб, жим бўла қолдим. Шамол ўкириши, тўлқинларнинг қирғоққа урилиши тинди, менда тўсатдан бир сезги пайдо бўлдики, худди атрофдаги ҳаво кучли тебранаётган эди.

— Яқшанба кунлари уйда ойимнинг ёлғиз ўзи қолади,— деб гап бошлади йигитча,— отам қўйга кетади.

Мен бир нарса дейиш учун:

— Шунақами,— деб қўйдим...

У шахдам қадам ташларди, кўзлари ерга қараган, муштлари қаттиқ сиқилган, ҳануз панжарани ушлаб тургандек эди. Юзлари яна қотиб қолди, сўнгра ғамгин ва шемик бўла бошлади.

— Нима дейсан, улар ҳам Грэттир билан Скарихедин сингари кучлимикинлар-а?

— Кимлар?

— Ҳа, анови... солдатлар-да.

Мен ҳеч нима тушунмай, бошимни қимирлатиб қўйдим.

Автобусга чиққанимда, елкамдан тоғ ағанагандай енгил тортдим. Орқага, яна ҳар қайсимиз ўз ўрнимизга ўтирдик. Орамизни бўш жойлар ажратиб турарди. Сариқ перфюментга ўхшаш чексиз ботқоқликлар физиллаб ўтиб борарди. Шунда мен, баҳор ва ёзнинг яшил рангини куз энди юва бошлабди, ҳадемай ёш қайин дарахтлари барг ташлайди, юқорида, мен ёзни ўтказган жой, дарё бўйи эса қорайиб қолади, деб ўйладим. Сўнгра октябрь ёмғирлари бўёқларни тамоман ювиб юборади, ҳамма ерни ялтироқ муз қоплаб, совуқ тушади... Ҳамроҳимнинг онаси ҳақида ўйлаб кетдим: балки, у ўзини ғоят ёлғиз ҳис этаётгандир, эҳтимол, ҳозир ухлай олмай, кузги зулматга кўз тикиб ўтиргандир. Толиққан, ташвишга тушган бечора она, ўз юрак тепишига ёки эртага иссиқ мамлакатларга жўнаб қоладиган якка қушчаларнинг сайрашига қулоқ бериб ўтирган бўлиши ҳам мумкин. Эҳтимол, қовжираб қолган ўт поясининг шитирлашига ва ариқдаги сув шилдирашига қулоқ солаётгандир... Худога шивирлаб мурожаат қилиб: «Қариган ва ҳолдан кетган бир муштипар аёлни нега бу тун зулмати ичида ёлғиз ташлаб кетишди?»— деб савол бераётгандир.

Фикрим бўлиниб кетди, йўловчилар ҳозиргина еб чиққан лаззатли овқатлари, янги хонбалиқларнинг ажойиб сифатлари ҳақида бир-бирларига гал бермай, вақтларини чоғ қилиб чувиллаб гапира бошладилар. Биринчи сал мизғиб олсакмикин деса, иккинчиси, мен ҳам шу тўғрида ўйлаётиман, деб жавоб беради, учинчиси эса гафлат босгани етади энди, ашула айтиб тетикланиб олиш керак, дейди. Мана, ашула овози янгради. Автобус ўртасида ўтирган малла ранг йигит дарҳол ашула бошловчи ролни ўз устига олди, уни ёшгина бир қиз

зўр бериб қувватлар, борган сари янги-янги куй ва лапарларни ёдга оларди, буларнинг кўпини мен аввал ҳеч қачон эшитмаган эдим. Бу ашулаларда ҳам, албатта, жуда муҳим проблемалар акс этарди, бироқ булар ошиқ-маъшуқлар қиссаси ёки оқ от минган мардлар ёки қайлиғини соғиниб қирғоқ бўйида ўтирган қизлар ҳақидаги ашулаларга нисбатан хийла замонавийроқ эди. Ашулачининг овози жуда кучли бўлиб, бир неча соатдан бери чарчамай айтар, ойна нарғидан эса қовжираган далалар липиллаб ўтиб борарди...

Эсимда, ҳамроҳим, автобус сўнгги манзилга, биз пароходга тушиб кетадиган жойга келиб тўхтамагунча, мен билан бир оғиз гаплашмади.

— Денгизда узоқ сузамизми?— деди у.

— Соат ўнларда Рейкьявикда бўламиз,— деб жавоб бердим.

— Намунча тез?— деди у, овозида яширин қўрқув сездим.— Мен ҳали ҳеч денгизда бўлмаганман,— деб қўшимча қилди у. Пароход пристандан жўнаши билан палубада бир эски танишимни учратиб қолдим. Иккинчи илгариги хотиротларга қаттиқ берилиб кетиб, тўлқинлар устига қоронғи тушиб қолганини сезмабмиз, пойтахт чироқлари тобора яқинроқ кўриниб борарди. Ҳамроҳим бутунлай хаёлимдан кўтарилиб кетибди. Агар олдимга ўзи келмаганда, эҳтимол, пристанда бошланган тўс-тўполонда у билан хайр-маъзур қилишниям унутиб қўярмидим. Мен бошқа пассажирлар билан бирга шаҳарга қараб кетаётгандим. Кўча чироқлари ёруғида у жуда ранги ўчиб кетганга ўхшарди. Йигитча довираб, атрофга олазарак бўлиб қарарди.

— Нима, денгиз касали азоб бераптими?— деб сўрадим.

— Йўқ,— деди у.— Айтмайсанми, бу ерда қаерда тунаш мумкин?

— Қутқазиш армиясига мурожаат қилиб кўр-чи.

— Армияга?! Қутқазиш армиясига?!— у қўрқиб такрорлади ва ранги баттар оқариб кетди.

Мен йўл-йўлакай унга қутқазиш армияси бу таврот, псалтир, карнай, мандолиналардан бўлак қуроли йўқ христиан ташкилоти бўлиб, бу қуролларни у тўғри йўлдан адашган одамларни қутқазиш учун ишлатади, деб тушунтириб бердим. Сўнгра мен унга бу армия арбоблари мусофирлар арзон ҳақ тўлаб тунаб қола оладиган

меҳмонхонага ўхшаш жой тутиб турадилар. Бошқа жойни қидириб юришнинг ҳожати йўқ, яхшиси юкингни олиб, биз билан бирга шаҳарга кетавер дедим.

— Юким йўқ,— деди у такаллуф билан ва гўё бир қарорга келгандек, қовоқларини ғалати қилиб уйиб олди, ҳар нечук бизга қўшилди ва ғўдайиб, ёнимда кетаверди, ҳатто атрофга бирон марта қайрилиб қарамади. У на Адалстратти кўчасидаги автомобилларни ва на тротуарлардан тинмай ўтиб турган одамларни кўрарди. Гўё атрофида ҳаёт асари йўқдек чурқ этмай келарди.

— Мана қутқазиниш армияси биносига ҳам келдик!— дедим ва Уппсал кўчаси муюлишида тўхтадим.— Манови эшикдан кирилади.

— Хўжайиннинг исми-шарифи қандай? — деб сўради у.

— Билмайман,— дедим.— Тунамоқчиман деб айтавер.

— Ҳа, айтаман,— деди у ғамгин ва менга қўл узатди.— Хайр!

— Афсуски, мен қўнадиган жойга таклиф қилолмайман,— деб минғилладим ўзимни оқламоқ учун айбдор қилёфада. Йўлда эса шу ғалати одам қолдирган таассуротдан шунчаки қутуламан дейман, қаники қутула олсам, қаранг, автобусда шундай ёнма-ён ўтириб келибмиз, шунча беҳисоб дала ва ўтлоқ ерларни босиб ўтибмиз, чурқ этса нима қибди...

Шундай қилиб, ўша куни кечқурун уни хаёлимдан чиқариб ташлай олмадим. У тўғрисидаги хаёл менга уйқу бермасди... У кўча чироқлари чароғон қилган Уппсал муюлишида ишонмасдан, хижолат тортиб турарди. Оптоқ оқариб кетган юзида азоб ва шунинг билан бирга жасорат ифодалари қотиб қолган эди. У гўё таранг тортилган тор бўлиб, ҳозир узилиб кетаётганга ўхшарди. Уни танишимникига жойлаштиришга ҳаракат қилмаганим учун қаттиқ ачиндим. Ахир, ҳатто унга қутқазиниш армияси уйдан бошпана бериш-бермасликлари билан ҳам қизиқмадим-а. Чарчаган, оч қолган, ҳамма учун бегона бўлган у бечора бугунги кечани шаҳар кўчаларида ёлғиз ўзи тентираб юриб ўтказиши ҳам мумкин эди. У келгани биз учрашганимиздан бери туз тотмаганини билардим. Сафарни қўйлар жунини қирқши тугагунча кечиктирмаган, демак, шаҳарда жуда зарур иши бор экан. Ҳайда онасиниям ёлғиз қолдирибди...

Уринда тўлганиб чиқдим, келган деҳқон йигити учун бўйнимда ҳеч қандай масъулият бўлмаса ҳам, қаттиқ ўсал бўлдим. Тоғ сойлари шарқираб қилиб турган шимолий водийдан ишимни муваффақият билан тугатиб, уйга қайтиб келганимдан кейинги қувончимни у кутилмаганда бузиб қўйди; хаёлимдан ўзидан бўлак ҳамма нарсани сиқиб чиқарарди. «Оббо, нега у тўғрида қайғуларкинман-а?— деб ўйладим ва ағдарилиб, бошқа ёним билан ётдим.— Нега уни эсдан чиқариб юбора олмас эканман?»

Эртаси кунни эрталаб уни Қиркустрайти кўчасида учратдим. Бу ерда пастда, марказда иссиқ ва офтоб чарақлаб турар, бироқ, Аустурвэулурда эса ҳозир гуллар қовжираб қолган эди..

Йигит негадир ташвишланган, бошини қуйи солиб кўчада у ёқдан-бу ёққа бориб-келиб юрарди. У мени кўриб, хурсанд бўлгандек бўлди. Ишинг қалай, Қутқазинш армияси уйдан бошпана ола олдингми, деб сўрашга ботинолмадим, лекин уни дарҳол бир чашкадан кофе ичишга таклиф этдим.

— Кофе ичишга вақтим йўқ,— деди у маъюслик билан.

— Оббо, бунисини қара, энди,— ҳайрон бўлдим,— қанақа шошилич ишинг бор ўзи?

— О, жуда муҳим иш,— деб жавоб берди у.

— Опангни кўрдингми?

— Тораними? Йўқ, у ёздаёқ вафот этган эди,— деб жавоб берди тротуардан кўзини олмай. — Мен у билан дийдор кўришгани келганим йўқ. У ҳаёт эмаслигини билардим.

Мен, бу суҳбатни давом эттиришнинг ҳожати бормикин деб ўйладим, бироқ, ундан ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, бирдан юз ўгириб ҳам кета олмас эдим-да, ахир. Шу пайт дарҳол, унга шаҳарни кўрсатмоққа қарор бердим. Ахир бу ерда қанчадан-қанча диққатга сазовор бинолар бор. Альтинг уйи, ибодатхона, «Борг» меҳмонхонаси, дорихона, кўп антеннали радио уйи..

— Шунча мачталарни бирор вақт кўрганинг борми?— деб сўрадим.

Йигитча фақат ижирганиб, фуражкасини пешонасига суриб қўйди-да, энсасини қашиди.

— Скоулавэрд боғи қаердалигини билмайсанми?— деб секин сўради у ўз навбатида.— Уша ерда бўлишни жуда хоҳлардим.



— Кўрсатаман.

Шаҳардан боғ томон секин юриб кетдик. У қадамларини катта, шахдам ташлар, гўё даладан юраётгандек эди. Чарм кавуши тош ётқизилган йўлда шундай тарақлардики, одамлар тўхтаб қолар, баъзилар эса ўгирилиб, орқамиздан қарар ёки шарақлаб кулиб юбордилар.

Унга боғни кўрсатдим. Биз Лейф Эрикссон<sup>1</sup> ҳайкали олдида тўхтадик. Унга, бу ҳайкални бизга 1930 йилда Лейф Американи очиб, уни Винландия деб атагани учун АҚШ ёдгорлик тариқасида совға қилганини гапириб бердим. Бироқ, йиғитча фақат лабларини тишлар ва боғ четида турган ҳарбий баракларга, шунингдек атрофи занг босган тиканли симлар билан қалин қилиб ўраб ташланган ғовларга қарарди.

— Яхшилаб кўриш учун яқинроғига бораман,— деди ва у дарҳол тиканли сим ғовдан ўтмоқ тараддудига тушди.

— Нима бўлди сенга, ақлдан оздингми?!—деб бақирдим ва уни елкасидан маҳкам ушлаб қолдим.— Отиб ташлашади ёки ҳеч бўлмаганда турмага тикиб қўйишадди. Яхшиси ҳозир Барон йўлига тушамиз, у ерда ҳарбий иншоотлар яхшироқ кўринади.

У бир оз ўйланиб турди-да, сўнгра орқамдан эргашди; ҳануз кўзларини қисиб, лабларини тишларди. Шу алфозда Барон йўлига тушиб олдик ва у ердан тепаликка қарай бошладик. Айни шу вақт юқорида бир гуруҳ солдат бараклар ўртасида штикбозликни машқ қиларди, солдатлар «душман» хизматини ўтар, тик қопларга штик тикиб, ҳамла қилардилар. Мактабдан шарққа томон чўзилган ялангликда строевой машғулот бормоқда эди. Сержантларнинг командаси жимликда қамчидек қарсиллаб эшитилар ва сув ости кемасини қувиб бораётган оғир бомбардимончи самолётнинг моторлари овози билан қўшилиб кетарди.

— Қара,— дедим ва юқорини кўрсатдим.— Самолёт! Йиғитча индамай турарди.

— Уни қара, танклар келяпти!

---

<sup>1</sup> Лейф Эрикссон тахминан 1000 йилда яшаган. У Норвегиядан Гренландияга сузиб кетаётиб йўлдан адашиб қолган ва Шимолий Америкага бориб тушган (999 й.), у ерни Винландия деб атаган. Тахминан 1021 йилда вафот этган.

У ҳатто бу нарсаларга кўз қирғини ҳам ташламади. Фақат муштларини сиқиб шивирлади:

— Эй, мунча кўп-а!

— Нима кўп?— деб сўрадим.

— Солдаг,— деди у. Уларнинг бунча кўплигини мен билмас эканман.

— Э, бу ерда жуда оз-ку. Бу ерда исланд солдатларига нисбатан ажнабий солдатлар кўп деб ишонтирмоқчи бўлишади.

— Сен улар билан ҳеч гаплашганмисан?

— Гаплашганман.

— Исландча гапира оладиларми?

— Йўқ,— деб жавоб бердим,— фақат инглизча гапиришади.

— Нималарни гапиришади, қани?

— Биз ҳар хил арзимаган нарсалар ҳақида гаплашгандик. Улар хийла хушмуомала йигитлар.

— Инглизча гапиришиш қийинми?

— Йўқ, менимча қийин эмас,— дедим.— Бундан шаҳарга тушиб, кофе ичганимиз яхши эмасми?

— Менга бир ёрдам қилмайсанми?

— Қўлимдан келса, жоним билан.

— Шу ерда иккита уй бор экан. Ушани кўришга жуда ҳавасманд эдим. Шуни бир кўрсатганингдамиди.

— Жоним билан кўрсатай, лекин аввал кел, бир чашкадан кофе ичиб олайлик. Сен ахир, жуда оч қолган бўлсанг керак.

— Офицерлар яшайдиган бино қаерда?— деб сўради у шивирлаб ва гапига биров қулоқ солиб туришидан қўрққандек, эҳтиётлик билан атрофга аланглаб қаради.

Мен унга, офицерлар қаерда туриши ҳақида тасаввурга ҳам эга эмасман, деб жавоб бердим; эҳтимол, улар ҳар бир шаҳарда бўлсалар керак — бири Рейкьявикда турса, бири — Акурейрида, бири — мамлакатнинг шарқида турар. Мен ҳеч қачон бирон офицер билан таниш бўлмаганман, ҳатто сержантлардан ҳам танишим йўқ.

— Ахир, сен улар билан гаплашгансан-ку, — деб ўжарлик қилиб туриб олди. У сўзларни чертиб-чертиб, — Шонни деганини танимайсанми?

— Отини нима дединг?

— Шонни, — деб эҳтиёт бўлиб такрорлади у ва дув қизариб кетди.— Шонни.

Мен бош қимирлатдим ва бу номни ҳеч қачон эшитмаганман, дедим.

— У қандайдир офицер эди,— деб гудранди истаристамас.

— Урушга жўнаб кетгунга қадар қаердадир, чет элда магазини бор эди.

Мен бу одам тўғрисида ҳам, шунингдек, унинг чет элдаги магазини ҳақида ҳам мутлақо тасаввурга эга эмаслигини ҳар турли йўл билан уқтиришга ҳаракат қилдим. Чет элларда ҳар хил магазин ва дўконлар кўп деб тушунтирдим. Бироқ, йигит менга фақат кўз қирини ташлаб қўйиб, лабини тишлаб турарди. Назаримда яна худди у, биз Тора иккимиз эгизак эдик, деган вақтдагидек чуқур хўрсинганга ўхшаб кўринди. У қўлини мушт қилди, юзи жиддий тус олди, чақмоқтош сингари қаттиқ бўлиб қолди...

— Хўш, иккинчи бипони-чи? — деб сўрадим, қайтадан боққа бориб қолиб, Лейф Эрикссон ҳайкали олдидан индамасдан ўтиб кетаётганимизда.— Кўришга жуда ҳавасмандман деб яна бошқа бино ҳақидаям гапирган эдинг-ку?

— Ҳа,— деди у,— турмани бир кўриб қўйишим керак.

— Турмани?— деб такрорладим; такрорлагандаям, гўё одамлар турмани бир кўрмоқ учун пойтахтга узоқ ерлардан жуда тез-тез келиб туришади ва бунинг ҳеч таажжубланадиган ери йўқ дегандек бир қиёфада такрорладим.— Турма шундай ёнгинамизда. Ҳозиргина олдидан ўтиб кетдик.

— Ўтиб кетдик?! — хитоб қилди у ва қошларини чимирди. — Мени алдаяпсанми дейман!

— Сени алдаб нима қиламан?— деб таажжубландим ва ўзимни гўё ранжиган қилиб кўрсатдим.— Турмага бир зумда етамиз.

Мана мен унга турма ва маҳбуслар соф ҳаводан роҳат қилиб нафас олишга чиқадиган, атрофи баланд тошдеворлар билан қуршаб олинган турма ҳовлисини кўрсатдим. Лекин у менга ишонмаганга ўхшади, бир полициячинини тўхтатишга тўғри келди, у ҳақиқий турма шу деб тасдиқлади.

— Мана кўр, — дедим.

У чурқ этмади. Нам кўчада анграйиб, худди қоққан қозикдек қаққайиб туриб, турмага еб қўйгудек бўлиб тикилди. Юзи дарҳол тундлашди, аъзойи бадани тор-

тишиб, лаблари титради. Муштумларини очиб, қўлларини дармонсизлик билан туширди. Мен бетоқат бўлиб, огирлигимни дам у оёғимга, дам бу оёғимга солиб турардим. Назаримда йигитча тўсатдан жиннига ўхшаб кўринди. Шу қаққайиб турганча дарвозадан қўлтиғига папка қисган иккита башанг кийинган жаноб чиққунча, пойтахт турмасига қараб турди. Қуёш мамлакатни шимол томондагидек равшан бўлмаса ҳам ёритиб турарди! Йигитча беихтиёр орқага бир қадам ташлади ва хушчақчақ, мулойим ва қадди-қомати келишган бу ёш йигитлар кетидан маҳлиё бўлиб қараб қолди. Сўнгра у ўзининг пиджаги билан шмига қараб, худди бирор ёмон иш қилиб қўйган гўдакдек уялди.

— Қалай, турма ёқдимиз?— дедим.

— Мен ҳеч қачон турма бунчалик яхши бўлади деб ўйламагандим,— деб жавоб берди у оҳиста, менга қарамасликка ҳаракат қилиб. Овози сезиларли даражада ўзгарди.— Нима дединг, бугун шимолга биронта пароход жўнармакин.

— Нима? Наҳотки ҳозир уйингга жўнамоқчи бўлсанг-а?

— Ҳа,— деди у ва қуруқшаган лабларини ялади.— Уйимга жўнамоқчиман.

Шунда у зарур ишини бажаришдан воз кечганини аниқ тушундим. Атайлаб шу иш учун пойтахтга келган эди-я. Рейкьявикда эртагача қолгин деб унга хўб ётиғи билан тушунтирдим, бўлмади, шунда агар, албатта шу бугун билет олишинг керак бўлса, тўғрилаш мумкин, дедим.

# НОРВЕГ

# ХИКОЯЛАРИ

Йохан Борген

## БАХТ



Лиза кампир ҳафтада бир марта почта қутисидан хабар олгани тоғдан посёлкага тушарди. Қиш кунларида посёлкага учи тўмтоқ бўлса ҳам боғичлари маҳкам чанғида келар, Йоннинг яхши мойланган, катта этигиши кийиб олса оёғимдан тушиб қолмасин, деб учига газета жойлар эди. Кампир чанғи ҳассалари ёрдамида сўқмоқда қушдек учаркан, қор тўзони кўтарилар, шунақанги пайтларда у Яланғоч тоғдаги жодугарга ўхшаб кетарди.

Лиза ботқоқликдаги дўнглари сув босган куз кунларида ҳам зилдай ва бесўнақай резинка этик кийиб олиб, посёлкага тусмоллаб кетаверарди.

Ёз ойларида келганда эса ўти ўриб олинган сўқмоқдан юрар, ботқоқликдаги ярми сувдан чиқиб турган дўнгликларга дадил оёқ қўйиб, кетар эди. У посёлкада кўришиб қолса, кишилар деразалардан қараб: «Во ажабо. Лизанинг қарнмаганини қаранг» дейишарди-да, бир стакан кофе ичиб кетсин деб битта-яримта болани югуртиришарди. Лиза болаларнинг, юринг деганига кўнар, улар билан муомала қилишни ўрнига қўярди. Болалар бўлса унинг серажин юзини томоша қилишни яхши кўришарди. Кўп кичкинтойлар эса кампирнинг фил суягидек сапсарик қўлидаги кўкимтир томирларга қўрқа-писа, аммо завқ билан қўл тегизишарди.

Қишлоқ йўлига туташадиган торгина сўқмоқ тепаликдан ошиб ўтади. Ана шу тепаликда қизил ва сарик ранг-

га бўялган учта почта қутиси бор. Қутиларни ўраб турган гов бундан бир неча йил илгарини йўқ бўлиб кетган бўлса ҳам, давлат учта симёғоч қолдирган, қутилар ана шу симёғочларга қоқиб қўйилган. Бу симёғочлар давлатга қарашли эди.

Сариқ рангдаги почта қутиси Лизага қарарди. Бир вақтлар бу қутига тоғдаги аллақандай бир қишлоқнинг номи ёзилган, ҳозир эса аллақачон ўчиб кетган эди. Дарвоқе, унинг бунчалик аҳамияти ҳам йўқ эди. Хат ташувчи посёлкадаги почта қутиларининг эгаларини яхши биларди, ўзи ҳам ёш жиҳатдан қутилару, Лизадан қолишмас, мункиллаб қолганди.

Лизанинг ҳаётида шу чоққача учта муҳим воқеа юз берган. Булар: «Титаник»нинг ҳалокати, Йоннинг урушда ҳалок бўлгани ва лотарейасига ютуқ чиққани эди. Сўнги икки воқеадан воқиф қилувчи хабар почта орқали келди. «Титаник»нинг ҳалокатини эса тасодифан эшитиб қолди. Бир куни уйда битта йўловчи тунаб қолди, ўшанинг газетаси бор экан. Ана шу газетада «Титаник»нинг ҳалокати ҳақида хабар босилганди. У пайтларда Лиза газета-пазета ўқимас, ўшанда ҳам ҳозиргидек сўққабош эди. Шунда у нима ҳам бўлди-ю, газетадан: баҳайбат пароходнинг қаердадир, денгизда муз тоғига урилганиги ҳақидаги хабарни ўқиб қолди. Бу хабар жуда таъсир қилганидан Лиза ҳанузгача буни унутолмайди. Бу кампирнинг ҳаётида маълум бир босқич бўлиб қолди.

Лиза кейинчалик эшитган бошқа даҳшатли воқеаларнинг барчаси «Титаник»нинг ҳалокати олдида ҳечдай туюларди.

Унинг уйда тунаган йўловчи Йоннинг отаси эди. У ҳам бошқа кўпгина йўловчилардай ўрмондан чиқиб келди-да, бир кеча қўниб кетди. Эртасига барвақт туриб кофе ва бошпана учун ҳақ тўлади-да, миннатдорчилик билдириб, хайр-маъзур қилди. Агар Лиза эртасига уни кўриб қолса ҳам танимасди.

Лиза ҳалиги йўловчи билан яқинлашиб хато қилди, ёши бир ерга борганда гуноҳга ботди. Бироқ, у қўл силтаб қўя қолди. Йонни ёзда, саҳар пайтида туғди. Енида ҳеч ким йўқ, ўрмонда фақат какку сайрарди. Лиза сал дармонга кирди дегунча, сигирига ўт ўргани жўнади.

Йон катта бўлгандан кейин мактабда ўқий бошлади. У анча зеҳнли бола чиқди, яхши ўқир, механикага ҳам тиши ўтар эди. Онасининг ёнига қириб қолганда яна бит-

та сигир сотиб олишди. Немислар мамлакатга бостириб киришганда ўртоқлари билан қишлоқ йўлига чиқиб немисларнинг автомобилини қўлга туширди. Немислар уни шаҳардан берида, посёлка яқинида қатл қилишди. Улар уйда радиоприёмник сақлаш ман қилишганда, Лиза битта сигирини сотиб приёмник ва лотарейя билети олди. Ана шу билетга бир кун ютуқ чиқди. Лиза ютуқ пулини ахир бир кун Йонга керак бўлади-ку, деб ертўлага яшириб қўйди. Чунки Йон қайтиб келса мактабда ўқийди, кейин инженер бўлади-да. Лиза ҳар гал пулни қайта санаб, сўнгра бурчакдаги темир қутига яшпраётгандагина Йоннинг аллақачонлар оламдан ўтганини эслаб қоларди. Шунақа пайтларда хонасига кириб, радиодан оламда бўлаётган даҳшатли воқеаларни тингларкан, хаёли «Титаник»нинг ҳалокатига оғарди.

Лиза қишлоқ йўлининг чеккасидаги симёғочга қоқилган почта қутисидан хабар олгани ҳафтада бир марта посёлкага тушарди. Чунки ўғлидан хат келишнин кутарди. Йўлда олдидан чиқиб қолган одамлар у билан бирикки оғиз гаплашишаркан, негадир кампирнинг олдида ўзларини айбдор сезишар, нима билан бўлса ҳам унга бирор яхшилик қилишни исташарди. Кўнгилчан кишилар кўпинча: «Лизанинг сўққабош туриши яхши эмас. Худо кўрсатмасин, лоп этиб бир нарса бўлса нима қиламиз»,— деб қўйишарди.

Кишилар Лизага бирор яхшилик қилишни исташганидан тез-тез бола юбориб, бир келиб кетсин дейишарди. Шунақа пайтларда Лиза йўқ демай чақиргани борган болани етаклаб кириб келарди. Болалар уни яхши кўришарди, чунки Лиза уларнинг кўзига бошқача бир дунёнинг кишисига ўхшаб кўринарди. Юзидаги ажиблардан бўлса болалар кўзларини узишмасди. Улар Лиза дунёдаги ҳамма нарсани билади, деб ўйлашар ва бунга ишонишарди.

Катталар ҳам Лиза билан суҳбатлашишни ёқтириб, болалар сингари у кўп нарса билади, деб ўйлашар, очиқдан-очиқ «Уйингда радио борми?» деб сўрашмаса ҳам, ундан оламда нималар бўлаётганини билиб олишга ҳаракат қилишарди. Қизиғи шундаки, Лиза ҳақиқатан ҳам кўп нарсадан бохабар, эшитганларини бир хил кампирлардек дудмал қилиб айтмас, балки гапирганда кўп шаҳар ва қишлоқларнинг номларини ҳам қўшиб кетарди. Шунинг учун ҳам олдида харита ёзиб қўйишса у

фронт сархади қаердан ўтганлигини бармоғи келишган бўлса ҳам қуш тумшуғидек букиб аниқ кўрсата оларди. Посёлкада атиги бир неча уйда радио бўлса ҳам уларнинг эгалари эшитганларини қўшниларига айтишдан чўчишар, нега деганда, бундай хабар тарқатганларнинг боши кетарди. Бундан ташқари, ҳар бир кишининг ўзига яраша ташвиши бўлиб, оламдан нима ўтаётганлиги билан кўпинча ҳеч кимнинг иши бўлмасди.

Лизанинг унчалик ташвиши йўқ, сигири-ю, озгина ери бор, уни ҳам раҳмдил кишилар ҳайдаб, мола босиб беришарди. Пичанзорини бўлса ўзи ўрар, ўтларни ҳам ўзи қуритарди. Қиш кунларида эса ҳовлидаги қорни ўзи кураб, қудуққа йўл очарди. Посёлкадагилар ўтин келтириб беришса, ўзи бемалол ёраверарди.

Лизанинг кўп бошини қотириб, вақтини оладиган ташвиши бўлмаганидан ҳар қанақа қийин помларни ҳам ёд олишга бемалол улгурарди. У шу тариқа тоғдан посёлкага тушиб юриб кишиларга оламдаги гапларни етказиб турувчи ахборотчига айланиб қолди. Кишилар жаҳонда ақл бовар қилмайдиган ишлар рўй бераётганини, яъни, мингларча кишиларнинг ёстиғи қуриб, далалар пайҳон қилинаётганидан, ўрмон ва шаҳарларнинг кули кўкка совурилаётганидан даҳшатга тушиб, калима келтирсалар, Лиза «Титаник»нинг ҳалокати ҳақида ўйлар, бир нуқтага тикилганича ўтираверарди. Унда даҳшатларнинг ўзинча бир мезони бор эди. Ёстиғи қурилган миллионча кишиларга у барибир «Титаник» билан бирга фарқ бўлган ўша мингларча кишиларга ачингандек қуймасди. У бир вақтлар кеманинг ҳалокатидан огоҳ бўлганида, жуда ҳам чекканидан гўё бу бахтсизлик қалбидан абдий жой олганди. Ушандан бери оламда рўй бераётган бошқа ҳар қандай даҳшатли воқеалар унга дахлсиздай эди.

Шамол қайинларни шитирлатиб, япроқлар ойналарни сийпалаган кечки дамларда, Лиза жонини ҳовучлаб радио эшитар, уйини оркестр овози ларзага келтирарди. Лондонда уч юз кишилик оркестр Лизага атаб куй ижро этарди. Лиза шундан кейин приёмник қулоғини бурар, энди Бетховен музыкаси тоғ кўчкинидек шиддаткор жаранглар, у чинни кучукчалар турган шкаф билан тувакдаги гуллар терилган дераза токчаси ўртасига бамисоли шалолодек қуйиларди. Шундай онларда фарқ бўлаётган «Титаник» фожиаси Лизанинг кўз ўнгидан



бирма-бир ўтар, кеманинг бир томонга жуда оғиб кетган палубасини аён кўрар, ўлим таҳликасида қолган эркаклар, аёллар ва болаларнинг фарёдини эшитарди. Бу фарёдлар тун қаърини ёриб, денгизда учар, хонасида кўкка сапчувчи тўлқинлар мавж ураётганга ва ноиложликдан дарак бераётганга ўхшарди. Музыка тугагандан кейин узоқ вақт иш тўқиб ўтирарди, у Йон учун бир нарса тўқирди.

Ўрмон ёқдан келган кишилар ўз одатларича кўпинча уникида қолишарди. Бир замонлар Лиза улардан оладиган уй ҳақи ҳисобига кун кўрарди. Йўловчиларга кофе тайёрлар, қоладиган бўлишса жой солиб берарди. Уша кезларда ҳаво очилиб турса, йўловчилар тез-тез, ҳатто ойда бир неча бор ҳам келаверишарди.

Уруш пайти бўлгандан кишилар ноиложликдан ўрмонга онда-сонда келишса ҳам Лизанинг уйига кириб туришарди. Гоҳо йўловчилар уйга кўзлари тушмасданок радио овозини эшитишарди. Агар кечқурун ёки тунда узоқда милтиллаб турган чироқни кўриб қолишса, суюниб кетишарди: Лиза буйруққа хилоф бўлса ҳам деразага парда тутмай, ярим кечагача тинчлик симфониясини эштади. Радиодан бегона тилларда гапирилган нутқларни эшитганидан оламда рўй бераётган даҳшатли воқеалар унга янада мунгли ва сирли туюларди. Бир кеча қўниб кетгани келаётган кишилар эса радио овозини узоқдан эшитибок ўтакалари ёрилса ҳам буни ҳеч кимга айтишмасди. Чунки кўп кишилар Лизанинг ўғли урушда ҳалок бўлганини билишганидан кампирни жиннига чиқариб қўйишганди. Йоннинг отаси ҳам бир кеча тунаб кетди. Лиза унинг бир оёғини сургаб босишидан таниб қолди. У узоқ юрганидан жуда ҳориганди. Лиза унинг пешонасини тутиб кетган қалин сочларига тикиларкан, мени ҳали ҳам эслармикин, билармикин деб ўйларди. У емакхонадаги устига эски клеёнка солинган стол ёнида ўтираркан, олдига кофе қўйди. Кейин ичкарига жой солиб берди. Улар худди ўтган галдаги сингари ўртадаги эшикни очиб қўйиб гаплашиб ётишди. Биринчи суҳбат эса бундан ўттиз йил муқаддам бўлган эди, Лиза янаги йилга етмишга киради. Шунинг учун уни бир амаллаб кексалар уйига жўпатиш хусусида посёлкада гап-сўз юрарди. Бироқ Лиза қариялар уйига бориш у ёқда турсин, уни эшитгиси ҳам келмасди.

Йоннинг отаси сунъий кофени ҳўплаб-ҳўплаб уруш

ва ўзи ҳақида гапирди. У тикув машиналари сотувчи агент экан. Бу ҳам Лизанинг эсига тушди. Йоннинг отаси посёлкадаги кишилардан пул йнғарди. У тикув машинасига қандайдир бир қисм ихтиро қилган бўлса ҳам, бундан бирон нш чиқара олмаган эди. Бу гал ҳам уриниши беҳуда кетибди. У бошидан кечирганларини бирма-бир Лиза гапириб берди. Озроқ пули бўлса ишлари жўнашиб, ихтироси ҳам рўёбга чиқармиш.

Лиза унинг гапларидан вақти етишмаётганлигини фаҳмлади. Ҳа, Лиза ичкари хонада ёстиқ йиртигидан чиқиб турган похолни олиб ташлашга уринаркан, бир вақтлар мағзини чақолмаган бу гапни яна эшитди. Агар унинг бугун келишини билганда ёстиқдаги похолни албатта янгилаб қўйган бўларди.

«Эсингни ўзингга олиб, бундай ўйлай десанг ҳеч вақт йўқ-а», Лиза Йоннинг отаси бу билан нима демоқчи бўлганига ақли етмаганди. Кейинги йилларда ҳам бу гапнинг мағзини чақишга уриниб кўрганди. Олдин унинг маъносига тушунишга ёшлик қилган бўлса, энди оққорани таниди, ақли ошди, қариди...

Йон йнғирма етти ёшга қадам қўйганида урушда ҳалок бўлди. Лиза ўрин олдида тураркан, ана шуларни ўйларди. Кейин ошхонага кирди. Чироқ ёниқ. Йоннинг отаси ҳали ҳам қимирламай ўтирарди. Лизанинг кўзи унинг келг яғрини ва текис елкасига тушди. Олдин келганда ҳам худди шундай ўтирган эди. Йон ўлгандан бери энди икки йил ўтибди.

— ...Бу лаънати немислар... — меҳмон шундай деди-ю, тўхтамай нон кавшайверди. У тош қотган бутербродни базўр чайнаркан, ихтиросининг белига тепган немисларни ёмонларди. Лиза печкага яқинлашиб, чойпақдан унга яна кофе қўйиб узатди. «Ана шунақа, ҳар йили оёққа зўр бериб эски машиналарга одамлардан пул йнғаман»,— деди у. Унинг нариги томонда қиладиган ҳеч қанақа иши қолмаганидан бу ерга ўрмон оралаб келганди.

Лиза печкага ўтин ташлади. Ташқари бўлса совуқ, шамол тинимсиз увулларди. Куз кирибди. Лиза бу ҳақда энди ўйлади. Одамлар бўлса куз тушиб қолганидан Лизани қариялар уйига жўнатиш тараддусида юришарди. Агар уйга ленсман келиб қолса борми, радноси борлиги учун қамаб қўйиши турган гап эди.

Лиза бўлиб ўтган бутун воқеаларни кўнглидан кечи-

раркан: «Балки у мени унутмагандир» деган фикрига келди. Тўғри, Йоннинг отасига ўхшаган йигитлар бу ерда жуда кўп ўтишган. Улар тўғри келган билан ёшган, қарини суриштирмай ётиб кетгенинилади. Шундай бўлгандан кейин, бу ҳам Лизани бутунлай осидан чиқариб юборгандир?

Лиза радиони қўйишига уринувди, радио таширмади. Уни қисқа тўлқинга созлаш қийин бўлди. Шундан кейин Йоннинг отаси уни очиб, лампалар ва трубкалар орасидан ниманидир излай бошлади. Лиза эса унга қараб турди. Ана шу бармоқлар бир вақтлар Лизанинг кийимидаги тугмача ва боғичларни илдам ечганди. Унинг чаққонқўллиги Лизага ёққан эди. Агар шу қўллар бўлмаганда Лиза уни уйига киритмаган бўларди. Ўрмондан чиқиб келган йигитларнинг кўпчилиги ҳам унга шилқимлик қилган эди-да, ахир!

Лиза аппаратдаги кўзга кўринмайдиган қандайдир деталларни тузатаётган қўлларга қараб турарди. Приёмник тузалди. У қисмларни жой-жойига қўйиб, аппаратни ёпди. Кейин икковлари оламдаги ғам-ғуссадар ҳақидаги ахборотни тинглашди. «Ҳа,— деди Лиза ичида,— унинг қўлидан ҳамма нарса келади». Қалбида туғён кўтарган бу фикр унга тиним бермасди. «У ҳамма нарсанинг удасидан чиқади». Лиза яна «Титаник»нинг ҳалокатини эслади.

Лиза гўё баҳайбат кеманинг бир томонга қийшайган палубасини яққол кўрар, денгиз унинг чироқларини ўз қаърига тортар, кемани борган сари зулмат қопларди. Музыка янграганда у аёзли кечада денгизга фарқ бўлаётган инсонларнинг фарёдини эшитгандай бўлди. Умрида биринчи марта вужуди сал таскин топганга ўхшади.

\* \* \*

Йоннинг отаси эрталаб бошпана ва кофенинг ҳақини узатганда, Лиза унга кичкина бир қути берди. У тонг отмасдан оқ ертўлага тушиб, пулни олиб, охириги марта санаган эди. Унинг учун Йон энди абадий оламдан ўтганди.

У олдиниға пулни олмади, лекин Лиза қўярди-қўймай унга қутичани тутқазди. Қутичани кўтариб ўрмон сўқмоғидан кетаётганида ҳам Лиза унинг кетидан қараб турди: бир оёғини сургаб босаётганлигини ҳам кўрди. Ил-

гарн у бунчалик қаттиқ оқсамасди. Эҳтимол ҳозир олтмишга, олтмиш бешга киргандир.

У ихтироси рўёбга чиқса хат ёзишга ваъда берди. Емғир шивалаб турарди. Лиза Йоннинг отаси ўрмонда кўздан йўқолгунча қараб турдн. Шу топда дилди: «Мени эслармикан?» дерди. Буни ундан сўрашга юраги бетламади. Туш бўйи мижжа қоқмай «Титаник»нинг ҳаҷоқати, икки уруш ва Йонни ўйлади. Радиоси тузалди. Агент унга яхшилик қилди. Шунда Лизанинг хаёлига: «Яхшилигини нима билан қайтарсамикин» деган фикр ҳам келди.

У ўрмонда кўздан йўқолган бўлса ҳам Лиза тош зинада туриб, ўша ёққа тикиларди. Кейин пақир кўтариб оғилга кирди. У «эс-ҳушини йиғиштириб олиб» тажрибага киришганида, албатта хат ёзишга ваъда берганди.

Лиза ҳар ҳафта посёлкага тушиб сариқ қутидан хат излайди. Ахир бир кунмас, бир кун хат келиши керак-ку! Хат келса, Лиза унинг ишлари қандай кетаётганини билади. Агар бирорта хутордан бола келиб қолса, танишлариникига ҳам бош суқиб ўтади.

Лиза ана шу интизорликда қандайдир бир мададни, қариялар уйи, ленсман, оламда рўй бераётган фалокатлар ва Йоннинг ғамидан ўзини сақлайдиган ҳимояни кўрарди. Кечқурунлари радио олдида ўтириб, илгаригидай Йонга бирор нарса тўқирди. Йон ўлди, уни урушда ўлдиришди. Унинг бўйи отасининг бўйи билан баравар бўлиб қолганди. Иккови ҳам эпчил, уддабурон кишилар эдилар.


Лиза йўл чеккасидаги симёғочларга қоқилган почта қутиси ёнида тураркан, бу интизорлик уни барча хатарли нарсалардан муҳофаза қилаётганини сезарди. Ана шу интизорлик сал бўлмаса унутилаёзган «Титаник» ҳалокатини қайта ёдига туширди.

Ҳа, бу воқеа жаҳондаги мусибатлар ҳаддидан ошиб кетган кунлардан аввал рўй берганди. Биринчи жаҳон уруши, ҳозирги уруш ва Йоннинг ўлими Лизанинг хаёлида шундай бир яхлитлик касб этгандики, бу энди кампир ҳаётидаги энг катта воқеа саналарди.

Бахт ва интизорлик шуъласи қалбини ёритган Лиза ҳафтада бир посёлкага тушиб хат келмаганмикан, дея почта қутисини титкиларди.

Арве Муен

### КИЧКИНА ХАНС УЛҒАЙМОҚДА



Ханс дегап бола беш ёшга тўлганда ўзидан катталарнинг ғалатиги ва дунёнинг мураккаблигига фаҳми етди. У олдин ҳам ақли етмайдиган ишларни кўрган, бироқ уларни ойисидан сўраб биллиб олганди.

Ханснинг ойиси ҳамма нарсадан хабардор эди, бир оғиз ҳам ёлғон гапирмасди.

Ҳозир эса Ханс бўлиб ўтган воқеанинг яхши-ёмонлигини ойисидан сўролмасди, чунки ойисининг ўзи уни гангитиб қўйди. У мушугини олиб боғнинг ўзи яхши кўрган бурчагига бекиниб олди-да, энди нима қилсам экан, деб ўйлай бошлади. Ҳадеб ўйлайверганидан боши ҳам оғриб кетди.

Ханснинг эсига бултур ойиси билан бир хотинникига меҳмонга боришгани тушди. Ушанда ҳамма кофе ичган, Хансга эса сут беришганди... Ойисининг таниши бўлган жуда хушфеъл ва мулойим уй бекаси Хансни пирожний билан меҳмон қилди. Ханс бола бўлиб бунақанги чиройли пирожний кўрмаганди, тагин унинг ширинлигини айтмайсизми! Уй эгаси ликолчада пирожний олиб келаверди, Ханс бўлса еяверди. Ахири қорни шишиб кетди. Шунда ойиси, бўлди энди ема, ёмон бўлади, деди. Ойиси шундай деяётганда Ханс унинг овози ўзгарганини, унинг оғзини зарда билан артиб қўйганини фаҳмлади.

Меҳмонлар тарқалгандан кейин ойиси Хансни, сен ёмон боласан, пирожнийларни йўқ демай еявердинг, деб

Уришди. Яхши бола меҳмондорчиликда биттадан ортиқ пирожний емайди, буни сенга мннг марта айтганман,— деди. Ойиси, Ханс уни меҳмонларнинг олдида уялтирганини, яна шунақа қиладиган бўлса, ўзи билан олиб юрмаслигини ҳам айтди.

Ханс, хола жуда яхши экан, ўзи ол-ол деяверди-ку, деб ўзини оқламоқчи бўлди. Бироқ ойиси, холанг бу гапларни сени қанақалигингни билиб олиш учун айтди. Сен раҳмат айтиб пирожнийни олмаслигинг керак эди, деди.

Катталар жуда муғомбир бўлишади-да!

Наҳотки, ҳамма кишилар ҳам муғомбир бўлишса? Дилларида бошқа-ю, тилларида бошқа. Нега бунақа қилишаркин? Бироқ ойиси шундай дегандан кейин, тўғри бўлади-да.

Ханс одамлар мени ёмон бола демасинлар, деб қўрқиб агар биров бирор нарса билан меҳмон қилмоқчи бўлса раҳмат айтиб, олмасди. Шундай қилиш осонми? Ханс айниқса нишолдали пирожнийларни кўрганда ўзини аранг тиярди. Бир куни Алф деган қўшни бола билан ўйнаётганда ўртоғининг ойиси унга бир бўлак торт берди. Ханс йўқ деёлмай олиб энди ея бошлаганди, ойиси чиқиб қолди. Шунда у қўрққанидан жойида қотиб қолди. Кейин нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, тортни дарахт тагига кўмиб қўйди.

Ханс ҳар қалай яхши бола бўлишга ҳаракат қиларди. Ахир ёмон бўлиш гуноҳ-ку!

У ўзини аста-секин нафсини тийишга ўргатди. Ханс битта-яримта меҳмон қилмоқчи бўлиб, бир нима узатса, оғзидан беихтиёр «Йўқ, раҳмат» деган сўзлар чиқиб кетар, олсаммикин, олмасаммикин деб ўйлашга ҳам улгурмасди. Кейин эса олмаганига аччнар, бироқ, вақт ўтган бўларди. У ширинликларни олмай: «Йўқ, раҳмат» деган пайтларида ўзича терисига сиғмай кетарди. Шундай қилганимни ойим эшитса ҳам хурсанд бўлади, ҳам савоб иш қилган бўламан, деб ўйларди.

Тўсатдан бир воқеа рўй берди-ю, Ханснинг дунё ва кишилар ҳақидаги фикрлари ўзгариб кетди. Жуда гангиб қолди. Оламдаги ишларнинг қайси бири тўғрилигига ишониш ё ишонмаслигини билмасди.

У бир куни руҳонийнинг богида ўйнади. Боққа жуда кўп бола йиғилди. Ханс уларнинг баъзиларини билар, бир хилларини кўрган, айримларини эса мутлақо танимасди. Бу ерга Ингрид холанинг Ева ва Элза деган қиз-

чалари ҳам келишганди. Қизчалар бошқалардан каттароқ бўлиб, мактабда ўқишарди. Болалар бу катта боғда тоза яйрашди, кейин уларни шоколад ва пирожний билан меҳмон қилишди.

Пирожнийлар жуда кўп: нишолдалиги-ю, шакар қўшилган мевали пирожнийлар ҳам бор, улар жуда ширин эди. Болалар пирожнийга роса тўйишди, Ханс ҳам бошқалардан қолншмади. Биттаям бола «Йўқ, раҳмат» демади, учтадан ортиқ пирожний еса ҳам биров индамасди. Ханс ҳам йўқ демай олаверди.

Ушанда ҳамма гап ана шу пирожнийдан чиқди.

Катта ликопда битта нишолдали пирожний қолганди. Рухонийнинг истараси иссиқ ва сочи ўзига ярашган хотини шу пирожнийни ҳаммага бир-бир тутиб чиқди. Болалар қоринлари тўқлигидан уни олишмади. Шунда бека Ханснинг ёнида ўтирган Еванинг олдига келди-да, жилмайиб:

— Ола қол, айланай, бошқа йўқ, — деди.

Ханс шу топда агар Ева пирожнийни олмаса бека хафа бўлади, деб ўйлади. Шунинг учун тўсатдан:

— Агар Ева олмаса, мен оламан, — деб юборди.

Каттароқ болалар кулиб юборишди. Ева билан бошқа қизчалар бўлса ҳаммадан кўп кулишди. Ўзлариям ичаклари узилгунча кулишди-да!

Ханс уни алдаганларини билиб қолди. Ундан бошқа болалар пирожнийни олишмади, у бўлса охиргисини беринг, деб ўтирибди-я!

Олдида ликопчада пирожний турса ҳам Ханс унга қўл тегизмади. Қорни бўлса тўқ, фақат мен ёмон бола эканман, ёмон бола бўлиш яхши эмас, деб хафа эди. Ева билан Элза уйларига бориб ҳамма гапни айтиб беришса, ойиси албатта эшитиб жаҳли чиқади, кейин Хансни уришади. У ўғлининг бу қилмиши учун одамларнинг юзига қаролмайди. Ханс буни яхши тушунади.

У бир неча кун нима қилишини билмай юрди. Ойим бугун бўлмаса, эртага ҳамма гапни эшитади, деб ишонарди.

Мана бугун уларникига Ингрид хола Ева, Элзани олиб меҳмонга келди. Меҳмонлар айвонда ўтиришганда Ханс уларнинг гапини эштай, деб сиренлар орасига беқниб олди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, ойиси унга сут ва пирожний бермоқчи бўлиб чақирди. Ханс индамади, ҳозир то-

моғидан пирожний ҳам ўтмасди. У бекнииб ўтирган жойда ойисиинг:

— Қаёққа йўқолдийкин-а? Пирожний борлигини билса ҳеч қаёққа кетмасди-ку,— деганини эшитди. Ева бўлса:

— У ҳалиям пирожнийни илгаригидай яхши кўралими?— деди-да, бўлиб ўтган воқеани қўшиб-чатиб айтиб берди.

Ханс жойида тарашадек қотиб қолди.

Ева гапириб бўлгандан кейин ҳамма кулиб юборди. Ойиси ҳам қўшилиб кулди. Бунга Ханс жуда ҳайрон қолди: у ёмон иш қилган бўлса, нега ойиси кулиб ўтирибди. Шундан кейин унинг тарвузи қўлтиғидан тушди, қайтанга адабини берганлари яхшийдди.

Ханснинг катталар ҳақида фикрлари чиппакка чиқди. У ойимни хафа қилдим деб ўйлар, ойиси эса Ханснинг қилиғига куларди. Кулганда ҳам худди Ева билан Элза боғда кулганларидай куларди.

Ханс беркинган жойида жаҳли чиқиб ёлғиз ўзи ўтирарди. У қайсарлиги тутаётганини пайқади. Шу пайтда ойиси, иккинчи айтмагин, деб тайинлаган ёмон сўзларни айтиб бақиргиси келди. Ойиси шундайям кулармикин?

Балки ўша сўзлар унчалик ёмон эмасдир. Ойиси атайлаб шундай дегандир?

Ханс йиғламоқдан бери бўлди. Бироқ хаёлига ойим ҳам Ева билан Элзага ўхшаган экан-да, деган даҳшатли фикр келиб қолди.

Тиззасида бўлса мушуги хуриллаб ётарди. У мушугини баланд кўтариб, улоқтирди-да:

— Йўқол, ярамас мушукча!— деб туфурди.

Кейин икки қўлини чўнтагига солиб, уйга аста-секин кета бошлади.



ОРКЕСТРДАГИ ЧУВОЛЧАНГ



Симфоник залда капельдинер бўлиб ишлаган вақтимда Заро оркестрда «зарбчи» эди. Зарбли асбоб, бошқача айтганда батарея икки томонга жез ликобчалар ўрнатилган барабан билан ингичка ёки йўгон товушлар ҳосил қилиш учун ишлатиладиган катта-кичик таёқчалардан иборат эди. Бу чолғу асбобига тегишга менинг ҳақим йўқ, унга фақат Зарогина яқинлаша оларди. У батареясини ўзи артиб, ўзи созлар, устидан ғилофини ҳам ўзи олар, кейин худди янги туғилган чақалоқни йўргаклагандай ўраб қўярди.

Созандаларнинг кўпчилиги чинакам санъаткорлар бўлишни орзу қилишарди. Уларнинг қалби санъаткорона қалбдир. Бироқ зерикарли ҳаёт уларнинг орзуларини барбод қилади, шундан сўнг созандаларнинг ўзлари ҳам итнаткор чолғу асбобларига айланиб қоладилар.

Фақат Зарогина ҳассос артистлигича қолганди. Куй унинг жони эди.

— Мана сен скрипка билан роялни биласан,— дерди у менга,— батарея-чи? У симфониянинг ўзи.

Мен музыкага унча тушунмайман, деб жавоб қайтаролмасдим. Шундай бўлса ҳам унга жавоб тариқасида дердим:

— Мен марказий иситиш системасига жавобгарман, сизлар соз чалаётганда бармоқларнинг совқотмасин деб қайғураман, бироқ марказий иситиш системасини симфония деяётганим йўқ-ку?

Айтгандай, баҳслашиб Зарога тенг келиш қийин эди, концертмейстерга ҳам. Аммо концертмейстерни бир оз билардим, чунки шаҳарга келган машҳур дирижёр унинг қўлини қисиб, бутун томошабинлар олдида оркестр учун унга мианнатдорчилик изҳор қилганди. Оркестрдаги созандалар номидан дирижёрнинг мианнатдорчилигига ва томошабинларнинг олқишларига пича уялиб, бироқ гурур билан жилмайган киши ҳам шу концертмейстер эди. Концертмейстер репетиция пайтларида дирижёр барча созандаларни ҳақоратлаганини, дирижёрдан барчанинг нафратланганини аллақачон унутиб юборганди.

Айтгандай, Зародан бошқа барча созандалар бундай ҳақоратларни тез унутиб юборадиган кишилар тоифасидан эдилар.

Сиртдан қараганда зарбли асбоблардан чиқадиган товушнинг музикага мутлақо алоқаси йўқдай кўринарди. Чунки оркестрдаги зарбчининг асосий вазифаси санаш, холос. У музика чалинаётганда ичида санаб туради, пайти келганда ингичка ёки йўғон таёқчасини қўлига олиб барабанга бир уриб қўяди. Шунда ё йўғон, ё ингичка товуш чиқади. Зарбчи барабандан момақалдиروқнинг гулдурани ёки тўпнинг гумбурлашига ўхшаган овоз чиқара олади. Таёқча билан ликобчага секин урилса «панг» ёки «плинг» деган товуш эшитилади. Шунда ҳам олдин ҳисоблаб туриб, кейин чалиш керак. Барабанчи чарчамасдан, ичида тишимсиз санаш керак.

Мен репетиция кетаётган маҳалларда доимо залда бўлиб, музикага оз-моз тушуна бошладим, ҳаммасидан ҳам созандалар меҳнатининг аянчли ва беқадр эканлигини англадим.

Репетиция маҳалларида созандаларнинг ишчи ёки хизматчилар сингари билан ва мияларига зўр келмайди. Хўжайин ишчи ёки хизматчини сўка олади, бироқ созанданинг дилини оғритиб бўлмайди. Созанда келгусида катта шўхрат топадиган шахсдир. У жуда бўлмаганда иш бошлаган дастлабки йилларида шундай ўй билан яшайди. Бироқ у қўлида таёқча тутган дирижёрдан сўкиш эшитаверади.

Ҳа, созанданинг меҳнати аянчли, у доим камситилади.

Кўпинча биз созандаларни безатилган ёп-ёруғ концерт залларида кўрамиз. Улар фракда ўтириб, ажойиб асарларни ижро этадилар. Репетицияларда эса кунда киядиган кийимларида дирижёрнинг мижозига қараб

бир асарни уч-тўрт, ҳатто беш саотлаб чалишади, парти-тураларни чироқларнинг хира нури ёритиб туради. Кўпчилик созандалар кафеларнинг оркестрларида ишлаганликлари ёки музыкадан дарс беришлари туфайли, репетициядан кейин ҳар ким ўз тирикчилигига кетиб қолади. Ана шундай репетициялардан кейин уларнинг терга чўмган ва синиққан чеҳраларида завқ-шавқ аломатларини кўрмайсиз. Дирижёр терини артиб, елкасига костюмин ташлаб, бўлди энди, етар деган пайтида, созандаларга қарасангиз, уларнинг чарчаш, зеркиш ва нафратдан валакисалап бўлиб қолганларини кўрасиз.

Мен фақат Зародагина толиқиш белгиларини кўрмасдим. Унинг чеҳрасида толиқиш излари ҳеч қачон кўринмасди. Репетиция тамом бўлгандан кейин у таёқларини авайлаб тахлар, бир парча мўйна тери билан батареяни артарди-да, ўзинча «да-дадидаданич» деб хиргойи қиларди. Шунда унинг қора кўзлари чақнаб кетарди. Ё худо, заб тема-я! Ажойиблигини қаранг!— дерди созандалардан биронтасига.

Бироқ созандалардан ҳеч қайсисининг бу тема қанақалигини муҳокама қилишга вақти ҳам, иштиёқи ҳам бўлмасди. Заро ўзига ўзи гапирганча қолаверарди:

— Ажойиб! Нақадар ажойиб.

Мен Заронинг машқ қилаётган пайтини кўришга ҳам муяссар бўлгандим. Заронинг шахсий батереяси йўқ эди. Шундай бўлса ҳам у машқ қилаверарди. Олдига парти-турани очиб қўйиб, музыка тактига монанд бошини қимирлатиб, ичида санагани-санаган, шунда кўзида қандайдир эзгу орзу яширинганлиги кўриниб турарди. У тасаввуридаги таёқчалар билан жез ликобчаларни чалар. Шундай онларда уйига кириб қолсам, фақат Заро учун янграётган ва унинг ғариб кулбасини муҳташам ва ёруғ залга айлантираётган унсиз симфонияни бўлиб қўймаслик учун бир чеккага индамай ўтира қолардим. Шунда Заронинг кулбасида бахт кезарди. У гўё плита қурилган мўъжаз ҳужрадаги столда ётган бурда нон, дудланган колбаса ва пиёзнинг анқиб турган ҳидиданамоён бўларди.

— Сийқалашиб қолишларига созандаларнинг ўзлари айбдор,— дерди Заро.— Улар музыкада шодликни кўролмайдилар. Оркестрда ўз ўринларини топгунча бола-чақали бўлиб оладилар. Кейин кийим, ижара ҳақи ва болаларнинг китобига пўл топниш керак бўлади.

Шунда улар истеъдодларини хазон қилиб ўқитувчилик қиладилар ёки кафеларда ишлайдилар. Санъат ўлгудай назик бўлади, — дерди у сўзида давом этиб. — Унга ёрқин бўёқлар керак, у сийқаликни кўтармайди, тезда маҳв бўлади. Мана, менга қара, уйимни томоша қил. Уйим сарой эмас, бироқ тўлайдиган ижара ҳақим ҳам унча кўп эмас. Ой бошида ижара ҳақини тўлай олармикинман, деб тонг отгунча бош қотиришдан қутулганимга хурсандман. Уйимда ётиб, беш долли рус музикаси ҳақида хаёл суриб унинг мукамаллигинида қувона оламан. Ёқут ва зумрад камалак мен учун шодлик келтиради. Қалбимдаги куй эса мени аллалайди, кундалик тирикчиликдаги машаққатлар куйларимга раҳна соллолмайди. Мана шу хужрам камалагимнинг саройи. Бу ерда аёлга жой йўқ. Агар муҳаббат чакканга тегиб, ўз қадр-қимматини йўқотса, унда кўзини ижара ҳақи билан сут пули кўриниб қолади! Ана шундан кейин тирикчиликка берилиб кетасан, санъатнинг сўнади, у ўзи билан муҳаббатни ҳам олиб кетади.

Заро шундай дерди.

Оркестрнинг юбилейидан сал аввал шаҳарга бир дирижёр келди. Юбилейнинг катта концертида оркестр биринчи марта Сибелиуснинг янги симфониясини ижро этиши зарур эди. Уша вақтларда бу симфонияни жуд а революцион ҳисоблашар, шунинг учун музика арбоблари доирасида бу ҳақда кўп баҳс кетар эди. Шаҳарда уч ҳафта давомида дирижёр шарафига зиёфат берилди, у ҳақда нутқлар сўзланди, кундузлари эса созандалар унинг жазавога тушиб дирижёрлик қилишидан ўлар ҳолатга етишарди. Дирижёр репетицияда костюминини ечиб кўяр, арслон ёлига ўхшаган гажани ҳилп-ҳилп қилар, кўл силтаб, ер тепинар ва созандаларни ҳар ўнинчи тактда тўхташиб, «Ми»дан қайта бошлаймиз, деб сўкинарди. Созандалар машқни ўша жойидан бошлаб, диққат билан чалишар, дирижёр бир неча тактдан кейин яна «Ми»ни тагин бир марта қайтарамиз» деб жаҳл билан сўкинарди.

Шундай пайтларда Заро ўзини худди осмони фалакнинг еттинчи қаватида юргандек ҳис қиларди. У терисига сиғмай кетиб пешона терини артар экан: «Генийнинг ўзи!» Қалби олов экан, олов! Оловмас, вулқоннинг ўзи, вулқон» деса бошқалар: «Иблис!» «Жаллод!» «Дилзор!» — деб вайсашарди.

Шу тариқа барча созандаларнинг симфонияни бир

кишидек ижро қилишларига эришилди. Дирижёрнинг қўл ишорасига монанд равишда етмиш икки соз баравар чалинардики, тингловчи гўё битта соз чалиняпти, деб ўйларди. Куй секин оққанидан деворлар ҳам шивирлар, гўё кимдир бутун қалбидан куйлаб тургандай...

Пакана ва миқти Заро худди сапчишга тайёрланаётган ҳайвондек жойида қотиб қолганди. У дирижёрга эҳтиром билан тикилар, ичида ҳар бир тактни санар, бировга ҳаво орқали бўса ҳадя қилгандай, лабини жуфтлаштирарди. Оппоқ ва семиз қўллари билан барабанининг овозини бирдан тўхтатар экан, гўё қўли ҳам бутун қалби билан бирга куйлаётгандек туюларди. У ичида санагани-санаган, паузаларда ҳам қўли жим турмасди. У таёқларни меҳр билан силаб қўярди.

Заро барабанини оркестрнинг байрамига яхшилаб тайёрлади. Ижро этиладиган симфонияда унинг сози «брр» ёки «бум» деб гумбурлаши керак эди. Бу концертда Заро ёлғиз чаладиган жой ҳам бор бўлиб, шу партияни ижро этар экан, унинг оппоқ ва лўппи юзи тўлқинлашиб кетаётганини ифодалар, сариқ мўйловни титрар, кўзлари эса чақирди.

Устига фрак кийган етмиш икки нафар созанда Европанинг машҳур дирижёрларидан бири раҳбарлигида залда ажойиб куйни ижро этарди. Шунда жуда кўп музика ишқивозларининг «Оркестр составида музика чалишдан улугроқ бахт бормикин! Музика оламида бўлиш абадий байрамнинг ўзи» деганларини эшитганман. Шуларнинг кўпчилиги репетицияларда бўлишмаган-да.

Юбилей концертидан кейин кечқурун оркестр созандалари учун зиёфат берилди. Ҳамманинг диққат-эътибори дирижёрда бўлганини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади. Зиёфатда мен ҳам бўлдим. Чунки мен ҳам оркестрга қарашли эдим-да. Зиёфат жуда қуюқ бўлди, аъло навли ичимликлар ичилди. Нутқлар сўзланиб, қўшиқлар айтилди. Ҳамма хурсанд, дилларда шодлик. Дирижёр созандаларнинг кўпини сенсирай бошлади. Репетицияларда даққи деган бўлса ҳам, ҳозир концертмейстерни қучиб, чинакам санъаткорсиз деб ишонтирди.

Тўлдирилган қадаҳлар дам ўтмай бўшатиларди. Бир печа қадаҳ синдирилди. Ярим кечадан кейин эса зиёфат жуда авжига чиқди; янги симфониянинг муҳокамаси бошланди. Барча созандаларнинг бошларида қоғоздан қалпоқ, фракларида ранг-баранг қоғоз пистонлар жилва

қиларди. Заро эса бошига митти шиллидр кийиб олган, қалли қоғоздан ясалган бурни диккайиб турарди. Унинг ҳам бошқалар қатори баҳсга аралашгиси келар, лекин қанчалик уринмасин гапига ҳеч ким қулоқ солмасди. Ҳамма бараварига гапирар, бири иккинчисининг гапини бўлар, аммо кайфи тарақ бўлган дирижёрнинг дўриллаган амирона овози бошқаларнинг гапларини босиб кетарди. Бошидаги йиртиқ наполеонча шляпа унинг заҳарли сўзларига монанд тебранар, даҳанига эса қайла ёпишиб қолганди.

— Йўқ, ўзларинг ўйлаб кўринглар!— дерди у ҳайқириб.— Жаноб Сибилиус нима қилмоқчи ўзи! Сийқаси чиққан халқ қуйларини соф ва дадил асарга киритишдан нима фойда! Бу ибодатхона деворига саллагулнинг расмини солиш билан баробар-ку!

Шу онда Заро ўрнидан қўзғалди. Унинг ясама бурни тагида ҳурпайиб турган мўйлови ҳам, лаби ҳам, овози ҳам титрарди. Аммо умидсизлик унга довиорақлик бағишлади. Унинг овози дўриллаб, шовқинни босди.

— Устоз! Устоз Кечирасиз! Мени кечиринг, уста, бнроқ фикрингизга қўшилмайман. Гапирингга рухсат этинг, тингланглар ўртоқлар.— У шундай деди-да, баҳсга сабабчи бўлган асар ҳақида гапириб кетди; у романтизм ва классицизм, инструментовка ва оттенкалар, композиция қонунларининг эволюцияси ва ҳозир эсимда қолмаган бошқа кўп нарсалар тўғрисида гапирди. У борган сари шунчалик асабийлашар ва тутилиб-тутилиб қолардики, атроф сув қуйгандай жимиб қолди. Заронинг ҳислари жўш уриб кетиб икки қўлини ёзиб юборди, қора кўзлари янада ялтираб кетди!

Дирижёр икки қўлини кўксига қовуштирганича пакана созандага худди фракка томган доғга қарагандай тикиларди. Бошидаги наполеонча шляпаси ерга тушиб кетди. У ҳеч кимга қарамай бошини мағрур тутиб сўради:

— Бу жаноб ким?

— Заро. Барабан чалади.

— Ҳм, Заро. Сени қара-ю! Барабан чалармиш. Хўш, нима демоқчисан, жаноб Заро. Яхшиси, барабанингни чалаверсанг бўларди. Барабан чалиш созандалик эмас. Сен ҳали менга симфония нималигини тушунтирмоқчимсан? Сен оркестрдаги чуволчангсан!

Дирижёр шундай деб орқасига ўгирилди-да, гўё ҳеч нарса бўлмагандай бошқалар билан баҳслашувда давом этди.

Дирижёрнинг юқоридаги сўзларидан кейин жанжал бошланиши керак эди, бироқ менга атрофни сукунат босгандай туюлди. Бу мудҳиш сукунат фақат Заронгина чулғаган эди. У четга чиқиб кетаркан, жуда кичкина кўриниб кетди. Қоғоз бурни, мўйловли лаби жуда осилиб кетганди.

Зародан бошқалар жуда хушчақчақ эдилар. Очиғини айтганда, ўша кун и юз берган кўп воқеаларни эслаб қолмадим. Бироқ, ташқарига чиқарканман, Зарони кўрганим ҳар қалай эсимда. У бошида митти цилиндр, бир шиша шампанскийни икки тиззаси орасига олиб, зинада йиғлаб ўтирарди. Тез-тез ҳиқиллар, икки юзидан ёши дув-дув оқарди. Бу воқеа тантанали концерт ҳақидаги сўнгги таассуротим эди.

Дирижёр кетишдан аввал яна битта симфоник концертда иштирок этнши керак эди.

Заро биринчи репетициядаёқ мени ҳайрон қолдирди: у бутунлай ўзгариб кетганди. Вазифасини илгаригидай иштиёқ билан адо этмас, шундай, номигагина бажарарди, холос. Ранги девордай оқ, юзи синиқиб кетганидан у касал бўлса керак, деб ўйладим. Репетициядан кейин ташқарига бирга чиқдик.

— Жуда чарчаганга ўхшайсан, Заро,— дедим унга.— У эса индамай пальтосининг ёқасини кўтараркан, йўлида давом этди. Ниҳоят:

— Унинг нима деганини эшитдингми. Оркестрдаги чуволчангсан,— деди.— Мени оркестрдаги чуволчангсан,— деди-я,— мени.

Сўнгра Заро мени уйига таклиф қилди. Мен бемаҳал бўлиб қолди деб важ-корсон қилмоқчийдим уйига яқин келиб қолдик. Бироқ Заро мени ва таклифини унутди шекилли пешонамга теккудай қилиб, эшигини қарсиллатиб ёпиб олди.

Репетициянинг иккинчи кунда у ўзини жуда ғалати тутди. Мен уни юпатишни истардим. Шу сабабли репетициядан кейин уни кўришга ошиқдим. Эшикдан чиқар пайтда уни маҳкам тутдим:

— Менга қара, Заро,— дедим унга,— ке қўй, дирижёрнинг ўша гапини унут. У ҳам маст эди, биз ҳам.

Заро менга шошилмай ўгирилди-да, нурсиз кўзла-

рини тикди, шунда мен унинг кўзларида нафрат сездим. Бу пинхоний, ўтсиз ва гунг, беҳол ва қўрсиз нафрат эди. Заро бир дам индамай турди-да, тескари бурилиб йўлида кетаверди.

Хайрлашув концерти бўладиган кун ҳам етиб келди.

Бир оз асабийлигим тутди. Гарчи мен кўпгина концертларда қатнашган бўлсам ҳам, бу кеча зиммамга алоҳида масъулият юкланган эди. Мен худди дафн маросимида бўладигандай даҳлизга тўлиб кетган гулларни дирижёрга топширишим керак эди.

Мен ён тарафдаги эшикда туриб то дирижёр ўртага чиққунча асбобларнинг созлаганда чиқадиган ғалати овозларига қулоқ солардим. Заро жойида қимир этмай ўтирарди. Қўли барабанда, кўзлари бўшлиққа тикиларди. Унинг бундай туриши мум ҳайкални эслатарди.

Дирижёр ўртага чиқаркан, халойиқ уни олқиниш билан кутиб олди. Заро ҳамон жойидан қимирламасди. У миқ этмади, таёқчаларини авайлаб ушламади ҳам. Менга шу онда залдаги ғала-ғовурни тўсатдан жимлик, даҳшатли сукунат қоплагандай бўлди. Бу сукунат оқ девордек Зарони ўраб олганди. Ундан хавотир ола бошладим, ўртага чиққан дирижёрнинг таёқча тутган қўли кўтарилиб, зални жимлик босганда ҳам мен тинчланмаган эдим. Заронинг қоп-қора нурсиз кўзлари унга қадалиб турарди.

Дастлабки аккордлар жаранглади. Зарога қараб сал енгил тортдим. Унинг куйни кузатиб, дилида санаётганини ва таёқчаларини қўлига олганини кўрдим. Мен бу симфониядан бошдан-оёқ хабардор эдим, ҳатто Заронинг таёқчалари қаерда ишга тушишини ҳам билардим. Заро чўнтагидан рўмолчасини олиб, пешонасини артди-да, жойида яна қимирламай ўтираверди. Шундан сўнг нима бўлди денг? Қуй шу ерда кучлироқ жаранглаши, унинг ритми барабан томонидан қувватланиб, авжига чиқиши керак эди. Заро чалишга чалди-ю, бироқ қандай денг. Ажойиб музикадаги товушларнинг уйғунлиги бузилди, буни тингловчилар ҳам фаҳмлашди. Ғала-говур бошланди. Дирижёр ғазабдан кўкариб кетди.

Нима бўлганлигига энди ақлим етди.

Заро ҳисобдан адашганди. У тактнинг саккизинчи қисмида хатога йўл қўйди. У зарбда шошган ёки кечикканлигини айтолмайман, лекин адашгани рост эди. Заро



Ўзи чалиши керак бўлган қисм тугагандан кейин куй давом этиб кетаверарди. Ҳозирги ахвол эса мағлубият эди. Устоз дирижёрлик қилаверди. Барабаннынг бўғиқ товуши яна тўғри ва аниқ эшитила бошлади.

Биринчи ва иккинчи қисм ўртасидаги паузада Заро дирижёрдан кўз узмади. У яна ичида санаётгандек туюлди. Оркестр адажннинг кириш қисмини бошлагандаёқ, дирижёр унга еб қўйгудай қараб олганди. Худди шу онда музикачилар доирасида, кейинчалик жуда катта шов-шувга сабаб бўлган воқеа рўй берди. Чалиниши керак бўлган барабандан садо чиқмасди. Унинг босиқ овози куйдаги кўтаришқиликни янада кучайтириши лозим эди. Шунинг учун куй жуда ҳароратсиз эшитилди.

Дирижёр Заро тсмонга ўгирилиб, унга очикдан-очик ишора қилди. Унинг пишқираётганини залдагилар ҳам эшитишарди. Ниҳоят, у Зарога мушт ўқталиб дирижёрлик қила бошлади.

Заронинг юзида табассум кўринди.

Бир кунин инсоннинг қатл қилинаётган пайти тасвирланган расмни кўргандим. Унда инсон ўзига қаратилган милтиқларга кулиб қараш билан ўлим устидан тантана қилганди. Мен Зарода ҳам худди ўша инсондаги сингари табассумни кўрдим.

Кейин нималар бўлганини тасвирлаш қийин. Агар симфонияни дабдала қилиш мумкин бўлса, унинг дабдаласи чиққан эди. Симфония оркестрдаги кўримсиз, барабан чаладиган созанда деб айтмаса ҳам бўладиган киши томонидан дабдала қилинганди. Энди барабан тинимсиз гумбурларди. Унинг овози оркестрни босиб кетди. Ҳарбир созанда ўзини чилпарчин қилингандай сезарди. Халойиқ қўзғалди. Бутун зал гўё оқ чекарди.

Дирижёр музикани тўхтатиш учун таёқчаси билан столчасини тақиллатаётганда Заро ўрнидан турди-да, таёқчаларини ташлаб дирижёрга бепарво бош ирғаб қўйди. Сўнг дирижёр оғзини очишга улгурмасданоқ халойиққа таъзим қилди-да, бурилганича орқасига қарамай чиқиб кетди.

Концерт бузилгани ўз-ўзидан маълум. Бу концерт ва дирижёрнинг шаҳардан тўсатдан жўнаб қолганлиги ҳақида газетада босилган хабар кўпларнинг ёдида бўлса керак.

Заро ғойиб бўлди. Уни қайтиб ҳеч ким кўрмади.

## Бьёрн Рунген

### УЛКАН `СОВҒА



у воқеа аён бўлган ўша куни «Нильсен ва К°» ширкати идорасидаги телефон бетиним жиринглаб турди. Пайчилар сим қоқишаётганди. Улар бўлиб ўтган воқеа сирига тушунолмайдиганда қолиб ҳадеб сим қоқишар, майда пайчилар ваҳимага тушиб қолиб югуришар, газеталар бу воқеага атаб аллақачон таъзиянома тайёрлаб қўйган, қарздорлар иши билан шуғулланувчи терговчилар эса бемалол насияга пиво ичиб ўтиришарди; ҳалокатнинг муқаррарлигига ҳеч ким шубҳа қилмас эди. Бироқ, тўсатдан ширкатнинг кекса хўжайини Нильсеннинг она қишлоғига улкан совға инъом қилгани ҳаммани эсанкиратиб қўйди. Ахир, икки юз минг крон совға-я!.. Банклар қарзларини тўлай олмай, синиш арафасида турган одам ҳеч вақт бундай хотамтойлик қилолмас эди. Бунинг устига кекса Нильсен ўзининг ўта хасислиги, баъзиларнинг муболағасига зикналиги ва пасткашлиги билан ҳам ном чиқарганди-да!

Нильсен, жонажон қишлоғидагиларга янги черковми, маҳкама учун янги биноми ёки янги пристанми — хоҳлаганларини қуришни эркин равишда танлаш ҳуқуқини берди. Бир вақтлар ёшлигида батрак бўлган ва шаҳарга бориб эътибор қозонган Нильсен барча харажатларни ўз гарданига олди.

Азиз юртдошларим! Ана шу икки юз минг кронга черков ёки Стэада янги пристань қурасизларми — ихтиёр

сизларда. Мен бу пулларни аллақачон совға қилиш ниятида эдим. Ниҳоят, кексайиб қолганимда узил-кесил қарорга келдим: Мана... Черков маҳкама учун бино ёки пристань — қайси бирини истасаларингиз ўшани марҳамат қилиб танлангиз. Юртдошларимга алангали салом!

*Нильсен*

Бундай сахийлик кўрсатган кишининг бели бақувват бўлса керак, албатта! Пайларнинг нархи ошди. Ишдан бўшайман деб, чираниб юрганлар, энди Нильсенга хушомадгўйлик қила бошладилар... Хуллас, Ширкат яна ўзини ўнглаб олди. Тўғри, ҳасадчи рақиблар ва кўрқоқ банк директорлари «Векселлари ўтмай қолган...» деган миш-мишларни тарқатишга уриндилар. Лекин, барибир улар оғизларини ёпишга мажбур бўлдилар. «Нильсен ва КО» Ширкатининг иши шикастга кетган бўлса ҳеч вақтда у икки юз минг кронни совға қилармиди!

Ҳамқишлоқларига янги черков ва маҳкама учун янги бино совға қилган, фоний дунёни тарк этиб боқий дунёга сайр қилмоқчи бўлган Нильсенни барча газеталар мақолалар босиб кўкларга кўтариб мақташди. Бунақа мадҳ этишлар шу воқеа содир бўлган жойдан йироқроқда чиқадиган газеталарда, айниқса сероб бўлиб, узундан-узоқ суҳбат интервьюлар босиларди. Маҳаллий газеталарда, Торфискстэлик Нильсен қашшоқ қишлоғига ҳам черков, ҳам маҳкама учун бино, ҳам пристань совға қилди... Қойил! Мана, буни ҳақиқий инсон деса бўлади! У — ақлли ва ўт юракли одам! Нильсеннинг бунчалик баобрў бўлиши совға ҳадя қилганидан, деб ёзишди.

Ширкат ана шу бепул афишалар шарофати билан Нильсен ҳаётининг охирги пайтларида яна мислсиз равнақ топди. Ҳар томондан хайр-саҳоватли бу одамни кўргани халойиқ келиб турар, ширкат кассасига эса пул сувдай қуйилмоқда эди. Очигини айтганда, Нильсен бунчалик ютуқларга эришишни, ҳатто хаёлигаям келтирмаганди. Мана, энди у, бу ютуқларни кўриб боши осмонга етди, лекин, ошкор қилмай омборларниям тўлдираверди... Қарабсизки бир йил мобайнида унинг корхонаси кутилмаган даражада беҳад ўсди. Банкларнинг синаётгани ҳақида бўлмағур уйдирма гапларни тўқиб юрганлар эса, қангу манг бўлиб қолавердилар

Стэадагиларнинг қувончи чексиз... Баъзи бировлар маҳкамага хат ёзишиб, шаҳарнинг хайри эҳсонли ўғлонига ҳайкал ўрнатилсин, деб талаб қилдилар. Аммо, маҳкама раиси бу талабни рад этди. Бироқ, кишилар раисни беғамликда айблаб унга қарши бутун бир айбнома тайёрлай бошладилар. Ўз навбатида, раис ўзини оқлаб, сабр қилиш керак совғадан қайси бирини танлаш масаласини вақт кўрсатади дерди. Аслида ўзиям «қани эди, черковнинг деворига ёдгорлик лавҳаси ўрнатилса ёки шу сингари бирор фойдали иш қилинса дуруст бўларди-я!»— деб ўйларди. Лекин шошилмасак ҳам бўлади,— дерди.

Аммо серғайрат кишилар кутишолмасди. Улар губернатор ва қиролга хат ёзишиб, «Нильсен ва К<sup>с</sup>» ширкатини медаль билан тақдирлашни илтимос қилишди. Энди Стэада ҳам «Нильсен ва КО» ҳақида кўп гапиршадиган бўлиб қолишди, албатта. Аммо, кексалар бурейрет'лик аллақандай бир Нильс-Уланнинг авваллари Стэа<sup>2</sup> га балиқ ташиб юрганини ҳам билишарди... Шу ҳам «ширкат» бўлди-ю! Аммо, лекин Нильс-Уланнинг уддабуронлигига ҳамма тан беришганди. Авваллари дайдиб юрган бу қишлоқнинг омади келди... Мана, энди у туғилган қишлоғига черков ёки бошқа бирор нарса совға қилишга қудрати етадиган бўлиб қолди. Ҳар ким ҳам унинг ўрнида бўлганида шундай қиларди-да!

Бу вақт орасида Нильсен ўзининг саҳовати учун медаль олди; қишлоқ аҳолисининг ҳам кўнгли ёришди.

Маҳкама аъзолари Нильсенга табрик хати юбориб, унинг совғаси зўр қувонч билан қабул қилинганини ёзишди. Шу хатда тагин, совғанинг бири танлаб олингач, уни шаҳар маҳкамаси ҳокимлари тасдиқлагач, янада батафсилроқ хат ёзажаклари айтилганди. Табрик хатига шундай имзо қўйилди: Сизнинг П. Торфискстэангиз, раис.

Кекса Нильсен табрик хатни олгач, ўзича жилмайиб кўйди-да, эътиборсизлик билан уни саватдаги ташландиқ қоғозлар устига итқитди. У, нозик табиатликдан кўра, ишга чечан одам бўлганидан хатни саватга итқитиши табиий эди. Сўнгра, яна ўз иши — тўлов қоғозларига, векселларга имзо чекниш ва бировларнинг пулини тўлаш билан машғул бўлди. Шу топда, у ўзини янада мустақил

<sup>1</sup> кичик қишлоқнинг номи

<sup>2</sup> шаҳар

ва кучли сизди. Олий мартабали киши ҳақида ёлғон-яшиқ гапларнинг (яна энг бўлмағурлари) тарқалиши, умуман, беадаблик! Ҳа, бунн у. ҳеч вақт хоҳламайди!

Бугун унинг юзида яна қувончли табассум. У, «Моргенквистбладет» нинг шанбалик иловасидаги ўзи ва катта жасорати ҳақида завқ-шавқ билан ёзилган мақолани ўқиб чиқди. У, ўқиб туриб шодланар, ҳатто ўзининг кулаётганини ҳам сезмасди. Шундай бўлса-да тез-тез жиламаярди, тўғриси, унга кулги ёқар эди-да! Маҳкаманинг бир қарорга келишини кутиб вақтини бекор ўтказмади, кўп фойдали ишлар қилди: ўлкаларда фалончи қавмга черков қуриб берди деб уни кўкларга кўтаришди, натижада қўшимча буюртмалар ва даромад яна кўпайди...

Стэада эса, бу вақтда қаттиқ тортишувлар бормоқда эди. Лекин катта бир фракция черков қуриш тарафдориди... «Нильсен ва КО», шак-шубҳасиз бунн маъқул топади. Негаки, совға ўзининг чин маъносига фақат ана шундагина эга бўлади-да! Франциянинг қўлида асосли далиллар бўлиб, бундан ташқари унинг одамлари маҳкамада кўпчиликини ташкил этарди.

Бироқ, баъзи бировлар маҳкама учун бино қуришни ёқлаб гапирдилар. Дарҳақиқат, икки юз минг кронга Нильсендан узоқ йиллар ажойиб, мухташам бино қуриш ҳам мумкин эди! Чунки, эски бино кўҳна ва беўхшов — худди омборхонанинг ўзгинаси эди! Агар шундай бўлмаганда раис, маҳкама мажлисларининг қарорлари сақланаётган папкани каламушлар еб кетмасин деб уйга обориб-олиб келиб юрмасди. Ҳар бир шаҳарда маҳкама учун алоҳида бино мавжуд. Нега энди шунақа бинони Стэада ҳам қуриш мумкин эмас!.. Дўконларда шундай қилинганда зап иш бўларди-да, деб ваъзхонлик қилишарди. Кўча эшиги олдидаги зинапоя олдига валий неъматга ҳайкал ўрнатилса ҳам бўларди дейишарди... Аксарият қишлоқ маҳкамасига бино қуриш керак дерди. Маълумки, черковда ҳайкал ўрнатиб бўлмайди. Ўрнатилганда-ку, саҳоватли у кишини илоҳийлаштирилган бўлинарди. Аммо ёдгорлик лавҳаси бўлак гап! Уни ҳайкал билан тенглаштириб бўладими, ахир?!

Яна бир гуруҳ ҳам бор эдики, у ҳақда гапирмай ўтиш асло мумкинмас. Бу гуруҳдагилар пристань қуришни маслаҳат кўрардилар. Энг кераги ҳам шу эди-да, ўзи! Стэа учун пристань катта аҳамиятга эга; бу ҳақда ил-

гаритдан гапириб келишарди. Бу ерда истиқомат қилувчилар етмиш йил мобайнида ҳукуматга бир неча бор мурожаат этиб, янги пристань қуриб беришни илтимос қилишганди. Аммо, ҳар сафар пристанни тузатиш учун у йилдан бу йилга атиги, бир неча крон чамаси пул олишганди, холос. Бу ҳолга ортиқча чидаш мумкинмас, тўлқин тўсари бўлган янги пристань керак! Кўпчиликнинг яқдиллик билан қилган қатъий талаби шу! Улар кўп йиллар мобайнида нимани орзу қилиб келишган бўлса, худо шуни етказди. Уйлаб ўтиришнинг нима кераги бор.

Буни Стэанинг ёшлари, балиқчилари ва кўп сонли аҳолиси талаб қилди. Улар ҳеч бўлмаса ўз жойларида бирор фойдали нарсанинг қурилишини жуда исташарди! Яна савдони ҳам кенгайтирмоқ керак! Чунки, балиқ ташийдиган кемалар энди Сэйгрун<sup>1</sup>га ҳам Пилькесунд<sup>2</sup>га ҳам қатнайди.

Пилькесундда айрим шахсга қарашли тош пристань бор. Савдогарлар у ерга пашшадай ёпирилишади. У ерда солиқ ўн бир процентга камайтирилган. Стэада эса ўн етти процентлигича турибди. Аҳвол шунақа! Қисқасини айтганда бу талаб жуда ўринли эди. Серғайрат ёш йигитлар анча жиддий гапларни айтиб, черков ва маҳкама учун янги бинолар қуришга қарши овоз бердилар. Улар, буни «Ортиқча дахмаза» дейишди нафрат билан. Руҳоний Мендельстейнинг эса қовоғидан қор ёғарди.

— Черков — ортиқча дахмаза эмас,— деди у ва ёшларга диний китобдан парча ўқиб берди.— Қадрдон Стэамиздаги черков давр талабига мутлақ жавоб бермайди. Қишлоғимиз ўғлони, ҳа катта қишлоғимиз ўғлони бизга пул инъом қилибдими, ишончим комилки, оллон таоло унинг қадр-қимматига етади, ҳа етади!

Маҳкамага янги бино ва янги пристань кераклигини ҳам яхши тушунаман. Лекин биз кўпроқ черков тўғрисида ўйлаб кўрмоғимиз лозим. Ҳа, гап шундай...

Черков бизда бор-ку,— деб эътироз билдирди қарши томон вакили,— пристань билан тўлқин тўсар эса йўқ. Баримизга маълумки, бизларни чўқинтирган бутхона болаларимизнинг кунига ҳам ярайверади. Аммо отабоболаримизнинг ўлимига сабаб бўлган гаваньчи<sup>3</sup>.. Ҳеч бўлмаса, авлод-аждодларимиз ҳурмати уни тузатайлик!

<sup>1, 2</sup> жойларнинг номи.

<sup>3</sup> Кемалар турадиган махсус жой.

Табийки, бундай шароитда черков ҳам, маҳкама учун қуриладиган бино ҳам ортиқча дахмаза, албатта!! Буни биз қатъий айтяпмиз!

Раис болғачаси билан столни аста-аста уриб, нотиқни сўздан тўхтатди.

Коммуна архивини каламушлар кемираберсин... Бугун хазиначи муҳим ҳужжатлар солинган конвертлар мағорлаб кетаётганини айтди. Шунинг учун ҳам менимча, бизга энг зарури маҳкама учун янги бино. Бизга пул совға қилган Нильсендек олий ҳимматли бўлмоғимиз керак. Гап шу!

Раисга ихлосмандлар чапак чалишди, бу таклифни овозга қўйишди. Аммо мақсадларига эришолмадилар. Иш кечиктирилди. Бу гаплар кўтара савдо билан шуғулланувчи Нильсенга ҳам етди. У йиғилишнинг ҳисоботи-ни маҳаллий газеталардан бирида ўқиди; ўқиди-ю, уни саватга итқитди. У, бунақа ишларга аралашадиганлардан эмас! Ҳа, ўзлари танлаб олишсин!

Вақт ўтиб борар, улкан совға ҳақидаги масала эса ҳамон ҳал этилмаганди. Стэада дўконларда, кўча-кўйда, балиқ овида, қайиқларда, қўйингчи, ҳамма ерда нималар энг зарур экани ҳақида баҳслашишарди. Натижада, черковчилар, пристанчилар деб аталмиш партиялар вужудга келди. Ҳатто, якшанба кунлари эски-ёғоч пристанда бир тўда кишилар ўзаро баҳслашиб кунни беҳуда ўтказишарди. Одам учраган ҳар бир кимсага, у аввал ўзининг қайси партиядан эканини айтмагунича ишончсизлик ва душманлик кўзи билан боқардилар. Баъзи оилаларда эса ихтилофлар рўй берар — оида аъзосининг бири черковчилар партиясида бўлса, қолганлари пристанчилар томонида эдилар. Хулласи калом совға кузу қиш, баҳору ёз асосий мавзу эди. Иш шу даражага бориб етдики, қўшни қишлоқ ва шаҳардагилар Торфисктэани Совға Ороли деб атай бошладилар. Совға ҳар нарсага таъсирини ўтказди; ҳар бир киши баъзан хоҳишига хилоф бўлсаям, ўз партиясининг истагини қатъий қўллаб-қувватлашга мажбур эди. Агар, бирор оила черковчилар партиясига жон куйдирса-ю, мабодо шулардаи бирортаси маҳкамачилар тарафдори бўлиб чиқса-борми, тамом шу оиладан чиққан қиз эътибордан қолиб кетарди, унга қарамасди. Борди-ю, бир партиядан бўлмаган йигитлар дўконда учрашиб қолишса, албатта, елка ўгириб олишар ва бир-бирларига пишқиардилар.

Ёки пристанчилар партиясидан бирортаси дўконга кириб қолса-ю, шу ерда черковчилар партияси аъзоларидан бирортасини учратсам, дарров орқасига бурилиб ошхонага жўнар ва керакли нарсаларниям ўша ердаги сотувчидан оларди.

Кишилар бир-бирларига ёв бўлиб қолишди; маҳкамада бир неча жанжалли иш кўрилгани билан барибир, кутилган натижа чиқмади. Черковчилар партияси учун ўн бир овозга қарши етти, қишлоқ маҳкамаси учун ўн тўрттага қарши тўрт ва ниҳоят пристанчилар партияси учун ўн биттага қарши етти овоз берилди. Шундай қилиб, бирор қарорга келиш амри маҳол бўлди. Раис ҳар мажлисда ишни қайта қўзғар ва уни яна кейинга қолдирар эди. Чунки, овозга қўйишнинг натижаси одатдагидай: ўн биттага қарши етти, ўн тўрттага қарши тўрт ва ўн биттага қарши еттини ташкил қиларди. Кузда, маҳкамада «янгى сайлов» бўлиб ўтганида ҳам деҳқонлар ва ишчилар партияси ҳақида ёхуд ўнг ва сўллар ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса демади. Чунки, бу ерда черковчилар партияси, пристанчилар партияси, шунингдек архивчилар партияси деб аталмиш маҳкамачилар партияларигина мавжуд эди, холос.

Гапнинг пўскалласини айтганда, ўқитувчи Сюнгоп, раис архивга жуда катта эътибор бераёттир, шунинг учун ҳам ўртада келишмовчилик бўляпти, деб ҳисобларди. Одамлар эса архивнинг нималигиниям билишмасди, Айрим кишилар архив балиққа алоқадор бўлса керак, деб тахмин қилишарди. Ўқитувчи балиқ аквариумда сақланади, архив эса гарчи маҳкама учун жуда зарур бўлса ҳам барибир, эскиб қолган қоғозлар демакдир, деб донишмандлик қиларди. Мана шу ерда маҳкамачилар партиясига зарба берилди; кишилар архив эскиб қолган қоғозлар экан деган миш-мишларни эшитишгач, у, бир неча овоздан маҳрум бўлди. Уйлаб топганларини қаранг-а! Эски қоғозларни яширмоқ керак эмиш! Одамлар бу гапларнинг маъносига тушунишмай қулишар, қишлоқ маҳкамаси жойлашган бино ёнидаги ҳожатхонага нега қоғоз бўлмайти десак, қоғозларни архивга яшириб қўйишар экан-да, дейишарди. Архивчиларнинг зарбага учраган черковчилар партиясига қўл келди, улар жуда кўп овоз тўплаб яна бир ваколат олди. Шундай қилиб, қишдаги овозга қўйиш натижаси қуйидагиларни кўрсатди. Ўнга қарши саккиз, ўн бешга



қарши уч ва шамол тўсар билан пристань учун ўн бит-тага қарши етти овоз берилган.

Қишлоқдаги тортишувлар қизғин давом этарди. Раиснинг қизини церковчилар партиясининг бошлиғи Тронд Утойднинг ўғлига никоҳлаб қўйилганди. Шунинг учун бўлса керак, айримлар, бу партия ғалаба қилди, деб ўйларди. Аммо, лекин раис ўз қизининг «душман» билан бирлашиб кетганини эшитиб, қизим у ерда бошқасини топиб олар, деган ниятда ўша кезиёқ уни бутун қиш ичи Олий мактабга ўқишга юборди. Тронд йиғлаб, эркакларга ярашмайдиган қилиқ қилган ўғлидан бу хабарни эшитиб, раисдан жуда жаҳли чиқди. Бир кун тунда раиснинг моторли қайиғи боғлаб қўйилган арқонни кесиб юборди. Қайиқ қояларга урилиб синди... Бироқ, балиқчи Бернтнинг хотини Тронднинг қайиқ арқонини кесаётганини кўрган эди. У буни пристанчилар партиясининг тарафдори — ёстиқдошига оқизмай-томизмай айтиб берди. Бу хабар уни ҳовлиқтириб юборди. У икки кеча мижжа қоқмай чиқди. Сўнг раис олдига бориб, унинг қулоғига шивирлади:

— Раис, мен бир нарсадан хабардорман... Агар сен буни яхшигина ўйлаб бизнинг партияга ўтганингда борми, биз ғалаба қилар ва янги пристанга эга бўлар эдик!

— Хўш, нимани биласан?— деб сўради раис. У ҳам ўлгудек муғомбир эди!

— Сен қайиғингни йўқотган эдинг-а, тўғрими? Арқоннинг узилган жойига тузукроқ разм солгин-а, арқон ўзидан-ўзи узилиб кетганга ўхшамайди. Менимча, кимдир уни қирқиб юборган.

— Ҳали шундай де. Балки сен кимлигини биларсан?..

— Й... йўқ. Мен Стэадаги азиз юртдошларим ҳақида яхши ҳам, ёмон ҳам гапирмоқчи эмасман. Аммо ўзинг биласанки... Бир сўз билан айтганда, энди бизда тўлқин тўсар қурилса қайиқлар илгариги очиқ гаванда турганидан кўра хавф-хатарсиз бўлади.

— Тўлқин тўсар дейсанми?! Овора бўласан, мен аноий одамлардан эмасман! Бизлар авлодларимиз тўғрисида, архив ҳақида ва маҳкаманинг обрўси ҳақида ўйламоғимиз керак. Ҳа!

— Нима ҳам дердим... Ҳе аттанг! Хайр!

Раис хийла вақт текшириш ишлари билан шуғулланди; арқоннинг узилган жойига синчиклаб қаради. Хуллас, арқоннинг пичоқ билан кесилганига тўла ишонди.

Аммо, унга ёмонликни раво кўрувчи аблаҳ ким?! Бу ҳақда фақат сен гапирдинг, балиқчи Бернт юзи қора сен экансан-а, мен сендан буни ҳеч кутмагандим...

Раис, Бернт устидан шикоят ёзди. Негаки, у ўз айбига иқрор бўлди-да. Эски замонлар бўлганда-ку, бунақа ўзгаларнинг шахсий мулкига кўз олайтирганларнинг боши танидан жудо қилинарди-я! Кимдир, бултурги шамол тўсарнинг кесилишидаям Бернтнинг қўли бор, деган овоза тарқатди. Мана, энди кишилар хаёлига нима келса, шунни балиқчига тўнкашга тайёр. Бернт одамлар унга ёмон кўз билан қараётганларини пайқади. Бир куни бозорда тухум сотиб юрган хотини дарғазаб бўлиб уйга келди:

— Бернт, билдингми, сени нимада айблашаётир? Агар, ўзинг тўғрингда одамларнинг бемаъни тухмат гапларни тарқатиб жар солишларига йўл қўядиган бўлсанг... демак, мен сени билмаган эканман. Ҳозироқ, ленсман<sup>1</sup>нинг олдига бор. Ахир, бу ғирт тухмат-ку! Ҳар қандай тухмат худованди карим қонунини бузишдир. Эшиг-япсанми?

— Бўлмасам-чи! Сен Трондни пичоқ билан кўрган-мидинг, ўзи?

— Гап бунда эмас. Ахир, бу ишга енгилтаклик билан қараб бўладими! Сен ўзингнинг ҳақоратланганинг хусусида раис устидан, албатта шикоятнома беришинг керак. Мен бу ҳақда бир дўкондор билан маслаҳатлашдим: у ўқиб юрган кезидан буён савдо-сотик қонунларини ўрганиш билан шуғулланар экан. У, агар сен айбдор бўлмасанг, раисни тухматчи деб қораламаганинг чакки бўбди, деди. Бу — тухмат, эшитяпсанми Бернт!

— Ҳа, — жавоб қилди Бернт ва якшанба кунлари киядиган костюминни кийиб ленсман олдига борди-да, раис ҳақорат қилганини айтди.

Бутун қишлоқ яна қиш бўйи тўлқинланиб чиқди. Бу ҳақда газеталар бирини бировларнинг шахсий мулкини ишдан чиқаришда қоралашса, бошқаларини беҳуда ҳақоратлашда айблашди, ленсман айбдорларни қидирди-ю, лекин ҳеч ким ҳеч нарсани бўйнига олмади, деб ёзди. Стэа қизғин кураш, баҳслашув ва тўполон оролига — нотинч жойга айланди! Раиснинг қайиғи боғланган арқонни кесган Тронд экан, деб тушунтирдилар. Тронд-

---

<sup>1</sup> Ленсман — шикоятлар билан шуғулланувчи полиция идораси.

ни ҳам терговда чақиришди. У, черковчилар партиясидан эди-да. Аммо, у анчагача ўжарлик қилиб қасамёд қилмай турди. Стэа қонуншуносларга тўлиб кетганди. Оқловчи ва терговчилар бўш хоналари бўлган ҳар бир уйда жойлашиб олишган, судланувчи ва даъвогарлар эса кўчада туришарди. Бу ҳар икки томоннинг бир-бирига бўлган адоватини янада оширар, оддий меҳнаткашларнинг ҳасадини келтирар эди.

Бирин-кетин кўпчилик устидан ҳукм чиқарилди. Кишилар, илгариги адоватларини эсга туширдилар, шикоятномалар дув ёғилди, ҳукм қилинганлар гагман судига норозилик билдириб арз қила бошладилар. Ҳамманинг топган-тутгани оқловчилар билан қоғозларга кетди... Тез кун ичида қоғозлар архив сақланадиган омборхонанинг то шипигача етди. Ранс, бош масалани овозга қўйишдан аллақачон воз кечганди. Бир-бирларига аламзада бўлган одамлар шундай овоз берар эдиларки, битта ҳам янги таклиф ўтмас эди... Иш шу қадар чигаллашиб кетдики, аста қўясиз! Губернатор, маҳкама мажлисининг қароридан юборилган кўчирмани ўқиб чиққач, ҳал қилинган масалаларнинг биттасиниям тасдиқлолмаслигини айтиб қайтариб юборди. Ранс, бу ҳақда йиғилишда гапириб қандайдир бошқа бир қарор қабул қилишни таклиф этганида уч киши «ҳа», ўн беш киши «йўқ» деб овоз берди. Хуллас, иш яна олдинга босмади. Совға денгиздан анча йироқда жойлашган оролдагиларнинг оромини бузди. Қўшнилари, балиқчилар ўртасидаги иноқлик ва якшаба кунларидаги вақтичоғлик барҳам топди.

Оролда истиқомат қилувчилар балиқ тутиш билан шуғулланардилару, аммо савдо-сотикда ҳамниша бир-бирларига халақит берардилар. Улар, ҳали ҳам илгаригидек шаҳарга балиқ олиб борардилар, лекин энди қандай қилиб нархни туширишни ўйлардилар... Қаерга борманг мотам, очлик ҳукмрон. Бор пуллар суд харажатларига сарфланмоқда... Хуллас, черков ҳам, пристаи ҳам, Стэадагилар тантанали равишда «Ортиқча дахмаза» деб айтишган янги маҳкама биноси ҳам қурилмади.

Бу вақтда олисда, азим шаҳарда эса қашшоқ қишлоғига икки юз минг крон пул совға қилганмиш, деб ҳамма ёққа овозаси кетган собиқ деҳқон Нильсен роса молдунё орттирмоқда эди. У, энди тез-тез жилмаяр, жилмайиш эса рангини очарди. Унинг кўриниши ҳам мулоиймлашиб қолди. Баъзан уни суратга олишиб, портретини

газетада бостириб чиқишарди. У, ҳар гал суратини газетадан авайлаб кесиб олар ва жуда пухталиқ билан бекитиб юрган қизил чарм портфелига солиб қўярди; бу портфелни у кўп йилдап буён сақлаб келарди. Гоҳ-гоҳ у суратларини оларди-да, уларни томоша қиларди. Тўғри-да, она қишлоғига пул совға қилиб, у улуғ иш қилди! Кейин суратларни яна портфелга солиб қўярди, шундай вақтда у ўзини энг олижаноб, ҳалол ва виждонли одам ҳис этар эди.

У пулни қанча юлиб-юлқиб жамғарса, кечқурунлари уни шунча ҳафсала билан санар эди. У катта маблағ жамғарди-ю, лекин унга жуда оғир солиқ тушгани ёмон бўлди. Ҳамма ёқда ўз одамлари ишлайдиган идоралари бўлсаям, барибир солиқ беҳад ортиқчалиқ қиларди. Ҳар йили қанча даромад қилгани ҳақида маълумот берганда «совға»га берилган пулни чегириб ташларди. Натижада ҳар сафар солиқ бошқармасидагилар билан жанжаллашиб қолар эди.

Мана, Нильсен она қишлоғига пул совға қилганигаям роса уч йил тўлди. У бу вақт ичида шундай бойиб кетдики, асти қўя беринг. Натижада, ўтакетган зикна яна шу бўб қолди. Қулларнинг бирида у Стэадаги маҳкамага узундан-узоқ хат йўллади. Хатда, оғир йиллар келди; менинг хотамтойлик билан қилган икки юз минг крон совғам эса ҳеч қандай фойда келтирмади. Шу сабабли, ўша пулларни қайтариб олишга мажбурман дейилган эди. Сана ва имзо: ҳурмат билан Нильсен ва К°.

Нильсен ҳозир жуда хурсанд — учинча қаноти йўқ. Қаранг-а, у патнисда келтирилган икки юз минг кронини олди! Атиги кичик бир тадбир учун-а!.. У бу ишдан энди қўлини ювди, қолгани билан унинг иши йўқ, пулли олишни истамаганларидан кейин, қайтариб олгани тузук-да. Бу ҳақда Нильсен газетага хабар қилмади. У қишлоққа юборилган хатнинг бир нусхасини қизил портфелда сақлашни лозим топиб, ўзининг ишбилармонлигидан мамнун бўлди. У беҳато иш қилганди: одамлар қаторига қўшилиб, обрў қозонган бурейретлик деҳқоннинг энди, мен шу қишлоқнинг ўғлониман деб пул тўлашининг ҳеч ҳам ҳожати йўқ-да! Йўқ-йўқ, асло! Ахир, у, мана шундай галва бўлишини ва баҳона билан донг таратиб қолишни назарда тутган эди-да! Тўғрисини айтганда у, ҳозир эски қоғозларни ва китобларни кўздан кечирар экан, ўша пайтда аҳволи нақадар оғир эканини эслади...

Бундан уч йил муқаддам пул совға қилинган вақтда, унинг катта корхонасидан путур кетиб, ўзи синиш олдида турганди. Агар, шунчалик ишонч қозонмаганида, қарзлар муҳлатини шунчалик орқага сурмаганида, бир неча кун бардош бериши ҳам амри маҳол эди! Усталик билан қилинган ғоят нозик ўйин! Бу фақат насиёга берилган пулларни қайтарибгина қолмай, балки яна шунча пулларни эргаштириб ҳам келиб, корхонани тенги йўқ даражага кўтарди. Пуллар энди ўз-ўзидан оқиб келарди... У бир йил, қолаверса, икки йил муҳлат олишни орзу қилганди, ammo бунчалик ютуққа эришаман деб, ўйламаганди ҳам. Унинг юзи ёруғ, ахир черков, маҳкама учун бино ва пристанларни совға қилди-ку! Одамлар шулардан биттасиниям қуришмади-я! У нима ҳам дерди — ўзи соф виждонли ва номига доғ тегизмаган одам бўлса! У — бурейретлик деҳқон. Болалик кезида бахтли лотарей билетини олган бу одам, мана энди савлат тўкиб ўтирар, ўзининг машҳур жилмайишларини намоеён қилиб китоб варақларди. Югурдак бола унинг олдига газеталарнинг янги сонларини астагина қўйиб, оёқ учида чиқиб кетди. Улуғ инсон ўйлаяпти, жим!

Хат Торфискстэадагиларда бомба ёрилгандек таъсир қолдирди. Раис белгиланган пайтдан ташқари маҳкама аъзоларини чақирди. Кўп кишиларга ўзи айтди, бошқаларни қайиқларда одамларни юбориб чақиртириб келтирди-да, ҳаммани шу кунларда янада омонат бўлиб қолган омборхонага йиғди. Қуёш найзага келган, денгиз устида нур сочиб турарди. Ҳар бир партия бир-бирига яна адоват билан қараб алоҳида-алоҳида саккизтаси у ерда, еттиси бу ерда ва учтаси сал нарида ўтиришарди. Раис болғачасини кўтариб мажлис бошланганини ишора қилди ва ғамгин ҳолда баланд овоз билан совғанинг барҳам топганлиги ҳақидаги хатни ўқиб берди...

Ҳамманинг ранги оқариб кетди. Қандайига, энди совға йўқ? Шундай бўлиши мумкинми?.. Бу қонуний эмас, раис кулиб юбормагунича, ҳеч ким ҳеч нарсани тушунмади.

У кулиб юборгач, жимлик бузилди. Қуёш нури дераза ойнасидан деворга тушиб турар, ҳаводаги чанг нур ёруғида олтин ранг из ясаган... Ҳамма бир-бирига қарарди. Сўнг кулиша бошлашди. Ахир, улар бундай бўлишига ҳар доим ишонишган эди-да? Ҳаммани қўйиб, бурейретлик аблаҳ еб кетарга шунча пулни берармиди? Мутта-

хам! Ҳа, бу шунчаки лоф уриш экан! Тулкилик қилиб уларни роса лақиллатибди-да! Маҳкама аъзолари тамаки чиқардилар. Чекиша бошлашди. Раис черковчилар партияси ва пристанчилар партияси бошлиқларининг олдига бориб, резинкадай чўзилган терговда энг охири марта бўлган вақтида олган сигаретидан чекишни таклиф қилди. Тамакининг бурқсиган тутуни остида кишиларда дўстона муносабатлар туғилди: бир вақтлар жаҳл устида қўпол, ортиқча айтиб юборган гаплар учун уэр сўрашиб, шодлик билан бир-бирларининг елкаларига қоқиб қўйишди. Тутун қуюқлашди, ҳамма бир-бирини қўярда-қўймай бир стакандан ичишни таклиф қилдилар... Энди ҳеч ким севишганларга тўсқинлик қилмайди ҳам.

Одамлар, шаҳарга келиб жуда катта одам бўлиб кетдим, деб шишиб юрган ўша малъунни мазах қилишларди. Ҳо-ҳо-ҳо! Қаердандир, бирдан Нильсеннинг Стэага балиқ олиб келган пайти ва ўша кезде ҳақиқий ялангоёқ экани ҳақидаги хўп кулгили гапларни айтишди. Э, албатта-да! Тагин кулги... Ҳе-ҳе! Ҳо-ҳо! Мажлис тамом бўлмасдан аввал маҳкамада яна осойишталик тикланди. Раис қўйидаги баёнотни газетага беришни таклиф қилди:

«Торфискстэа маҳкамаси «Нильсен ва К°» деб аталмиш ширкатнинг совғасига асло ишонмаган, шу сабабдан совғанинг қайтарилиши тўғрисида баёнот беришга ҳеч қандай зарурат йўқ эди. Энди бўлса қишлоқ маҳкамаси барча граждандарга шуни ҳам билдиришни истайдикки, уларда анчадан бери черков ҳам, қишлоқ маҳкамаси учун бино ҳам, пристань ҳам мавжуд. Умуман, нима лозим бўлса, шуни маҳкама қуриб беришга қодир.

Кўтара савдо қилувчи Нильсенга нисбатан билдирамизки, у умуман, бизнинг қишлоқдан эмас. У Пилькесунда районига қарашли оролининг кўримсиз Бурейрет деб аталувчи жойида туғилган. Шундай қилиб Нильсен, мен ҳақиқий стэаликман, деб лоф-қоф урган.

Бу хабар бир оғиздан маъқулланди. Шундан сўнг кишилар раис олдига боришди ва у ерда тонг отгунга қадар байрамга ўхшаш ярашув маросими ўтказишди. Ёшлар танца тушишга жавоб беришни сўрашганларидз уларга маҳкама биносида хоҳлаганингизча тушаверинглар дейишди. Мана, шу кечада ўн тўрт никоҳ эълон қилинди — бу ҳақиқий байрам эди.

Эрталаб почта норози бўлиб берилган арзлардан ке-

чиш ҳақидаги қоғозларни олиб жўнаб кетди, оқловчилар эса қўлларини бурунларига тиқиб қола бердилар. Чакки бўлди, Стэада тинчлик ўрнатилди!! Совға дом-дараксиз йўқолди. Энди аёллар бир-бирлари билан дўконларда учрашиб қолишса осойишта, самимий суҳбатлашар, кексалар эса оёқларини болалар каби ўйнатиб эски-ёғоч пристанда ўтирар эдилар. Балиқчилар денгизга балиқ овига чиқишар, бир-бирларининг тўрларига бажону дил қараб туришар эди. Чунки, кўпдан бери пилкесундлик йиғитларга ишониб бўлмасди. Негаки, авваллари улар Стэалик балиқчиларнинг тўрларига кўз олайтирардилар. Стэа балиқчилари яна апоқ-чапоқ бўлиб, дўстлашиб кетишди. Энди пилкесундликлар бировларнинг тўрларига кўз олайтиришса ўзларига ёмон бўларди. Минг йил муқаддам шундай бўлган, келажакда ҳам шундай бўлади. Кимдир совға ҳақида гапирганида ўқитувчи янги бир хорижий сўзни ишлатди. Бу «можаро» сўзи бўлиб, Стэадагилар уни яхши тушуниб қолишди. Улар, бу сўзни ҳатто, она тилларига ҳам киритиб олишганди. Мабодо, бирор йиғинни койнмоқчи бўлишса:

— Эээ... ҳ, лаънати можаро! — дейишарди.

Стэадагилар бир-бирларидан ёрдамларини аямай, иноқ яшашар, балиқчилар бир дақиқа ҳам тинмай балиқ овлар, яшил орол устида эса қуёш порлар эди.

Собиқ бурейретлик бола қизил ёғочдан қилинган катта столда бетоқат бўлиб ўтирар, қаршисда эса очиқ газета ётарди. У хуноб... Бу ярамаслар бунга қандай журъат этдилар-а: Стэанинг улуғ ўғлонини пилкесундлик деб аташса-я! Йўқ, Нильсен бу каби ифвогарликларга тоб берадиганлардан эмас; у исботлаши шарт, албатта, исботлаб беради, уларга! У тоқати тоқ бўлиб, столни тақиллатар ва тинмай телефон қилар эди. Унинг нонини еган бу пасткаш одамлар ўз отахонини мазақ қилиб кулишса-я? У хонасига учиб кирди-да, эшикни ичидан бекита солиб «Совға қилган киши» ҳақидаги мақолани яна ўқиди. У, ҳатто уларнинг қавмидан ҳам эмасмиш-а! Хо-хо-хо! Нильсен дарғазаб бўлиб кетиб, юраги ёмонлигини унутиб қўйди. У, пулнинг бутунлайинча турганини ҳам, ғалаба қилганини ҳам унутди.

Қишлоқдагилар уни танишнияма ишташмади. Улар, баб-бараварига: У, умуман, Стэалик камбағал бола бўлган эмас, дейишди. Кўча болалари сингари унинг совғаси устида талашиб ёқалашган шулар эди-я!

Кўтара савдо қилувчи Нильсен кечқурун уйига қайтмади, қий-чув, қидир-қидир бошланди. Шофёрни нима гап бўлганини билиб келишга жўнатдилар. Бу вақт идорада чироқ ёниб турарди. Шофёр одоб юзасидан эшикни секин-секин чертди. Жавоб бўла бермагач, таваккал қилиб эшикни очди...

Нильсен столда ётарди. «Юраги фалаж бўбди,— деб шивирлади доктор,— ёрдам қилиб бўлмайди. Балки, руҳан эзилгандир?.. Барн бўлиши мумкин. Қариб қолган-да».

Кишилар стол устига қарадилар. У ерда газетадан қирқиб олинган кичкина қоғоз парчаси ётарди. Уни ўқишди: Стэа маҳкамасининг қачонлардир Бурейрет деб аташган кишилари ҳақидаги хабари эди. Ҳар ҳолда унинг ўлимига шу хабар сабаб бўлмаган чиқар. Қизил чарм портфелда эса газетадан қирқиб олинган жуда кўп парчалар бор эди. Уларда сахийлик билан жилмайиб турган одам тасвирланган. Бу унинг сурати эканига ҳеч ким ишонмасди. У энди жилмаймас, балки, яшаб дунёдан тўймаган кишидек лаблари сўлжайиб ётарди. Нильсеннинг меросхўрлари Стэа маҳкамасига унинг мотам ҳошияси тутилган, аммо жилмайиб кулиб турган расмини бериб юборишди. Раис балиқчи — Бернт билан маслаҳатлашдида, расмини қайтариб юбориш олдидан унинг орқа томонига қисқа тушунтириш хати ёзиб қўйди:

«Бу ерда унинг яшаган, яшамагани ноаниқ. Балки, Пилкесунд қавмидандир.

Почта кемаси шу посилка билан келган томонига қараб йўл олди. Кишилар пристанда турганлари ҳолда кема орқасидан қараб қолдилар... Раис тўсатдан қоқилиб кетди. Қараса пристаннинг бир тахтаси кўчиб кетган экан. У, ўша заҳотиёқ дўконга кирди-ю, миҳ келтирди ва шу ердаги одамлар кўмагида пристанни тузатиб қўйди.

— Сўнги хатида ҳам иқтисод қилсалар бўларди...— деди Бернт ва ерга туфлади.

— Ҳа,— деди раис канопни бир тартибга келтира туриб,— уларнинг ақлида ҳеч қанақа ёмон фикр йўқ эди. Бу — оддийгина, кичик бир можаро!

Кишилар эркин нафас ола бошлашди. Улар худди шу ҳақда ўйлаб турган эдилар... Дарҳақиқат можаро! Ҳо-ҳо-ҳо!..



Сильвей Хауган

БЕГОНА СОЛДАТ



енн кўли бўйлаб чўзилиб кетган ўрмон этагида бир солдат кўринди. У ерга узала тушиб ётиб, мабодо одам йўқмикин, деб теварак-атрофни синчиклаб кўздан кечирди. Шубҳали нарса кўрмагач, эмаклаб кўл олдига борди-да, чанқоқлик билан сув ича бошлади. Кейин бошини сувга тиқиб олди, очиқ, сержун кўкрагини ҳўллади. Қўллари тирсагигача ҳўл бўлди. Бирдан кўнглига, бу ерда ортиқ туриш хавфли, деган фикр келди. Бу император Фредрих V армиясига ёлланган богемиялик солдат Генрих Пинке эди. Лекин подшо, дания-норвег бироллигига қарши уруш очиб улгурмасданоқ дунёдан ўтди, шунинг учун Генрих Пинке хизмат қилган полк Норвегияга жўнатилган эди: бошлиқлар, қўшимча солдатлардан қийналган аҳоли ўртасида ғалаён чиқади, деб қўрқарди, бундан ташқари, ҳарбий харажатларни қоплаш учун белгиланган бу солиқларни йиғиш ҳам керак-ку. Елланган солдатлар турли йўллар билан ўз мамлакатига қайтиб кетишга ҳаракат қилар, якка ҳолда ёки уч-тўртта бўлиб доим қочгани-қочган эди. Улар тоғ ошиб Швецияга ўтиб кетардилар. Генрих чанқоғини босгани кўл олдида тўхтаганда, тахминан, пешин вақти эди, у кеч киргандан кейингина чеккадаги Ломуен хуторига кириб, у ердан Христни шафе қилдириб бирор егулик нарса сўрашга қарор қилди.

Ломуенда турувчилар пичан ўргани кетган эди; хутор-

да фақат етмиш беш ёшларга борган бобоси—чол билан хутор хўжайкасининг ёлғиз қизи ҳамда унинг бирдан-бир меросхўри Тора қолган экан; у йигирма етти ёшда эди. Тора отасидан ўжарлик ҳамда жиззакиликни ўрганиб олган эди. Отаси ўлганда у ҳали жуда ёш эди. Отасини муштлашиш вақтида хийла эзиб қўйишган, деб гапиришарди. Шунақа бир бало бўлмаса бақувват, сопна-соғ юрган одам кечқурун ўринга ётиб, эрталаб туролмай қолармиди! Тронхемга бораётиб, йўлда биронта билан уришиб қолган бўлса керак, чунки, касал бўлишдан олдин ўша ёққа кетган эди. Бечорани жуда қаттиқ уришган экан, ўттиз ёшгаям етмай боқий дунёга кетди-ворди. Қизи отасига шунчалик ўхшаш бўлмаганда бу гаплар аллақачон унутилиб кетар эди. Тора кичкиналигидаёқ одамлар, у нақ отасининг ўзи-я, дейишарди. Унинг ўзи ҳам отамнинг барча одатларини ўзлаштириб олганман деб юрарди. Қалби қуёшдан равшанроқ бўлгандаям, ўзининг ўжар ва ёмон феълини бир мартагина кўрсатиб қўйса бас, кейин одамлар уни ҳам отасига ўхшабди, деяверадилар. Лекин, Тора аслида шундай отасига ўхшарди, бир баҳона топилса бас, одамга ҳар йўл билан заҳар сочиш ёки дилига озор бериш пайдан бўларди. Қимнинг қизи эканини одамлар билиб қўйиши керак-да.

Онаси қизининг дастидан иккинчи марта эрга тегмаган, деган овозалар юрар эди. Торе ўлгандан кейин хотини осонликча яхшигина эрга тегиб олиши мумкин эди, бироқ одамлар ўртасида юрган овозаларга қараганда, у иккинчи эрни олиб келсам, қизим уйга ўт қўйиб, ёндириб юбормасин деб қўрққан. Эҳтимол, Аригильд шундай ҳам яхши яшайман-ку, Тора билан қисқа вақт ниқоҳли умр кечирганим ҳам етар, деб ўйлагандир.

Тора чиройли, шунингдек, ягона меросхўр қиз бўлса ҳам, жазманлари оз эди. Йигитлар ундан қўрқар ва кўнгил қўйишга юраклари бетламас эди. Ҳа, устига-устак яна хутор ҳам унчалик яхши эмас: тепаликда, одамлардан узоқда эди, қиш қаттиқ келган йиллари у ерда ғаллани совуқ уриб кетарди. Деҳқонлар: йиллар ўтиб боряпти, Тора ҳануз эрсиз ўтяпти, деб ўзаро пичир-пичир қилиб гаплашиб қолганларида, улар кўпинча: «Қатталар хоҳламас, кичиклар бетламас»— деган эски мақолни эслардилар. Торанинг бир садоқатли қайлиғи бор эди, лекин қиз унга ҳеч илтифот қилмаганидан,

ҳамма ҳайрон эди. Чиндан ҳам унинг елкасига шайтон минганга ўшарди, бечора йигитни жуда қийнар эди.

Йигитнинг номи Ханс Лекве бўлиб, оилада иккинчи ўғил эди. Агар Тора учун унинг ақл ва табиатига биронта йигит мос тушадиган бўлса, у шубҳасиз Ханс эди. У баланд бўйли, чиройли, ювош, шунингдек бўш-баёв йигит эди. Улфатчиликда кўпинча оғзига талқон солгандек жим ўтирар, онда-сонда гапириб қолган пайтда ҳам оғзидан биронта маъноли сўз чиқмас эди. Бироқ у яхши деҳқон бўлиб, кучли ва меҳнатсефар эди. Ломуен хутори эгаси худди шунақа одам бўлиши керак. Тораси тушмагур нима сабабдан шундай йигитни бир неча йилдан бери хушламай келаркин-а!— деб қўшнилар ҳайрон бўларди. Ҳозир йигирма етти ёшда; агар кўнглида турмушга чиқиш умиди бўлса вақтни ўтказмай, Ханс Леквеннинг гапига қулоқ солиши керак, деб юришарди одамлар.

Солдат ҳовлига кирганда Тора билан бобоси кукняда эди. Тора плита олдида бўтқани кавлаб туриб, иттифоқо, биров қараганини сезиб қолди. Қирган одам солдат эди. Катта ва ўткир қўй кўз бу йигитнинг бетлари шамолда қотиб кетган эди. У плитадаги қозончада пишиб турган бўтқага ғам-ғуссага тўла кўзларини тикиб, мўлтираб қаради. Солдатнинг қора, қўнғир сочлари пешонасида жингалак бўлиб турар эди. Эгнидаги кўк тужуркаси йиртилиб кетган, кўйлак тугмалари очиб юборилган эди. Ниҳоят, солдат хонага лип этиб кириб олди-ю, уй эгалари билан қандайдир нотаниш тилда саломлашди. Улар индамай йигитга қараб туравердилар — Ломуенда бегона одам келишига одатланилмаган эди. Солдат плита олдида борди. Тора йигитдан кўзини узмай, қўрқиб ўзини орқага ташлади. У бармоғи билан қозончадаги бўтқани кўрсатаркан, қўлини маънодор қилиб оғзига тикдида, кулиб қўйиб, бошини силкитиб қўйди. Нима демоқчилигига тушунишмаса-я? Тора билан бобоси маъқуллаб бош ирғитдилар. Солдат бўтқани емоқчи эди. «Ҳечқиси йўқ, ея қолсин,— деди стол ёнида ўтирган бобоси ичида,— у одамларга тушунарли, христиан тилида гапирмаса ҳам майли, ея қолсин».

Бу йигитнинг кимлигини энди улар билиб қолган эдилар. Тўғри, илгари Швеция чегарасидан ўтишга ҳаракат қилаётган қочоқлардан ҳеч ким Ломуенга кирмас эди,

лекин сержант Брэнник қочқинларни тутишга буйруқ олганда ҳар сафар одатда ўзи билан бирга Ханс Левкени олиб юрар эди. Аҳолининг кўпчилиги хуторлар олдидан ўтиб кетувчи қочоқларга овқат ва кийим-бош билан ёрдам берар, буни Тора билан бобоси билар эди. Одамларнинг ҳарбий хизматдан қочиб кетиши ҳеч кимни ғазаблантирмас эди. Чунки ватанга қайтишни истовчилар чет эл солдатлари эди-да. Норвегия қишлоқларида яшовчи аҳоли буни тушунар эди. Борди-ю, норвегияликни ҳам дания-норвегия қироллиги душмани билан жанг қилгани шарққа ёки жанубга жўнатса у ҳам жонажон қишлоғига жўнаб қолишга ошиқади-да. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳоли бу жануб йигитларига ёрдам берар эди.

Балки, бу ҳодиса Торага романтик бўлиб кўриндими ёки жанубли Генрих Пинкеннинг ёқимтой қўй кўзлари уни шайдо қилиб қўйдими, ншқилиб, унга жуда илтифот кўрсатди. Умуман олганда қиз ён-веридаги одамга ёрдам қилишни ёқтирадиган хилдан эмас эди, лекин ҳозир оёғи олти, қўли етти бўлиб бир зумда уйида бор жамийки ейдиган овқатларни топиб келди. Столга дастурхон ёзди-да, солдат дадилроқ бўлар деб ўйлаб, бобосини қандайдир юмуш билан омборхонага юборди. Солдат овқатни тушурар экан, Тора унинг қуралай кўзларига, жингалак қўнғир сочларига, мускулдор ориқ қўлларига сеҳрлангандек тикилиб турар, шунингдек бу қўллар нозик белимни милтиқни тутгандек маҳкам сиқиб ушлайди, деб ўйлаб, ичиндан севинар эди.

Генрих Пинке ён-верига қарамай овқат ер, ҳатто нақ олдида тортинмасдан тарсайиб ўтирган гўзал қизниям кўрмас эди. Унинг бутун фикр-зикри овқатда эди, эҳтимол, бу овқат хуни билан баравар турар. Икки кун илгари Тронхеймдаги полкдан уч киши қочган, бу ердаги маъмурлар огоҳлантириб қўйилганини билар эди. Қочоқлар тоғлар орқали Швеция чегарасига олиб борадиган йўлларни билишмас, уларни қувловчилар эса маҳаллий йўл ва сўқмоқлар билан яхши таниш эдилар. Узоқ-узоқларга кетиб қолиш учун қочоқлар ихтиёрида етарли вақт бўлса ҳам, бу билан улар қутула олмас, чунки нотаниш ўлкаларда кўпинча адашиб юрар эдилар.

Генрих Пинке ўрнидан турди-да, миннатдорчилик билдириб Торага жилмайиб қўйди. У тўғри, солдат нима деганини тушунмади, лекин ҳаммаси сўзсиз ҳам равшан эди. Солдат эшикка қараб юрар экан, Тора тужуркасидан

ушлаб: «Хоҳласанг, кечаси шу ерда қол», — деб таклиф этди. Генрих ҳайрон бўлиб қолди, қиз нега ушлаб қолганига тушунолмасди. Тора солдатни ичкарига тортди. У ўрмондан келган бу солдат билан бирга қолишни жуда истарди. Ҳозир уни қўлдан бой бериш — қиз ҳаётида ҳеч қачон унутилмас воқеа бўлур эди.

Бироқ, Генрих Пинке, чол қаёққадир кетганини сезиб қолиб, булар мени алдаб тузоққа илинтирмоқчи бўляпти. деб ўйлади. Эҳтимол, қўлга тушириб Тронхеймга қамоққа жўнатгани ҳозир қишлоқдан одамлар келаётгандир. У бир силтаниб қиз қўлидан чиқди-ю, ноҳосдан туртиб, қизни скамейка устига ағдариб юборди-да, шарт бурилиб ура қочди. Тора аччиғидан мушук сингари пишқириб, деразага отилди, солдат қайси томонга кетганини кўриб қолди. У хомуш бўлиб бирпас қимирламай ўтириб қолди. Ёмон ҳақорат қилдими! Аввал кулиб қараганига норвег қизи яна кимсан хуторнинг меросхўри ўзини солдатга бағишламоқчи бўлиб ўтирган эди-я. О, уни бу ёққа топиб келиш, бошлаб калтаклаш, агар уддалай олса, энг яхшиси ўлдириб қўя қолишга қиз шундай ташна эдики, асти қўйинг.

Генрих Пинке Ломуенга овқат сўрагани келаётган маҳалда сержант Брэнник қишлоқдан келадиган йигитларни кутиб Халланда ўтирганди, улар яқинда полкдан қочган солдатларни изидан қувишга маъмурларга ёрдам беришлари керак эди. Одамлар кетидан қувишни Брэнник ёмон кўрар эди. Бир амаллаб ватанига етиб олмоқ учун ҳаётини таҳликага қўйган бу бегона солдатларга у хайрихоҳдек эди. Лекин буйруқ жуда қатъий эди, қандай қилиб бўлса ҳам қочоқлар қўлга туширилсин, агарда қаршилиқ кўрсатадиган бўлса, отиб ташлансин, дейилган эди.

Тўрт йигит ҳовлига кириб келди, Брэнник уларни қаршилаб ўрнидан турди. Тахминан туш пайтида Фенн кўлининг шимолий қирғоғида бир одамни кўрдик дейилган хабар бор эди, сержант, қочоқ қайси йўлдан кетганини, деб бош қотириб турганда, келган йигитларнинг бири шарт олдидан чиқиб, деди:

— Қани сержант, бир Ломуенга бориб суриштирайликчи. Агар қочоқлар кўлнинг шимолий қирғоғида бўлган бўлса, албатта хутор олдидан ўтган.

— Яхши— Брэнник рози бўлди. — Ханс, сен бизга йўл кўрсатиб борасан.

Бу йигит Торанинг эски жазмани Ханс Лекве эди. «У Ломуенга яна боришдан жуда хурсанд бўлса керак» — деб ўйлади бошқалар.

Улар Ломуен йўлида, ҳолдан кетиб, букчайиб қолган бир кампирга дуч келдилар. Кампир мева териб юрар эди. Йигитлар, қочоқларни кўрмадингми деб сўрашди. Кампир ўзини жинниликка солиб:

— Вой, вой, улар бу ерда аҳён-аҳёнда ўқ отиб туришарди, йигитлар, — деб гулдиради ва беҳуда жилмайиб, саволга тўғри жавоб бермади.

Кампирнинг ақли жойида эмас, ундан бирор маъни чиқмайди, деб ўйлаб, бу ерда тўхтамай, йўлда давом этдилар. Кампир уларни кўз қири билан кузатиб қолди, кейин юзида яна маъноли ифода акс этди. У шу яқин ўртада, ўрмон ичида иккита қочоқни кўрган эди, улар қайси йўлдан кетганини айтиб бериши мумкин эди, лекин бечораларга раҳми келди, айтмай ўзини жинниликка солди.

Брэнник ёрдамчилари билан Ломуенга етиб борганда, солдат Генрих Пинке у ердан қочиб кетганига бир соатча бўлган эди. Шу пайтда Тора оғилхонада эди, улар ҳовлида чолга дуч келдилар. Брэнник чолдан бегона тилда гапирувчи кўк тужуркали бир солдатни кўрмадингми, деб сўраган эди, у нима деб жавоб беришини билмасдан ҳамда вақтни ўтказиш баҳонасида ўзини карликка солди. Бахтга қарши Тора ҳовлига кимдир кирганини пайқаб, молхона эшиги олдида турган эди. Хансни кўриб, имлаб чақирди. Қиз бу йигитлар нимага келганини дарров англаган эди.

— Менга қара, Ханс, — деди Тора ва уни қоронғи оғилхонага судраб кирди. — Ҳозир бизникидан қочган солдатни топиб, дарҳол ўлдиришинг керак. Уйдаги жамийки яхши таомларни топиб олдига қўйгандим, бутпарастдек гапирсаям ҳар ҳолда ўз яқинимиз, христиан деб ўйлагандим. Лекин номаҳрам, бобом ҳовлига чиқиб кетган маҳалда номусимга тегмоқчи бўлди.

— Ростданми! — Хансинг юзи қизарди доим кишига раҳмдил боқиб турувчи тиниқ, мовий кўзлари чақчайиб, қорайиб кетаёзди.

Ханс қизга шу қиёфада ёқарди, лекин Тора унинг, қиз бошига мусибат тушибди-да деб ўйлашини истамас эди. У Хансинг пинжига суқилиб тушунтира кетди.

— Солдатга-ку, бўш келмадим-а, лекин у мени қат-

тиқ ҳақорат қилди. Инпайкейин, уни ушлай олмаганлари учун норвегияликларни назар-писанд қилмай қўйган кўринади. У йигитнинг беадаблиги учун бошлаб жазосини тортди, деб эшитмагунимча тишиб-тинчимайман.

Ханс бир сўз қотмай, Тора қўлидан чиқди-ю, ташқарига отилди.

— Қани йигитлар кетдик, орқамдан,— деб ҳайқирди у.— Мен у дайди қаёққа кетганини биламан.

Одатда тепса тебранмас бу йигитнинг бунчалик ғайратга мингани ҳаммани ҳайрон қолдирди, эҳтимол, Ханс ҳақиқатан қайси йўл билан боришини аниқлаб олгандир? Орадан кўп ўтмай ҳақиқатан ҳам улар қочоқлардан бирининг изига дуч келгандир. Ханс Лекве қуролини маҳкам тутиб, олдинда бораётганини Брэнник сизди, қолган уч йигит кетидан кетаётган эди.

— Сержант, яхшиси қочоққа ўқ узмаслигимиз керак, деб ҳисоблайди,— деди кимдир.— Бундай пайтда сержант ўқни ҳавога узади. У биз ҳам шундай қилишимизни истаydi.

Қолган иккитаси маъқуллаб бош ирғатди. Булар илгари ҳам шундай қилиб келган. Буйруқни бажариб, қочоқларни таъқиб қилиб юрганларида, уларни кўриш билан дарҳол ҳавога ўқ узганлар ва шу билан чегара орқали Швецияга ўтиб олишларига имконият берганлар.

— Агарда, бегона мамлакатда хизмат қилишга дуч келиб қолгудек бўлсам, мен ҳам шу йигитлардек иш тунтардим,— дейди Петер Раббен.

— Бу-ку турган гап-а! Шундай бўлса сержант ҳам уйинга кетишга ҳаракат қиларди-да,— деб ўйлашарди бошқалар.

— Тўхта! — команда берди Брэнник. — Диққат!

Бешаласи ҳам ўрмон ёқасида тўхтади. Улар элдила кечки туман пардасига бурканиб ботқоқ ёйилиб ётар эди. Ботқоқнинг нариги томонида тепалик бўлиб, усти қандайдир ўрмон, дарахтлар танаси орасидан ҳали қуёш тилғари тушиб турар эди.

Қочоқ ботқоқликдан ўтиб қолаёзган эди. Тужуркасини ечиб ташлаб у дўнгдан бу дўнгга ҳатлаб ўтиб борар, оқ кўйлаги нишонга олиш учун жуда қулай эди.

Брэнник унга тўхта, деб қичқирди. У одам на бирои сўзни эшитар ва на фаҳмларди, фақат бир нарсани — олға юришнигина истарди. Сержант огоҳлантириб ўқ узилсин, деб команда берди. Тўрт солдат осмонга ўқ уз-

ди. Лекин бешинчи ўқ бирмунча паст кетди. Оқ кўйлакли қочоқ бирдан тўхтади-ю, гандираклаб, қўлларини кёрди, сўнгра яна бир неча қадам босиб, ботқоқликнинг нариги томонига етгач, шундай ўрмон ёқасига мукка тушди. Аттанг, яна бир неча қадам юрганда, қутулиб кетган бўларди-я.

Ханс Лекве ғалати жилмайиб, қимир этмай турар эди.

— Мана, у қилмишига яраша жазосини торгди,— деди у.

Сержант Брэнник имо қилган эди, ҳамма бир нафас жим бўлди. Олдинда одам жасади ётарди. Остига солдат йиқилган катта, сершоҳ қайиннинг кумушсимон оқ танасини қуёш ёғдулари ёритиб турарди.

— Ҳа, бўлар иш бўлди,— деди-да, Брэнник энгагиши секин силаб қўйди.— Уч киши ботқоқликдан айланиб ўтсин-да, замбил ясаб, уни қишлоққа олиб борсин. Ориқ экан, қийналмайсизлар. Уч кун оч-наҳор қочиб юриб, одамнинг оғирлиги қоладими. Биз бўлсак...— У гапини бўлиб, ўгирилиб Ханс Леквега қаради. Ҳозиргина у бир йигитни отиб қўйган Ханс эса, гўё туш кўргандек, милтиғига тикилиб турарди.

— Қани бўл, Ханс,— деб унга мурожаат қилди Брэнник; унинг овози дағал эшитилди, эҳтимол, сержант Хансни ҳаётга йўлламоқчи бўлгандир,— энди бизни қолган иккитаси кетидан бошлаб бор.

Ханс Лекве бошини кўтариб қараётган пайтда башарасидан мутлақо таниб бўлмас, гўё қаттиқ оғриқ зўридан юзлари қотиб қолганга ўхшар эди. Йигит жим турар, лекин оғзи қийшайиб, лаблари титрар эди. У милтиқни улоқтириб юборди.

— Уни мен ўлдирдим,— деб ғулдиради у, худди гўдак сингари. Ханс, Брэнникка айбдор одамдек қараб турарди. Брэнник бир зум ерга тикилди. Бошқалар ҳам Хансга қарамасликка ҳаракат қилардилар. Ханс ўртоқлари орасида тек турар экан, дам унисига, дам бунисига назар ташлар, ғалати дард ифодаси ҳануз юзидан кетмаган эди. Ниҳоят, сержант бошини кўтарди.

— Ҳозирча бошқа ёққа бормаймиз,— деди у секин.— Қани, йигитлар. Уйга!

Йигитлар енгил нафас олиб, келган йўлларига қайрилдилар. Ханс Лекве кейинда, бошини ҳам қилиб, индамай борарди. Бошқалар ҳам камдан-кам гапирар эди.



Улар тахминан ярим кечада қишлоққа етиб келдилар.

Мурдани замбилга солиб кўтариб келаётган уч йигит эртаси кунни етиб келди. Улар кўк тужуркани топиб олганлар. Мурдани қишлоқдан олиб ўтаётган пайтда энгагига ўраб қўйгандилар. У ҳануз илгаригидек чиройли эди, бетлари шамолдан ёрилган, жануб қуёшидан қорайган, унда хотиржамлик ифодаси қотиб қолган, жингалак сочлари пешонасига тушиб турар эди. Мурдани мазор девори ёнига кўмдилар. Солдат Генрих Пинке 1743 йилда Богемияда туғилди — 1767 йилда йигирма тўрт ёшида Норвегияда вафот этди.

Тора Ломуеннинг кўрган-боққани фақатгина ўша кунни кечқурун Ханс Леквени оғилхонада қучоқлагани бўлди, бундан ўзга илтифот қилишига ҳеч қачон фурсат етмайди.

Ханс Лекве ёш солдатни ўлдиргандан кейин таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Қишлоққа қайтиб келганда, одамлар кўзига тахминан ўн ёш қаригандек кўринди. Гоҳо биронта киши шу воқеани эслаб қолгундек бўлса, Ханс дарҳол ўзини эшикка отар эди. У бахти қаро, бадқовоқ ва одамови бўлиб қолди. Бир маҳаллари қариндошлари, у ўзини ўлдириб қўяди, деб қўрқиб, диққат билан орқасидан кузатиб юрдилар. У бир камбағал қишлоқ қизини яхши кўриб қолгандан кейингина аҳволи бир оз дуруст бўлди, ўшанга уйланиб, кейин қиз туғилгач, чекка ўрмон қишлоғига кўчиб кетди. Лекин шундай бўлса ҳам, Ханс аввалгидек одамлардан қочар, назарида улар билан бирга бу кичкина жойга қандайдир оғир ва мудҳиш бир нарса эргашиб келгандек бўлар эди.

Тора Ломуенга ундан бўлак уйланишни истовчи йигит бўлмади. У ҳозир Ханс Леквени бир вақтлари ёш солдатни ёмон кўргандан ҳам бешбаттар ёмон кўрар эди. Тора тўғрисида ҳалқ орасида ҳануз миш-миш гаплар юрар, у яхши ва бахтли ҳаёт кечирувчи кишилар ҳақидаги гапларга тоқат қилолмас, фақат яқинлари бошига ҳар хил касаллик ва мусибатлар тушгани тўғрисида гапирган одамлар билангина дўстона муносабатда бўлар эди.

Лекин, энг бахтсиз одам — Торанинг ўзи бўлиши ҳам эҳтимол.

# ШВЕД



# ХИКОЯЛАРИ

*Карин Бойе*

## ИСТЕЪДОД СОҲИБИ



адний академиянинг професори Эвальд Якобсон тушки овқатдан кейин кофе ичишаркан, жуда хомуш кўринар, бир нуқтага тикилганича нималарнидир ўйларди.

— Нимани ўйлаяпсан?— деб сўради хотини.

— Люттингни,— деб жавоб берди у.

— Қим у Люттинг?

— Люттинг билан бир вақтлар Бадиий билим юртида ўқигандик. Буни сенга ҳеч айтмаганманми, а? Айтмаган бўлсам айтмагандирман. Ҳа, айтмоқчи кўп йилдан бери Люттинг ҳақида ҳеч нарса эшитмадим, ўзим билан ўзим овора бўлиб, орамиздан қил ўтмайдиган дўстимни бутунлай унутиб юбордим.

Энди Люттинг кимлигини билиб олгандирсан. Энди, келажакда бахтли бўлиш учун ҳамма имкониятлари бўлган кишини кўз олдинга келтир. Люттинг жуда ҳам ажойиб рассом бўла олар эди. Гапнинг калтаси, уни билим юртидаги энг истеъдодли ўқувчилардан ҳисоблашарди. Люттинг яратган ҳайкалларни бир кўрсанг эди! Ҳайкаллар унинг картиналаридан ҳам яхшироқ чиқарди. Бундан ташқари у скрипка ва рояль ҳам чалар, жуда ажойиб, оригинал ва ёқимли куйлар яратарди. Уни кишини тўлқинлантирувчи шеърлар битадиган шоир дейишарди. Аммо, бахтга қарши мен унинг шеърларини бирон марта на ўқиган ва на эшитганман.

Биз Люттингни Леонардо да Винчи ёки Микельанжело сингари асримизнинг энг буюк кишиси бўлиб етишадди, деб хаёл қилардик. У байрамларда ёки ўтиришларда доимо энг ҳурматли сиймо ҳисобланар, атрофида ҳамма парвона бўларди. Люттинг замонамизнинг атоқли кишиси бўлиб етишишига бизнинг ишончимиз комил эди. Бироқ, натижа бундай бўлиб чиқмади: Люттинг дом-дараксиз кетди. Бугун мен Люттингни бирдан эсладим. Унинг ном-нишонсиз кетганини ўйлаб, ҳайрон қолганлигимни бир тасаввур қил. Мен Люттингни номи бутун мамлакат бўйлаб тарқалиб, шуҳрати оламни тутса керак, деб ўйлардим. Бироқ Люттинг шуҳрат қозонишга буткул кечикканлигига бугун кечқурун ишонч ҳосил қилдим.

Профессор кейинги сўзларини жуда оҳиста ва заиф товушда айтди. Якобсон хоним эрига қаради. Профессорнинг чеккасидаги сочлари оқарган, ўзи эса креслода букчайиб ўтирарди. Профессор «буткул кечикди» деганда, балки ўзини ҳам кўзда тутаётгандир? Юзаки қараганда у анчагина шуҳрат орттирган — илмий даражаси бор, жамиятда дуруст мавқега эга эди. Шундай бўлса ҳам бадний академиянинг профессори билан келажакни ўйлаётган кишининг буюк мақсадлари ўртасида фарқ катта-ку! Киши фақат жамиятдаги мавқе ва даражанигина эмас, балки ижодий ҳаёт денгизида нималар, қандай ишлар қилиш лозимлигини ҳам хаёл қилади-ку. Креслода букчайиб ўтирган соч-соқоли оппоқ бу киши кўпгина илмий ишларнинг автори бўлса ҳам ҳозиргина ёшликдаги орзулари ҳақида ўйларкан, шу чоққача яратган барча асарлари ўзига нурсиз ва майда бўлиб кўринди.

— Нега келиб-келиб Люттингни бугун йўқлаб қолдинг?

— Мен вокзалдан сал нарида — Васагатанда Люттингга ўхшаган кишини кўриб қолдим. Кўчада ўзимча Монссоннинг «Стокгольмстиднинген»да босилиб чиққан мақоласидан ғазабланиб кетаётган эдим, қаршимда келаётган киши эътиборимни ўзига жалб қилди. Титраб кетдим: Ким бўлди бу? Кейин унга ўгирилиб қарадим, у ҳам менга қаради. Эҳтимол у қараганимни сезгандир. У одам менга худди Люттингдай туюлди. Балки ўша одам Люттингдир ё мен адашгандирман. Нотаниш одам Люттингдан каттароқ эди. Мен дўстимнинг ҳозир неча ёшга кирганини ўйлай бошладим. Ўйлай-ўйлай уни ҳеч бўлмаганда ҳозир...

Шу онда хонага оқсоч қиз кирди-да, қандайдир бир жаноб профессорни кўрмоқчи эканлигини билдирди. Профессор ташқарига отилди.

— Ё худойим, наҳотки бу... Сенмисан, Люттинг! Кир, ичкарига кир! Кирсанг-чи!

Келган киши Люттинг эди. У профессорнинг кетидан қоронғироқ даҳлизга кирди. Устида кийила берганидан унниқиб кетган пальто, титилиб кетган шим ва оёғида эса тешикларидан панжалари кўриниб турган ботинка. Муҳтожлик ва жафо қолдирган излар унинг бутун сиймосида, айниқса қийналиш ва ичкиликдан ориқлаб, заъфарон бўлиб кетган юзида яққол кўриниб турарди. У уйнинг деворларига ёпиштирилган гулдор қоғозларга, оёма лампага бир дам қараб турди-да, кейин кийим иладиган қозиқ ёнига борди.

— Хуш келибсан,— деди Якобсон,— худди кофега етиб келдинг.

Люттинг хотиржам бош ирғади-да, пальтосини қозиққа илди. Меҳмоннинг кастюми уводага ўхшарди. Профессор уни кўриб, дўстига юраги ачишди, кўкрагида қандайдир жисмоний оғриқ сезди.

Профессор Люттингни хотинига таништирди. Бироқ, кофе ичиб ўтирганларида негадир суҳбат унчалик қовушмади. Оқсоч қиз шу орада тарелкада қовурилган жигар олиб кирган эди, меҳмон бир зумда уни бўшатди. Профессор ҳаммага машҳур бўлган ўзининг ирода кучини йиғиб, студентчасига шўх, бемалол гапиришга уринар, аммо суҳбатдоши ўзини совуққон тутиши уни тўхтатиб қўярди.

Профессор ўрнидан туриб рояль ёнига келди ва бир неча аккорд чалди.

— Эсингдами?— деб сўради у.— Бу сенинг куйинг. Хўш, хозир ҳам бирон нарса ёзаяпсанми?

— Йўқ. Мутлақо. Ахир бизнинг музикамизда қандайдир, бир чирик нарсанинг борлиги билиниб туради-ку.

— Нималар деяпсан ўзинг?

— Ўзинг ҳозирги замон музикасининг асоси нимадан иборат эканлигини биласанми? Бизнинг барча овоз системамиз иккита-иккитадан, яъни мажор ва минордан иборат бўлган ўн иккита босқичдан ташкил топган. Дарҳақиқат, иккитадан. Бунинг нима эканлигини тасаввур қила оласанми? Нимаики, ўн иккита босқичдан ташкил топган бўлса, ҳаммаси тушкунликдан бошқа нарса эмас.

Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Ҳаммаси чалкаш. Тушундингми? Ҳа, чалкаш ва софликдан маҳрум.

— Бундан бошқа музика йўқ эканми?

— Бор, албатта. Мисол учун негр-бантуларнинг музикаларини олайлик. Тамулларнинг музикалари ҳарқалай қадимги вақтларда вужудга келган, балки инкларнинг музикаси ҳам қадимийдир. Сен, яхшиси, бантуларнинг куйларини бир тингласанг бўларди. Бошда тушунмайсан, албатта. Ешлигимизданоқ ўн икки босқич билан заҳарланганимиз сабабли олдинга уларни тушунмаймиз. Бироқ, тинглашда давом этар экансан, аста-секин кўз олдинда жуда соф ва тиниқ гармония намоён бўла борарди. Уларни қанчалик роҳатбахш этишини тасаввур қилсайдинг. Мен шундай музика ярата олармидим? Йўқ! Албатта мен ҳали музика яратиш даражасига етишганим йўқ. Аммо сабр қил, бир кун вақт келиб соддалик галаба қозонади.

— Ҳайкалтарошлик билан шуғулланаяпсанми?

— Йўқ. Нима кераги бор? Бизнинг замонамизга ҳайкалтарошлик керакми? Йўқ, у антик даврда зарур эди, у замонларда маданият оз бўлган озод кишиларнинг гуруҳи учун мавжуд эди, қора ишларнинг барчасини қуллар бажарарди. Ҳозир архитектура геометрияга айланиб кетди, биз бўлсак фойдали архитектуранинг мухлисимиз. Хўш, буни яхши, менга ёқади, деб фараз қилайлик. Бироқ ҳайкалтарошлик учун ҳозирги замонда органик жойнинг ўзи йўқ. Мен, органик жой деяпман, чунки сен уйингни ҳамма бурчакларига кичкина ҳайкалчаларни (У Кай Нильсен<sup>1</sup>нинг бурчакда турган кичкина ҳайкалига ишора қилиб қўйди) керагича қўйишинг мумкин, аммо такрор айтаманки, бу ерда ҳайкалтарошликнинг ҳозирги замон маданияти билан жонли алоқаси йўқ.

Профессор чуқур хўрсиниб қўйди.

— Эҳтимол, гапларингда бир оз ҳақиқат бордир,— деди у толиққан оҳангда.— Кейин у рафиқасига мурожаат қилди:— Эмми, азизим, биз учун роялда бирор нарса чалиб бергин.

Эмми роялда қандайдир бир куйни ижро этар, икки эркак эса тинглашарди. Куй орасида қилинадиган паузалардан профессор хурсанд бўлар, Люттинг эса, ўн иккинчи даражага очиқдан-очиқ душманлик назари билан

<sup>1</sup> Маиҳур ҳайкалтарош.

қараса ҳам, ҳозир куйни зўр иштиёқ билан тинглар, афтидан ундан мамнун эди. Бироқ, куй тугаши билан у яна илгаригидек тумтайиб олди.

— Рассомлик билан ҳам ҳеч шуғулланиб турибсанми,— деди Люттинг профессорга мулойим ва енгил истеҳзо билан. У энди очиқ ҳужумга ўтган эди.— Бироқ, сен расм чизсанг ҳам барибир қадимги мастерларнинг картиналаридек жозибадорликка эриша олмайсан. Икки юз йил ўтгач, бўёқларнинг ўчиб, хиралашади. Биз расм чизамиз деб қийналамиз, сурпни бўяймиз, аммо қадимги мастерлар сирининг тагига етолмаймиз. Ҳа, шунинг учун ҳам мен тасвирий санъат билан шуғулланишни бас қилдим.

— Дўстим!— қичқирди Якобсон. Унинг товушида даҳшат ва нафрат сезилиб турарди. Профессор тез ва илдам ҳаракат қилиб, столни четга сурди, сўнг ҳаммалари ўринларидан туриб меҳмонхонага чиқишди.

Профессор Якобсон ҳаяжонланганидан хонанинг у бошидан-бу бошига тўхтовсиз бориб келар, Люттинг бўлса, чуқур ўйга ботганича креслода ўтирарди. Нихоят, профессор зўр қийинчилик билан титроқ товушда Люттингдан:

— Сен, албатта шеърлар ҳам ёзмаётгандирсан?— деб сўради.

— Ҳа, ёзмаяпман,— ўжарлик билан жавоб берди Люттинг. Сўнг у дўстига очиқ ва маъноли назар ташлади.— Мен, биз тортаётган машаққатларни ҳеч қандай сўз билан ифодалаб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилдим. Энг олий ҳузур ва дўзах азобларини сўз орқали беришга уринишни тентаклик деб ҳисобладим. Ҳаво ёки шамол... ҳақида ёзиш... раҳмат, бу ҳақда мендан бошқалар ёза турсин.

Орадан хийла вақт ўтгач, бир вақтлар ҳаётда ўз ўринини топиб оладигандек кўринган инсон жиддий ва камтарин, ғолиб сифатида уйдан чиқиб, атрофга ёйилган туманда ғойиб бўлди. У кетар олдида профессор дўсти Якобсондан қарзга эллик крон сўраб олди.

*Муа Мартинсон*

### ЙУРГАК ВА ГУЛ



ува фарзанд кутаётганига ҳеч ким ишонмасди. Ҳозир қирқ беш ёшга борган, турмуш қурганига ўн йил бўлган бўлса ҳам, шу маҳалгача ҳеч туғмай, энди бирдан ҳомиладор бўлиб қолса-я, йўқ бекор гап!

У барин қўрғонида ишлаб юрган маҳалда ҳам бунақа овозалар бир неча марта тарқалганди, хўжайиннинг ўзи уни кўз тагига олиб юрар эди. Одамлар Луванинг белига, сонларига тикилиб қарай бошладилар; биттасига тўлишгандек кўринса, иккинчисига энига кенгайгандек туюларди, лекин Лува шу йиллар давомида ҳеч ўзгармаган, қандай бўлса, ўшандай — нозик, чаққон, қадди-баста келишган эди. У ўттиз беш ёшида молхона хизматкорига турмушга чиқди. Ўшанда ҳамма, Лува қандай қилиб оддий хизматкорга эрга тегишга рози бўлди, деб ҳайрон қолганди; қўрғонда биринчи оқсоч бўла туриб, оддий молбоқарга хотин бўлишлик — бу ижтимоий жиҳатдан бир неча поғона пастга тушиб кетиш эмасми? Тағин эри бор-йўғи мардикор бўлиб ишлар, узоқ ерда бир ҳужрада ёлғиз ўзи истиқомат қиларди. Бунинг устига у хушук, Лува эса гўзал.

Қиз хўжайиндан ҳомиладор бўлиб қолган, шунинг учун у айбни бекитмоқчи бўлиб, уни эрга беришга шошилган, деб ўша пайтдаёқ гапириб юришарди.

Лекин Лува ҳомиладор эмасди. У турмушга чиққан мардикор, бу томонларга куз пайтида келганди; у оз ҳақ

тўлашса ҳам ҳар қанақа ишни бош тортмай қилаверарди, орадан кўп вақт ўтмай яхши ер-жой сотиб олди, хўжайини сиғир олишига ёрдамлашди, ҳатто қўрғон инвентаридан фойдаланишга ҳам йўл бериб қўйди. Бунақа яхшилик қилиш сабабини ҳеч ким билмасди. Қўрғонда бир неча йиллардан бери ишлаб келувчи хизматкорлар, дунёда адолат деган нарсани йўқ эканини да, деб тўнғиллашар ва уни келгинди, дарбадар деб ҳақорат қилардилар. Лува эри билан кўчиб борган участка жуда яхши ва қўрғондан олисда эди.

Овозалар ёлғон чиқди — Луванинг фарзанди йўқ эди. Бироқ орадан бирмунча вақт ўтгач, хизматкорлардан қайси бирини: хўжайини эри елкаси яғир бўлиб мардикор ишлагани кетган пайтда бориб турмоқ учун Лувани қўрғондан узоқда сақламаётганини а! — деб гумон қилиб қолди.

Бу тўғрида озмунча миш-мишлар ва ғийбатлар бўлди! Ҳатто мардикорни огоҳлантириб қўйганлар ҳам топилди. У, бу ёлғон-яшиқ гапларга қандай қарасам бўларкин, деб қавм судьясига маслаҳат ҳам солди. Судья айбдорларни сўроқ бергани чақиринишга қарор қилиб, барча хизматкорларни малайхонага тўплади, бироқ Луванинг хўжайини билан дон олишиши ҳақида ҳеч ким ғинг демади, хўжайини мардикор участкаси томон кетганини ҳеч ким ҳеч қачон кўрмаган бўлиб чиқди.

Буни қаранг, Лува қирқ беш ёшга чиққанда, лоп этиб туғиб берса бўладими! Тўғри, энди бу хўжайинининг иши дейиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди.

Чақалоқ бир ойлик бўлганда, черков маросимини ўтказиб, унга Оскар-Александр деб ном қўйдилар. Лувани, кўргани илгари қўрғонда бирга ишлагани иккита дугонаси келди. Улар билан Қайса-Колбаса кампир ҳам бирга келди. Бу кампирни шу теварак-атрофда ҳамма танир, уни мол еўйишганда қарашиб юборишга чақирадилар. Лува аёлларни очиқ кўнгили билан қарши олди; у ўн йил бурун оқсоч бўлиб ишлагани маҳалида қандай бўлса, ҳозир ҳам худди ўшандай — сарвиқомат, ёшдек кўринар ва доим кулиб турарди. Меҳмонлар кофе ичдилар, болани мақтадилар, Қайса-Колбаса кампир эса уни қўлига олиб, сиңчиклаб қарай бошлади.

— Намунча қарайвердинг, хўжайинга ўхшайди деб ўйлаяпсанми? — деб қолди Лува, кампирга ғараз билан тикилиб.



— Йўқ, — деди кампир оҳиста, — отасидан бир тус каммас...

Лува пизза бўлиб, ранги ўчиб кетди. Икки меҳмон юзи шолғомдек қизариб, ерга қаради. Фақатгина ёлғиз кампиргина ўзини гўё ҳеч нарса бўлмагандек тутиб ўтирарди.

— Нима бўпти, ўз тўғрингдаги ғийбатларни энди эшитаётганинг йўқ-ку, бу ёлғон-яшиқлардан хабардор бўлиб турганинг ҳам бир ҳисобда яхши. Ҳа, энди хотир-жам бўл, бундан буён ҳеч ким ғийбат қилмайди.

Лува амалдорлар эшигида ўн саккиз йил хизмат қилиб, одамлар билан қачон яхши, қачон қўпол муомалада бўлишни яхши ўрганиб олган эди. Хўжайинининг шилқимлигини кўп йиллар қайтара олган, кечалари даҳлизда кийимини кийдириб қўйишга тўғри келган пайтида маст, ахлоқсиз меҳмонлар тегажоқлик қилишини даф этиб келган Лува бугун қарангки, ўзини йўқотиб қўйди, гапни бошқа томонга буришни, қўпол сўзи туфайли туғилган ўртадаги ўнғайсизликни қандай кўтаришни билмай қолди.

Лекин у шарт айтиши керак эди: бу ғийбатлар дастидан қанча азоб чекди, ҳар хил миш-мишларни эшитиб, қанчалар кўз ёши тўкди. Баъзан бирга ишлаган одамларини кўзига кўзи тушмаслиги учун кўр бўлишга ҳам рози бўлар эди.

Ҳа, у очқиқчасига айтиши керак.

Булар ўзларича меҳмон бўлиб келишган, биров таклиф этмаган-ку. Ёлғизлик Лувани ҳадикчи қилиб қўйди. Аёлларни, у, булар қани, бир бориб кўрайлик-чи, боласи кимга ўхшаркин, кейин ғийбат қиламиз, деб қизиқсиниб келган бўлсалар керак, деб ўйлаб қолди. Ҳозир эса Лува, аёллар ҳеч қандай гаразсиз, яхши ният билан келишганини сезиб қолди. У, бўлганча бўлди, ўтган гапга салавот, деб улар билан қайтадан ўртоқ тутинмоқни истади; қўполлиги учун афсус қилмади. У кўп йиллар давомида устидан тоғ қулагандек биринчи бор руҳи енгил бўлди.

— Яна кофе ичишлар, печеньедан еб ўтиринглар, мен болани эмизиб олай, — деди Лува хурсанд бўлиб, меҳмонларга кофе қуяркан. Сўнгра у бешик олдига ўтирди-да, болани қўлига олиб эмизди.

— Ҳа, бу ерда жонинг роҳатда бўлади, — деб сўз қотди Қайса-Қолбаса кампир ва чиройли гуллар ўстиргани учун Лувани мақтай кетди.

— Испан гулсапсари гуллаганини ҳар маҳал баҳорда кўриш насиб бўлавермайди. Бунақа чиройли оқ пелларгонияларни мен умрим бино бўлиб энди кўриб турибман.

Дугоналари ҳам гулларни мақтадилар, едилар, ичдилар ва ниҳоят, кетиш тараддудига тушиб, ўринларидан турдилар.

— Бир лаҳза шошмай туринглар, мен болани ухлатай, сизларни бир оз кузатиб қўяман. Бирваракай, кирларниям олвола қолай, сойда чайиб келаман. Оқ пелларгония қаламчасидан олиб кетинглар, Оскаримни биринчи кўрганларингдан эсдалик бўлади. Олинглар, ҳаммага етиб ортади, — деди Лува гуноҳкорона жилмайиб.

Аёллар индамасдан, авж қилиб очилиб ётган пелларгония новдасидан синдириб олдилар-да, кейин бешикда ухлаб ётган болага сўнгги бор ҳавас билан қараб қўйиб, Луванинг орқасидан сой томон юрдилар. Сой қирғоқларида яшил кўкатлар ўртасида бўтакўзлар мовий бўлиб кўринарди. Лува кирларни сойга ботириб, устидан оғир тош бостириб қўймоқчи бўлди. Кечагина баҳор ёмғири шаррос қўйиб, сой ҳайқириб оқар, суви одатдагидан анча кўтарилган эди. Оқимнинг қуйироғида гов, ундан пастроғида тўғон бўлиб, шу ерда сув тегирмони бор эди. Лува энгашиб тош олгунча кирлар ичидан битта йўрғак ажраб, оқиб кетди.

— Ҳай, йўрғакни ушлаш керак, йўқса бола бир умр бахтсиз бўлади, — деб бақирди Қайса-Қолбаса кампир.

Лува дугоналари билан қирғоқдан югурди, лекин қўлларида йўрғакни илиб олгани на биронта новда, на таёқ бор эди.

— Вой, бу мусибатам бор эканми-ей! — деб дод солди Қайса-Қолбаса кампир, йўрғак тегирмон паррагига ўралиб айланиши ҳамано.

— Э, бир парча латтага шунчами! Ҳамма нарсаям вақти-соати билан латта бўлиб, шундай оқиб кетади. — Луванинг жаҳли чиқиб кирларни чайгани кетди. Аёллар унинг кетидан борди.

— Кечқурун бола учун худога сифингин, хўпми? — деб маслаҳат берди Қайса-Қолбаса кампир.

Лува индамади, боланинг кийимларини янада ғайрат билан чайқайверди.

— Боланинг нарсаси оқса, яхшиликка олиб бормаслигини сизлар биласизлар-а, — деди Қайса-Қолбаса кампир бошқа аёлларга ўгирилиб.

— Ҳа, яхшиликка олиб бормади, дейдилар, — деб тасдиқлади Лувадан кейин қўрғонда ишлаган аёл. Ҳозир у ҳам турмушга чиққан эди.

— Бас, шунча чўзганларинг етар. Менга салгина парса бўлсами, ҳаммангиз ёмонликка бураверасиз! — деб бақирди Лува.

— Сенга фақат яхшиликни раво кўрамиз, — деди-да, Қайса-Колбаса кампир пелларгония новдасини сездирмай ташлаб юбориш тараддудига тушди.

Аёллар хайр-хўшлашдилар. Лува бир нима деб тўнғиллади. Улар кетгач, Лува пелларгониянинг учта новдасиниям ерда кўрди. Новдаларни ердан олиб, уйига боргач кўчат қилиб қўйди.

— Ичиқора гийбатчилар! — деб ҳақорат қиларди у ўзича.

Шу кундан бошлаб қўрғон хизматкорларининг топган гапи оққан йўргак бўлиб қолди. Улар нима демадилар; бир неча йилдан кейин, «Лува болага ёмонлик соғиниб йўргакни атайлаб оқизиб юборган экан, демак, хўжайинга ўхшашини одамлар билиб қолмасин деб қўрққан экан-да», деб гапириб юрдилар. Оскар улғайиб борар экан, бошига бахтсизлик тушсин деб унинг ойиси йўрганини шайтонга бериб юборган экан, деган гапларни кўп эшитди. Лува камгап, маъюс бўлиб қолди, бола жуда ўйинга берилиб кетса, жеркиб ташларди. Оскар ойисидан зириллаб турарди. Отаси кўпинча, қани энди шу ердан нарироққа кетиб, гийбатчилардан бир умрга қутулсак, деб тўнғиллаб қўярди.

Оскар-Александр мактабга борган биринчи кунидек тахминан ундан уч ёш каттароқ бир бола қичқириб қолди:

— Ойинг чақалоқлик пайтингда кир йўргагингни сойга оқизиб юборган, энди ҳамма бахтсизлик сенинг бошингга тушаверади! У, отаси помешчик эканини ҳеч ким билмайди, деб ўйлайди-да.

Хўжайин вафот этиб, кекса адолатли судья хизматдан бўшаб кетгач, мардикорга ҳеч ким ёрдам бермади. Луванинг ўғли одамови бўлиб ўсди, ойисидан ўзини олиб қочарди, мактаби ёмон кўрарди, кўп дарслардан қолиб кетгач, мактаб совети уни тарбия уйига жўнатиш ҳара-

катини қилди. Оскар қайтиб келганда, Лува сочлари, оқариб, кампир бўлиб қолганди, бир вақтлари пәмешчик кўрғонида энг гўзал қиз бўлганлигига ҳеч ким ишонмасди.

Оскар йигирма ёшга кирганда бахтсизлик юз берди. У рождество ҳайитига уч кун қолганда онасини ўлдирди. Ўзи ҳам тўғон ёнида сувга чўкиб ўлди. Мардикор кечқурун уйга келиб Луванинг ўлигини кўрди, кейин у ҳам ўзини осиб ўлдирди. Шундай қилиб, нақ рождество арафасида бирдан учта ўлик чиқариладиган бўлинди. Энди байрам қаёқда дейсиз! Хуторда ҳеч кимга ароқ бермадилар, хўжайинлар расм-одатга хилоф равишда рождествонинг иккинчи куниям хизматкорларни зиёфат қилмадилар. Байрамдан кейин учаласини ҳам дафн этдилар. Кайса-Колбаса кампир аллақачон дунёдан ўтганди, бироқ Лува билан тенгқур бир аёл, черковда ҳамма ўлганларга жаноза ўқилишини эшитиб турганда, ёнидаги одамларга шивирлади:

— Демак, Кайса-Колбаса кампир тўғри айтган эканда. У «Сойга кимда-ким йўргакни оқизиб юборса, бир балога йўлиқадн», деган эди.

Кўрғондаги янги хизматкорнинг хотини, бу жойларга эндигина кўчиб келган ёш жувон унга черковда маҳмаданалик қилмасликни маслаҳат берди.

Луванинг ҳувиллаб қолган уйида каттакон оқ пелларгония чамап бўлиб гуллаб ётар, ҳатто қизил пелларгония ҳам шиғил гунча тугиб, очилай-очилай деб турар, испан гулсапсари эса кўм-кўк янги барг чиқарган эди. Ҳаво иссиқ эди, гулларни совуқ урмай, ўт ёқилмаган уйчада омон қолган эди. Кимошди савдоси куни пелларгония сотиладиган пайтда майда ёмғир ёғиб турарди. Кимошди савдосига тўпланган одамлар олдидан сув ариқ бўлиб оқди. Янги кўчиб келган хизматкорнинг хотини, ёш жувон оқ пелларгонияни сотиб олди, бу ерда эскидан турувчиларнинг ҳеч қайсиси олишга журъат этмади: улар, Луванинг гуллари ажал тарқатади, деб кўп марта эшитгандилар. Қандайдир мўъжиза билан фақат Кайса-Колбаса кампир билан яна икки аёл фалокатдан қутулиб қолган. Улар йўргак сойга оқиши ҳамоно бу гулнинг новдасини ташлаб юборганлар.

Ёш жувон ажойиб гулни олганидан ич-ичидан қувонди, баҳоси атиги эллик эре турарди. Уларнинг уйларида

ҳеч нарсалари йўқ эди. Йўргак ҳамда ажал тарқатувчи оқ гул қиссасини эшитиб, у «нима бўпти, агар одамлар кўп йиллардан бери, бу бало келтиради деб уқтира-уқтира фалокат чақирган бўлсалар бордир, бунинг ҳеч таажжубланадиган ери йўқ» — дерди ғазабланиб.

— Гулнинг қиш чилласида очилгани, бу ҳақиқий мўъжиза, бахт келтиради, мен бу гулдан кўчат ўтқазман, — дерди у кулиб. Бу ерда эскидан турувчилар унга хўмрайиб, адоват билан қарардилар. У бўлса, ёнидаги аёлга ўгирилиб, қўшиб қўйди:

— Айбни гул билан йўргакка қўйишнинг ҳожати йўқ. Жодугарлик қилиб ҳар хил бемаъни гапларни сотгунча, яхшиси тек ўтириб, черковда ўзларингни тегишинча тутсанглар бўлмасмикин. — Шундай деб, жувон гулни уйига олиб кетди.

Қизил пелларгония билан испан гулсапсари шундайлигича Луванинг уйида қолиб, совуқ уриб кетди. У гулларни ҳеч ким олмади. Янги кўчиб келган ёш аёлнинг гул оладиган бошқа пули йўқ эди.

— Сотиб олишмагани олишмаган, ҳеч бўлмаса у гулларга қараб туришсаям майлийди. Бу ердаги одамлар жуда баттол экан, шунинг учун мен гулларга қараб туришни бўйнимга олишдан қўрқдим, гулларни ўғирлаб кетди дейишданам тоймайдилар. Улар адолатни билишмас экан, — деб қолди жувон эрига кечқурун, оқ пелларгонияни завқ билан томоша қилиб. — Бу ерда баҳоргача турамизу, кейин кўчиб кетамиз: у бахти қаро одамлар ҳақида ҳар хил бемаъни гапларни эшитаверишга ҳеч тоқатим қолмади! Бу ердагиларнинг ҳаммасини ақлдан озган деб ўйлаш мумкин. Ҳа, албатта кўчиб кетишимиз керак. Мен бу ерда туғишни хоҳламайман. Бу ерда бола билан гулни ёмон кўрадилар. Апрельда туғмасимдан олдинроқ кўчиб кетамиз. Бола июнда дунёга келиши керак. — Шундай деб, жувон эрини қучоқлаб олди. Уни қўрқув босди, кўнглига ҳар хил ёмон фикрлар келди. Учта ўлган одамни кўз олдига келтирди: улар ўлмаганда ҳеч қачон бунақанги ажойиб оқ пелларгонияга эга бўлмасдим, деб ўйлаб қолди. Эри аёлни маҳкам бағрига босган эди, унинг қайғули фикрлари тарқади.

«Биз марҳумларга ёмонлик қилмадик, уларнинг шаънига ёмон сўзлар айтмадик. Ғийбатларга ишонмадик», —

деб ўйлади у, кейин эрининг қучоғидан чиқиб гулларга сув қуйгани кетди.

— Бу ердан албатта кетамиз, кетгандаям вақтлироқ кетамиз. Бу ер даҳшатли жой.

Булар ҳақида нималарни бичиб-тўқишмади! Бир аёл, оқ пелларгония барги дўзах ўтидан қизариб кетибди, деб даъво қилди.

Эри-хотин февралдаёқ бу жойни тарк этиб, жанубга жўнадилар. Жувон лаш-лушлари устига чиқиб олиб, оқ пелларгонияни қўлида ушлаб кетди. Гул совуқдан яхшилаб ўралгани учун барги қанақалигини ажратиш қийин бўлса ҳам у оч кўк эди.

*Май Хирдман*

## БЕТХОВЕННИНГ БЕШИНЧИ СИМФОНИЯСИ



Юрет янги нағма қутиси бор чолнинг уйига кириб келди. Бу чол унча қари бўлмаса ҳам, ёши жуда бориб қолган кўринар, соқоли худди эски портретлардаги кишиларнинг соқолига ўхшарди. Қизча чолнинг соқолини тортқилаб ўйнашни, сийпалашни яхши кўрар, гоҳо уни ипак боғич билан боғлаб қўяр эди. Бобо шунақа пайтларда ўзиям жуда чиройли бўп кетарди-да! У рассом Дюрерга ўхшаганлигидан ўзини Дюрер деб атарди. Бу рассомнинг ўлганига жуда кўп замонлар бўлган.

Қиш кунларидан бири, ёмғир шивирлаб турарди. Соат энди икки бўлса ҳам, фонарлар Теракзор кўчасини ёритади. Бу фонарларнинг ёқилишда ҳам қандайдир сир бор, аммо бунини вақти келганда айтиб берамиз. Аллақандай бир Око деган номаълум киши ҳамма кўчалардаги фонарларни ёқиб, катта шаҳар Стокгольмда чироқ ўчиб қолмасин деб хабар олиб туради. У шаҳарга эмас, балки унинг чироқларига қарайди. Кўчалардаги ҳамма фонарлар шу Оконинг назоратида, ўшанинг буйруғи билан ёқилади. Кундуз кунини эса фонарлар ёқилмайди, чунки исрофгарчилик бўлади. Қишда кундуз кунини ҳам туман тушиб, ҳамма ёқ қоронғи бўлади, шунда Око чироқларни ёқиб, иш билан кетаётган одамларнинг йўлини ёритиб туради.

— Дюрер амаки, Око чироқларни ёқибди,— деди Пю-

рет. У чироқларнинг ёқилиш сирини биларди.— Қоронғи тушибди. Яна озгина ўтириб, нағма қутини эшитсам майлими?

Ёмғир ёғиб турган бир пайтда чолнинг олдига келган Пюрет у билан шундай сўрашди.

Дюрер амаки суюниб кетди. У ёлғиз ўзи турарди. Яхши кўрган кишиларнинг суратларини уйнинг деворларига ёпиштирган, улар орасида бола-чақаларининг ҳам расми бор эди. Чолнинг яқинлари уруш даврида испанка касалидан қирилиб кетган бўлса ҳам, улар расмларидан яхши одамларга ўхшарди. Ҳозир эса улар йўқ, ҳаммалари нариги дунёда. Қизча бу ҳақда амакидан кўп сўраган, амаки ҳам бор гапни гапириб берган, шунинг учун Пюрет ҳаммасини биларди.

Дюрер амакиннинг нағма қутиси бор, у чинакам радиограммафоннинг ўзи эди. Нағма қизил қутининг ичида турар, ўзи қиммат бўлса ҳам, жуда яхши, ярақ-ярақ қиларди. Унга хоҳлаган пластинкани қўйса бўлади. Қизча игна тагида пластинка айланишини томоша қиларкан, юраги дукуллаб уриб кетарди. Бир пластинка тамом бўлгандан кейин иккинчисини қўяр, нағмаларни шу тариқа эшитаверарди. Нағма қути жуда ажойиб-да. Амаки қизча келди дегунча куладиган пластинкани қўярди, чунки Пюрет ҳаммадан ҳам шуни яхши кўради-да.

Бугун ҳам қизча шу пластинкани қўйдирди, амаки билан у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди, икковларининг ҳам кўнгиллари анча ёзилди. Пюрет музыкага жўр бўлиб, столни чалиб турди. Столни чалганда китобга қараб чалиш керак, нега деганда қизча буни кинода кўрган. Шунинг учун у Бетховеннинг бешинчи симфонияси партитурасини олиб, олдига ёзиб қўйди. Бу жуда яхши музыка эди. Амаки қизчанинг олдида симфониянинг партитураси очиқ турганини кўриб кулиб қўйди. Ешлигида Антверпендаги музыка билим юртини тамомлаётганида давлат имтиҳонида шу симфонияга дирижёрлик қилгани унинг ёдига тушди.

Чол ана шу буюк симфония ёзилган пластинкани топиб бошқа пластинжаларнинг устига қўйди. Кейин қизчадан партитурани авайлаб олди-да:

— Ҳозир жуда қизиқ ўйин ўйнаймиз,— деди.— Мен сенга ажойиб концерт бераман. Сен катта залдаги томошабин бўлиб, жим ўтириб тинглайсан. Эшитяпсанми? Ҳозир жуда ажойиб кичкина найлар чалиняпти. Улар-



нинг ингичка овозини эшитяпсанми? Мана бу йўғон товуш эса трубадан чиқяпти. Ҳозир эса,— деди у овозини пастлатиб,— скрипкаларнинг овози эшитилади. У шивирлаганича бундай ажойиб нағманн бунёдга келтираётган созлар ҳақида гапира кетди. У ҳар гапида бош ирғар, соқолига Пюрет боғлаб қўйган пушти ранг ипак боғич унинг ҳар бир ҳаракатига монанд силкинardi. Чол ҳозирги ҳаракатлари ўйинлигини тамоман унутиб қўйиб, чин санъаткордек фақат хаёлидагина мавжуд бўлган оркестрга дирижёрлик қилар, дам қўлини кўтариб, найларга секинлашни буюрар, дам уларни тўхтатиб қўйиб, овозларни скрипкалардан чиқаётган оҳанглар оқимига қўшар, гоҳо олдинга маъюс эгилиб, тақдирнинг овозига қулоқ соларди. Ҳа, чолнинг кўзга кўринмас оркестри қисмат симфониясини ижро этарди. Пюрет креслода ухлаб қолди. У оркестрнинг янграётган улуғвор овози аллалай бошлагандаёқ уйқуга кетганди.

— Уларни кўряпсанми, Пюрет?— деб шивирлади Дюрер. Ўзи эса оркестр созандаларини, қўли ром қилган томошабинларни ҳам кўриб турарди. У партитуранинг иккинчи бетини ҳам очди-да, шавқ-завқ билан дирижёрлик қилишда давом этди.

Пюрет эса ухлайверди.

Симфония жуда кучли гулдураб тамом бўлди. Яхши ва чинакам куйлар шундай тамом бўлади. Қора терга тушиб кетган Дюрер томошабинларга уялиқираб таъзим қилди-да, олқишлар янграшини кутди. Олқишлар эшитилмагач, залга ажабланиб қараркан, ухлаб ётган Пюретни кўрди. Чол шундан сўнг нотани авайлаб бир чеккага сурди-да, томошабинларга кетаверишинлар мумкин, дегандай имо қилди. Кейин эса оҳиста:

— Пюретни уйғотманглар,— деб шивирлади.

Шунда, гўё чолнинг тасавуридаги унинг хонасини тўлдирган томошабинлар қандай тинч кириб келишган бўлса, шундай индамасдан чиқиб кетишди. Йўқ, улардан биттаси тўхтаб чолга:

— Нега машҳур созанда бўлолмадинг, Дюрер амаки? Нега?— деб шивирлади.

Бу киши жойидан жилмай чолга қўлини қимирлатиб пўписа қилди. Машҳур созанда бўлишга қобилиятинг бўлмай, оддий инсонлигингча қолганингни тушунтириш осонми? Ҳа, айтгандай, чол оддий инсон ҳам бўлолмаганди.

Ҳалиги томошабин чолга жуда яқин келди-да, қулоғига:

— Нега газеталарда суратинг чиқмайди? Туғилган кунинг нега нишонланмайди?— деди.

Дюрер бунга эшитиб жуда тутаклиб кетди. У хира томошабиннинг қулоғидан чўзиб, ташқарига чиқариб қўйди-да:

— Ўзим ҳам бемаъни саволларингга жавоб беришга кўзим учиб турган эди!— деб минғиллади.

Шу онда уйқусида кулиб ётган, юзлари қип-қизил Пюрет уйғониб қолди ва кетишга рухсат сўради. Чол уни етаклаб кўчадан ўтказиб қўйди. Атрофни қоронғилик босган бўлса ҳам қизча Дюрернинг қалбини қуёш янглиғ ёритди.

— Куйни жуда яхши чалдингиз,— деди Пюрет.— Мен уни уйқумда ҳам эшитдим. Эртага яна келаман.

— Жажжи Пюретга доим эшигим очиқ,— деб жавоб берди Дюрер ва тагин кишилар кулмасин деб соқолидаги пушти ранг боғични олди.

Кишилар эса барибир ундан кулишарди.

## МУНДАРИЖА

### ДАНИЯ ҲИКОЯЛАРИ

<b>Браннер Х. Х.</b>	
Ингеборг. <i>М. Норматов таржимаси</i> . . . . .	5
<b>Нексе М. А.</b>	
Инвалидлар учрашуви. <i>Э. Носиров таржимаси</i> . . . . .	20
<b>Паллесен О.</b>	
Юбилей. <i>М. Норматов таржимаси</i> . . . . .	37

### ИСЛАНД ҲИКОЯЛАРИ

<b>Гуннарссон Г.</b>	
Ўғил. <i>М. Норматов таржимаси</i> . . . . .	53
<b>Лакснесс Х.</b>	
Лилья. <i>М. Норматов таржимаси</i> . . . . .	61
<b>Сигурдссон О. Й.</b>	
Махфий иш. <i>М. Норматов таржимаси</i> . . . . .	72

### НОРВЕГ ҲИКОЯЛАРИ

<b>Ерген Й.</b>	
Бахт. <i>Э. Носиров таржимаси</i> . . . . .	85
<b>Муен А.</b>	
Қичкина Ханс улгаймоқда. <i>Э. Носиров таржимаси</i> . . . . .	93
<b>Недреос Т.</b>	
Оркестрдаги чувалчанг. <i>Э. Носиров таржимаси</i> . . . . .	97
<b>Рунген Б.</b>	
Улкан совға. <i>Х. Худоёров таржимаси</i> . . . . .	106

Хауган С.  
Бегона солдат. *М. Норматов таржимаси* . . . . . 121

ШВЕД ҲИКОЯЛАРИ

Бофе К.  
Истеъдод соҳиб. *Э. Носиров таржимаси*. . . . . 130  
Мартинсон М.  
Йўрғак ва гул. *М. Норматов таржимаси* . . . . . 135  
Хирдман М.  
Бетховеннинг бешинчи симфонияси. *Э. Носиров таржимаси* 143

БИБЛИОТЕКА ИГПИ

Инв. № 58318

На узбекском языке

СКАНДИНАВСКИЕ РАССКАЗЫ

196 г.

Гослитиздат — Ташкент — 1962


Перевод с издания 1957 года  
Издательства Иностранной литературы

Редактор *М. Мирзодилов*  
Рассом *Г. Остапенко*  
Расмлар редактори *И. Ниркова*  
Техн. редактор *В. Шуклинова*  
Корректор *М. Мансурова*

Босмахонага берилди 21/VI 1962 й. Босишга рухсат этилди 15/VIII 1962 й. Формати 84x106<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма л. 4,625 Шартли босма л. 7,59. Нашр л. 8,4. Индекс б/а. Тиражи 15000. ЎзССР Давлат балий адабиёт нашриёти, Тошкент. Навоний 30. Шартисма 259-61.

ЎзССР Маданият вазирлиги Ўзглавиздатининг Ихтисослаштирилган ҳарф терув фабрикасида терилиб, матрицадан босмахонасида босилди. Тошкент, 1962 й. Заказ 442. Бэхоси 39 т.

39т.



ЎЗАДАБИЙ НАШР